

O'ZBEKISTON **ISSN 2181-502X** QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№6. 2023

30 июнь —
Ёшлар куни

Мен ҳар гал ёшлар билан учрашганимда, "Илмни қадрланг, илмга интилинг!" деган сўзларни такрорлашдан чарчамайман. Ўзингиз кўряпсиз, дунёда ўқиган, замонавий илм ва имкониятларни пухта эгаллаган, ёш авлодини айнан шу руҳда тарбиялаган халқлар, давлатлар жадал ривожланмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.





ЁШЛИК —

юксак парвозларга имкониятдир

Акбарали Турдиев 1998 йилда Сурхондарё вилояти Қумқўргон туманида туғилган. Айни пайтда у “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети 2-босқич магистранти.

Акбарали 6 йил муқаддам мазкур ўқув даргоҳига грант асосида ўқишга қабул қилинган. Ўша пайтда Тошкенда унинг бирорта ҳам яқин инсони бўлмаган. Айни пайтда эса Акбаралининг 20 га яқин шоғирдлари, яъни укаси ё синглисидай бўлиб қолган инсонлари, акаси-опа-сидай бўлиб қолган устозлари бор. У устозлари, ота-онаси, шоғирдлари кўмагида бир қатор лойиҳаларга асос солди ва айнан шу лойиҳалари туфайли маълум бир миқдорда даромад ҳам ортирди. У ҳозир Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институтида иш фаолиятини олиб бормоқда.

Ёш тадқиқотчининг изла-нишлари долзарб масалаларга қаратилган. Масалан, бугунги кунда сув муаммолари Ўзбекистонда ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу муаммоларга ечим топиш мақсадида 2019 йил у ўзининг сувтежамкор технологиясини таклиф қилди. Бу технология “Smart drip irrigation system” деб номланади ва унинг энг муҳим тарафларидан бири, сувни одатдаги суғориш услубига нисбатан 30% дан 50% гача тежас имкониятига эга.

Мазкур лойиҳа доим экиннинг сувга бўлган талабини аниқлаб туради ва қачонки ўсимликка сув керак бўлса, насосни ишга туширади. Бу жараёнда экинга меъёрий даражада сув бериб

турилади, шу билан бир қаторда, фермер ёки деҳқонлар учун қулайлик яратилади энг асосийси, экин ҳеч қандай ишчи кучисиз, сунъий интеллект орқали суғорилади. Бунда фермер ва деҳқонлар уйда ўтирган ҳолда ернинг ҳолатини махсус илова орқали аниқлаш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, мавсум давомида қанча энергия, сув ва ўғитлардан фойдаланилганини илова орқали ҳисоблаш имконияти ҳам мавжуд. Бугунги кунга келиб Акбарали мазкур “Smart drip irrigation system” лойиҳасини Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети билан биргаликда 6 та вилоятнинг 400 гектар ер майдонида ўрнатиш устида иш олиб борапти.

Ёш бўлса-да, А.Турдиев тажрибали ва салоҳиятли устоз сифатида бир неча йиллардан буён университетда ташкил қилинган илмий ва инновацион лойиҳалар устида иш олиб боровчи “Hydroleaders” жамоасидаги талаба ўқувчиларга “Робототехника”, “Веб дастурлаш” ҳамда StartUp лойиҳаларни бошқаришни ўргатиб келмоқда. У ва шоғирдлари турли Халқаро ва Республика грант танловларида нуфузли ўринларни олишган.

Масалан, 2018 йил 22 мартда – “International water day” (халқаро сувчилар куни) доирасида ўтказилган «Барқарор ривожланиш йўлида сув ресурсларидан фойдаланишнинг innovation усуллари» мавзuidaги танловда илмий лойиҳалари билан

иштирок этди ва Smart Hidro лойиҳаси билан фахрли 1-ўринни қўлга киритиб, Ноутбук билан тақдирланди. Ҳозирда ушбу лойиҳадан институт миқёсида махсус қўлланма сифатида ҳам фойдаланилмоқда.

2018 йил апрель ойида “The modern problems of agriculture water resources”, 2019 йилда “Интеллектуал-2019” танловининг “Энг яхши ишланма” номинацияси бўйича фахрли 1-ўрин соҳиби бўлди. Ушбу ишланмадан айрим мактабларда махсус қўлланма сифатида ҳам фойдаланиб келинмоқда.

2022 йилнинг апрель ойида ўтказилган “Мирзо Улуғбек во-рислари” танлови Республика босқичининг ғолиби.

2023 йилнинг 5 май куни Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ўтказилган “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳасида у ўзининг “Ҳайдовчисиз электро трактори” ихтироси билан иштирок этиб, 60 млн. сўмлик молиялаштиришга эга бўлди ва ғолиб деб топилди.

Айни пайда у ўз жамоаси билан HETA (Hydroleaders electro tractor for agriculture) “ҳайдовчисиз электро трактори” устида иш олиб борапти. Унинг қўллаб лойиҳаларида устози Луқмон Самиев ўз ёрдами бериб келмоқда.

– Менинг энг катта мақсадларимдан бири қишлоқ хўжалиги технологияларини замонавий кўринишга олиб келиш ва соҳага инновацияларни жалб қилишдир. – дейди Акбарали.

Улуғбек МАМАЖОНОВ,
ўз муҳбиримиз.

СУВ ХЎЖАЛИГИДА КОРРУПЦИЯГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

Давлатларнинг сиёсий тузилиши, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасидан қатъий назар, бугунги кунда коррупция бутун дунёнинг кенг қўламли долзарб муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Коррупциянинг авж олиши оқибатда давлатга солиқ тушумлари камаяди, давлат хизматларидан фойдаланиш қийинлашди, моддий ресурсларнинг хусусий сектордаги тақсимоли кўзбўямачилик билан амалга оширилади, оқибатда, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашди. Қолаверса, коррупция хорижий сармоядорларнинг инвестиция киритмаслигига сабаб бўлиб, халқаро ҳамжамиятда давлат тўғрисида салбий тасаввурларни юзага келтиради.



Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вазирликда буйруқ қабул қилиниб, янги тартиб-таомиллар ўрнатилди. Бунда ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида мақсадли индикаторларнинг бажарилиши бўйича аниқланган коррупцияга шароит яратувчи омилларни баҳолаш ва бошқа муаммолар ҳолатларни таҳлил қилиш, вазирлик тасарруфидаги тизим ташкилоти раҳбарларининг коррупцияга қарши мurosасиз муносабатини кўрсатувчи хатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баҳолаш назарда тутилган.

Шунингдек, ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ишларнинг амалга оширилганлигини ўрганиш, тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқа чора-тадбирлар белгиланган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан мurosасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларини бундан кейин ҳам мунтазам ўтказиб бориш режалаштирилган.

Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида коррупциявий хатарларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича “Иш режаси” ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари олдида коррупцияни таг-томири билан йўқ қилиш, ушбу иллатга бутунлай барҳам бериш вазифаси қўйилган.

Шокир КУЛИМБЕТОВ,

Сув хўжалиги вазирлиги Юридик хизмат
ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси
бош мутахассиси.

Шу боис, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимизда қисқа вақт ичида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга оид бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида” каби қонунлар қабул қилинди.

Мазкур қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида Сув хўжалиги вазирлиги томонидан изчил ишлар олиб борилаёпти. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда сув хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган раҳбар-ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича мунтазам равишда давра суҳбатлари, семинар-тренинглари ўтказиб келинмоқда.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнига янгича, замонавий ёндашувларни жорий этиш, кадрларнинг давлат хизматига танлов асосида қабул қилинишини янада такомиллаштириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат фуқаролик хизматчилари вақант лавозимларининг ягона очиқ портали (<https://vacancy.argos.uz>) орқали бўш иш ўринларига мустақил очиқ танловлар асосида ишга қабул қилиш йўлга қўйилган.

2023 йилнинг 27 январидан вазирлик тузилмасида мавжуд штат бирлиги доирасида Юридик хизмат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ташкил этилди ҳамда вазирлик ҳудудий бўлинмаларида масъуллар белгиланган.

110 ЁШЛИ ИЛМИЙ ДАРГОҲ

Яқинда Жиззах вилояти-
да Ўзбекистон Респуб-
ликаси Қишлоқ хўжалиги ва-
зирлиги ҳузуридаги Лалмикор
деҳқончилик илмий-тадқиқот
институтининг 110 йиллиги-
га бағишланган “Лалмикор
деҳқончилигининг аҳамияти,
илмий асослари ва уни ривож-
лантиришнинг инновацион аг-
ротехнологиялари” мавзусида
илмий-амалий конференция
бўлиб ўтди.



Мазкур тадбир Бирлашган Миллат-
лар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ
хўжалиги ташкилоти (ФАО), Озиқ-овқат ва
қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ри-
вожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази
(ISCAD) ва Қўрғоқчил минтақаларда қишлоқ
хўжалиги тадқиқотлари халқаро маркази
(ICARDA) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси
депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг масъул ходимлари, вазирлик
ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари,
Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инновация ва хизмат-
лар миллий маркази – AKIS мутахассислари, агро-
кластерлар раҳбарлари, олимлар, тадқиқотчилар,
маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари про-
фессорлари иштирок этдилар.

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институ-
ти илмий фаолиятини 1913 йилда бошлаган. Илмий
муассасада дастлаб лалми ерларда, кейинчалик
суғориладиган ерларда бошоқли, дуккакли дон ва
бошқа экинлар селекция-уруғчилиги ва агротехни-
каси ўрганилиб, ғаллачиликка илмига пойдевор
қўйилган.

Институт 110 йиллик фаолияти давомида 20 га
яқин қишлоқ хўжалик экинларининг 246 та серхосил
навлари яратилди. Ҳозирги вақтда суғориладиган
ва лалмикор майдонлар учун мос бўлган эртапи-
шар, серхосил, юқори сифатли навларни яратиш,
бўғдой-шудгор алмашлаб экиш тизими, ресурс
тежовчи агротехнологияларни такомиллаштириш,

тупроқ унумдорлигини ошириш, уни шамол ва сув
эрозияларидан сақлаш ҳамда 14 турдаги қишлоқ
хўжалик экинларининг селекцияси, уруғчилиги
бўйича илмий ва амалий, инновация ишларини
давом эттирмоқда.

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот ин-
ститути “Ўзбекистонда озиқ-овқат тизимларининг
ердан фойдаланиш ва қайта тиклашга таъсирини
баҳолаш дастури” лойиҳасини амалга оширишда
ФАОнинг ҳамкори ҳисобланади. Лойиҳа ФАО то-
монидан Глобал Экологик Жамғармаси кўмағида
Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари
вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан
ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Конференцияда Буюк Британия, Испания,
Қозоғистон, Миср, Хитой, Эрон ва эфиопия-
лик халқаро даражадаги олимлар, шунингдек,
маҳаллий мутахассислар лалмикор деҳқончилигини
ривожлантириш, бўғдой етиштириш ва ресурслар-
дан самарали фойдаланиш бўйича ўз тажрибалари
билан ўртоқлашдилар.

Анжуман якунида иштирокчилар Жиззах вило-
ятидаги Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот
институтининг тажриба майдонларида олиб бори-
лаётган ишлар билан танишдилар.

Ўз мухбиримиз.

АГРАР СОҲАНИНГ ЕТАКЧИ ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИ

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти

90 ёшда

Жорий йилнинг 24-25 май кунлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти – ФАО билан ҳамкорликда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг 90 йиллигига бағишланган “Сабзавот, полиз ва картошкачилик соҳасида эришилган илмий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари, ишлаб чиқариш билан интеграция” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Сенатнинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш агентлиги, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази, Уруғчиликни ривожлантириш маркази, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти – ФАО, Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Annexure Financial Solutions компанияси, Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик технологиялари бўйича техник кўмак лойиҳаси, BMB TRADE GROUP компанияси, AGRO KONTINENT уруғчилик компанияси, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Россия Федерациясининг “Сабзавотчилик Федерал илмий маркази” раҳбар ва вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва магистрлари, турли илмий-тадқиқот муассасалари, марказлари раҳбарлари, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда унинг илмий-тажриба станциялари олимлари қатнашдилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитов, Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Бахтиёр Камаловлар иштирок этди.

Анжуман доирасида институт фаолияти ҳақида видеофильм, институт тарихи ҳақидаги китоб, янги илмий нашрлар, илмий журнал тақдими, ҳамкорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти 1933 йил Республика сабзавот станцияси негизидан ташкил этилган бўлиб,



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 10 февралдаги “Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил октябрдаги 601-сон қарори билан қайта ташкил этилган.

Институтнинг 90 йиллик фаолияти давомида олиб борган илмий ишланмалари туфайли Ўзбекистонда сабзавотчилик анъанавий хусусий сектордан республика қишлоқ хўжалигининг ривожланган замонавий тармоғига айланди.

Ўтган асрнинг 80 йилларида институт таркибида 12 та лаборатория, республиканинг турли экологик зоналари – Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Сўх, Термиз, Қарши ва Хоразмда тажриба станциялари бўлган.

1990 йилда институт таркибида сабзавот ва полиз экинлари селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси, картошкачилик лабораторияси, биотехнология лабораторияси, физиология, биокимё



ва сабзавот маҳсулотлари сифати лабораторияси, агрокимё лабораторияси, уруғчилик лабораторияси, ўсимликларни химоя қилиш лабораторияси, сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштириш технологияси лабораторияси, химояланган ер лабораторияси, сақлаш ва қайта ишлаш гуруҳи ҳамда иктисодиёт бўлимлари ташкил этилди.

Бугунги кунда институтда ўз соҳаси бўйича катта тажрибага эга қишлоқ хўжалиги фанлари докторлари, профессорлар Р.А.Низомов, Р.Ф.Мавлянова, М.Х.Арамов, Т.Э.Остонақулов, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори А.Ж.Шокиров, қишлоқ хўжалиги фанлари ноизодлари Р.А.Хакимов, Е.Е. Лян, М.Ў.Халимова, биология фанлари номзодлари М.У.Холдоров, С.С.Алимухамедов ва Ф.К.Ганиевлар ўз шогирдлари билан самарали изланишлар олиб бормоқдалар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 601-сон қарори билан институт тузилмасига ўзгартириш киритилиб, лабораториялар сони 7 тадан 14 тага, вилоятлардаги илмий-тажриба станциялари сони эса 8 тага етказилди. 2022 йилнинг ўзида 2 та янги илмий-тажриба станцияси ташкил этилди. 2021 йил ташкил этилган Ўзбекистон-Венгрия картошкачилик илмий маркази ҳам институтнинг тизим ташкилоти ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатимиз раҳбарининг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ институтда Сабзавот, картошка полиз, дуккакли экинлар, гул ҳамда доривор ўсимликларни интенсив усулда етиштириш мактаби ташкил этилди.

Институтида олий малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилган бўлиб, айти пайтда докторантурада 32 нафар ёш изланишлар олиб бормоқда.

Институтда сабзавот, полиз ва картошка экинлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш бўйича 2016 йилдан буён 40 та илмий лойиҳа, 2022 йилда эса Давлат илмий-техник дастурлари доира-

сида 11 та, жумладан, 6 та амалий ва 5 та инновацион лойиҳа бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Институтда сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 230 дан ортиқ нав ва дурагайлари яратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига сабзавот, полиз ва картошка экинларининг 32 та тури бўйича 181 та нави киритилган. Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 14 та нав патентлаштирилган бўлиб, 195 та нав, жумладан, сабзавотнинг 142 та, полизнинг 41 та, картошканинг 12 та нави селекция ютуғи сифатида ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Институт ва унинг илмий-тажриба станцияларида ҳар йили сабзавот, полиз ва картошка экинларининг 20-25 тури бўйича 32-35 та навидан ўрта ҳисобда 200 тонна оналик сабзавотлар, 25-36 тонна сабзавот экинлари уруғлари, 5-6 тонна полиз экинлари уруғлари, 300-320 тонна юқори авлодли картошка уруғликлари ишлаб чиқарилади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қовун ва тарвуз экинларининг навлари институт селекция ютуғи сифатида 1946 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилиб, бугунги кунгача ишлаб чиқаришда ўз ўрнига эга. Помидорнинг биз яхши билган “Юсупов”, картошканинг “Обидов”, қовуннинг “Оби новвот”, “Бўрикалла”, тарвузнинг “Мраморный” навлари институт ходимларининг илмий изланишлари маҳсули ҳисобланади.

Олимлар томонидан сабзавот, полиз ва картошка экинларини ресурстежамкор, сув тежамкор, интенсив технологиялар асосида етиштириш бўйича ишлаб чиқилган 20 дан зиёд илмий ишланмалар қаторида сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижалари – ишланмалари ҳам ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Институт жамоаси ўз олдига сабзавот, полиз ва картошкачилик илмини янада ривожлантириш бўйича улкан режаларни белгилаган ҳолда тадқиқот ишларини давом эттирмоқда.

Бекзод ЭГАМҚУЛОВ,
ўз муҳбиримиз.

ИЮНЬ ОЙИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА НИМАЛАРГА АҲАМИЯТ БЕРИШ ЗАРУР?

Жорий йил баҳорнинг эрта келиб, ҳаво ҳароратининг кескин исиб кетиши каби об-ҳавонинг мураккаб шароити пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда барча агротехника тадбирларини жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Бу шароитда сувдан самарали фойдаланиш, сувни тежаш ва ўсимликларнинг яхши ўсиб, баравж ривожланишида ғўза қатор ораларига ишлов бериш катта аҳамиятга эга. Шунда тупроқ хусусиятлари, сув билан таъминланганлигини инобатга олиб, унинг чуқурлиги, сони ва муддатини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш

Ғўза қатор ораларига ишлов беришда энг аввало культиватордаги ишчи органлар сонининг тўлиқ бўлиши ва ишлов бериш чуқурлигига алоҳида эътибор бериш керак. Бундан ташқари, чигит эрта экилган майдонларда культивацияни озиклантириш билан бирга ўтказиш, кеч экилган, қайта экилган, нами юқори бўлган майдонларда қўшимча 1-2 марта ишлов бериш лозим. Бунда ўртадаги ишчи орган чуқурроқ ўрнатилса, намлик тез йўқотилишига эришилади.

Ғўза қатор орасига ишлов беришда 1- ва 2-культивация ўртасида махсус мослама ёки чизель-культиватор ёрдамида механик таркиби энгил ва ўрта тупроқларда 18-22 см, механик таркиби оғир тупроқларда 20-25 см гача чуқур юмшатиш сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширади, ўсимлик ўсиши, ривожланишини яхшилаб, ҳосилдорликни 3-4 ц/га оширади.



Культивация билан бирга суғориш учун жўяк олинганда биринчи сувда эгат чуқурлиги 60 см қатор ораларида 12-14 см, 90 см қатор ораларида 15-18 см, кейинги суғоришларда ушбу чуқурлик тегишлича 14-15 см ва 18-20 см бўлиши лозим.

Культивация ўтказиш олдидан қатор оралари 60 см бўлган далаларда культиваторнинг четки ишчи органлари 8-10 см, ўртадагилари 12-14 см,

қатор оралари 90 см бўлган далаларда эса шунга мос равишда 8-10 ва 15-16 см чуқурликда ўрнатилади, сўнг ишлов берилади.

Қўшқатор очиқ майдонларда ғўза парваришланганда культивация юқорида тавсия этилгани бўйича олиб борилади, лекин тор қатор орасини шоналаш даврига қадар 1 ёки 2 марта юза ишлов беришда ККО органи ўрнатилиб, ишлов берилади, бунда трактор текис юришини таъминлаш лозим.

Ғўза қатор орасига ишлов бериш жараёнида кесак ҳосил бўлишига йўл қўймаслик керак. Чунки, қатор орасига муддатидан кечиктирилиб ишлов берилса, тупроқдаги намликнинг ортиқча буғланиши кўпаяди, тупроқ ёрилиши оқибатида ўсимлик илдизлари зарарланиб, вилт касаллигига чалиниш эҳтимоли ошади, ўсиш ва ривожланиши 10-15 кунга кечикиб, ҳосилдорлик 4-5 ц/га камаяди.

Сув яхши шимилмайдиган, сув ўтказиш хусусияти паст, механик таркиби оғир тупроқларда қатор оралари 60 см бўлганда, ўртадаги ишчи органлари 15-16 см, 76 ва 90 см бўлса, 16-18 см гача ўрнатилиши мумкин. Ҳар хил кенгликда экилган далаларда ҳимоя майдони 12-15 см дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Механик таркиби энгил тупроқларда қатор орасига ғўзанинг ўсув даврида 5-6, ўрта ва оғир тупроқларда 6-7 марта ишлов бериш тавсия этилади. Лекин серёғин йиллари культивация тез-тез ўтказилиши, ғўза қатор ораси кўпроқ ишланиши талаб этилади. Шундагина ғўза ривож жадаллашиб, юқори ҳосил етиштирилади.

Суғоришдан сўнг тупроққа чуқур ишлов бериш шарт эмас. Культивацияда тракторга асосан

ККО ўрнатилиб, 10-12 см чуқурликда тупроқни юмшатиш, ортиқча намлик буғланишинг олдини олади ва тупроқда намлик яхши сақланади. Бу эса суғоришлар орасидаги муддатни 4-5 кунга узайтиришга ва ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосил тўплашига зарар етказмаган ҳолда мавсум давомида бир маротаба суғориш сувини тежаш имконини беради.

Бегона ўтларга қарши кураш, чопиқ ва ўтоқ ўтказиш

Бу йилги шароитда ёгин-сочин кўп бўлганлиги учун далаларда бегона ўтлар тез ўсиб кетиб, ниҳолларни сиқиб қўйиши ва кўп зарар етказиши мумкин. Бегона ўтларга қарши курашишда чопиқ ишларининг ҳам сифатли ва ўз муддатида бажарилишини ташкил этиш зарур. Шунингдек, бегона ўтларга қарши ғўзанинг шоналаш даврида (бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда) “Зелекс” 1,5 л/га меъёрда ёки бошқа тавсия этилган, ғўзага зиён етказмайдиган гербицидлар ОВХ, штангали мосламалар ёрдамида белгиланган меъёрларда пуркалади.

Ќўзани озиқлантириш

Минерал ўғитлар билан қўшимча органик ўғитлар қўлланилса, ғўзанинг ўсиши жадаллашади, ҳосили кўпаяди, тола ва чигит сифати ошади.

Ќўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришда, фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрлари мўлжалланган ҳосил учун белгиланган азотли ўғитларнинг йиллик меъёрларига (N:P:K — 1,0:0,7:0,5) нисбатан олинади ҳамда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорларига боғлиқ ҳолда табақалаштирилиб солинади.

Биринчи шона пайдо бўлгандан биринчи гул очилгунча ғўза тупроқдан азот ва калийни кўп ўзлаштиради.

Ќўза шонага кирганда гектарига соф ҳолда 75-100 кг азот ва 50-60 кг калий бериш керак (225-300 кг аммиакли селитра ёки 160-217 кг карбамид (мочевина) ва 85-100 кг калий хлорид ёки калий сульфат 110-130 кг). Бунда, ўсимликнинг 20-22 см ёнига, 14-16 см чуқурликка берилади.

Бу йилги шароитда минерал ва органик ўғитларнинг аралашмаларидан фойдаланиш зарур. Бунда, ғўза қатор ораларига 2-ишлов бериш даврида гектарига 250-300 кг чириган, қуритилган ва элакдан ўтказилган органик ўғитларни махсус мосламалар ёрдамида ғўза қатор ораларига (14-

16 см узюқликка ва 15-17 см чуқурликка) солиш яхши самара беради.

Ќўзанинг шоналаш ва гуллаш даврида гектарига 400-500 кг қуруқ гўнгни азотли ўғитлар билан биргаликда қўллаш пахта ҳосилини гектарига 2-3 центнерга оширади.



Гуллаш-қўсаклаш даврида ғўзанинг тупроқдан озиқа моддаларни ўзлаштириши, яъни азот ва фосфорли ўғитларга бўлган талаби янада ортади.

Ќўза гулга кира бошлаган пайтда гектарига соф ҳолда 75-100 кг азотли (аммиакли селитра 225-300 кг) ва 50-60 кг фосфорли (аммофос 110-130 кг ёки оддий суперфосфат 275-330 кг ёки супрефос 215-250 кг ёки PS-Агро 125-150 кг) ўғитлар қўллаш тавсия этилади.

Қатор ораси 90 см бўлса, 2-4 чинбарг ва шоналаш даврида 60 см схемаси билан бир хил, гуллаганда эса ўғит ўсимлик қаторидан 30-35 см ёнига, 60 см схемада эса қатор оралари ўртасига 14-16 см чуқурликка солинади.

Қўшқатор экилган майдонларда минерал ўғитлар солишда ернинг озиқа билан таъминлангани ва кўчат қалинлигидан келиб чиқиб 5-10% ошириш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилмасдан фақат азот ўғитлари солинса, қўсақларнинг очилиши 15-20 кунга кечикиб, ҳосил сифати пасаяди. Шунинг учун, фосфорли ва калийли ўғитлар тегишли меъёр ва муддатларда қўлланилиши зарур.

Ќсув даврида озиқлантиришнинг охириги муддати ғўзанинг гулга кирган 1-кунидан 10-кунигача тўлиқ тугалланиши керак.

Агар муддатидан кечиктирилса, ривожланиш даври чўзилиб, биомассаси ортиб кетади ва қўсақлар очилиши кечикиб кетади.

Дзани баргидан озиқлантириш

Ниҳолларнинг яхши ўсиши, ривожланиши, юқори ва сифатли ҳосил бериши учун уларни баргидан қўшимча равишда озиқлантиришда суспензия ва стимуляторлар сепиш талаб этилади. Бунда ўсимлик озиқа моддаларни барг ва поялари орқали ўзлаштиради.

Шоналаш даврида 8 кг/га карбамид ёки суюқ ўғитлардан КАС (карбамид-аммиакли селитра) 7 л/га ёки суюқ азот кальций 10 л/га меъёрларда қўллаш тавсия этилади.

Гуллаш даври бошида 10 кг/га карбамид ёки КАС 9 л/га ёки суюқ азот кальций ўғити 15 л/га ишлатилса, яхши самара беради

Суспензия билан бирга Фитовак (200-300 мл/га), Гумимакс (0,15-0,20 л/га), Узгуми (0,3-0,4 л/га), Аминозол (0,5-1,0 л/га), Лебозол калий 450 (2-3 л/га) ва Биодукс (2,0 мл/га) стимуляторлари қўшиб ишлатилса, ўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсири янада ортади.

Суспензияни эрталаб ва кечкурун ҳаво ҳарорати 20-25°C дан ошмаган пайтда сепиш тавсия қилинади. Ҳаво илиқ ва булутли кунларда суспензияни кун давомида сепиш мумкин. Ёмғир ёғаётган пайтда суспензия сепиш тавсия қилинмайди, чунки озиқа моддалари ювилиб, ўғитларнинг самараси пасайиб кетади.

Дзани суғориш

Бошқа агротехник тадбирлар қатори ўзани суғориш катта аҳамиятга эга. Бу жараён ўсимликнинг ўсув даврида жойнинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда турли меъёр ва муддатларда амалга оширилади. Дзани шоналаш даврида суғориш меъёри энгил тупроқларда гектарига 600-700 м³, ўрта ва оғир тупроқларда 700-800 м³ бўлиши керак. Ўсимлик гуллаш даврида сувга бўлган талаби бирмунча ортади, бунда суғориш меъёри энгил тупроқларда гектарига 900-950 м³, ўрта ва оғир тупроқларда 1050-1200 м³ ни ташкил этиши лозим.

Дзани чанқатиб қўймаслик учун суғориш олдидан суғориш учун эгат олиш керак. Тупроқ механик таркибини инobatга олиб, суғориш

эгатлари узунлигини тўғри белгилаш сувдан самарали фойдаланиш билан бирга ўсимликнинг дуркун ва баравж ривожланишини таъминлайди.



Бунинг учун суғориладиган эгатларнинг узунлигини 90 см қатор ораллиғида 80-100 метрдан, 60 см ли схемаларда 60-80 метрдан ошмаслик керак. Чунки эгат узун бўлса, охирига еткунча 2-3 суткалаб сув оқади, сув эса исроф бўлади.

Суғоришнинг давомийлиги энгил тупроқларда ўза гулга киргунча 10-12, ўрта ва оғир тупроқларда 12-14, гуллаш даврида эса мос равишда 14-16 ва 16-18 соатдан ошмаслиги керак. Сизот суви чуқур (3 м-дан пастда) жойлашган бўз тупроқларда суғориш сони ўртача 2-3 марта, гектарига 800 - 850 м³ меъёрида 16-18 кун оралатиб ўтказиш лозим.

Ерости сувлари чуқурлиги 2-3 м атрофида жойлашган бўз-ўтлоқи тупроқларда ўза гектарига 750-800 м³ меъёрда 1-2 (3) марта суғорилиб, бу ҳолда суғоришлар орасидаги даврлар 18-20 кунгача узайтирилади. Сизоб сув сатхи 1-2 м чуқурликда бўлганда 20-25 кун оралатиб икки марта суғорилади.

Шунингдек, жорий йилда сув танқислиги кутилаётган шароитда ўза парваришида сувдан самарали фойдаланиш мақсадида суғоришни эгилувчан қувурлар ёрдамида ҳамда эгат орасига плёнка (сув сарфини 10-15%, қатор орасига ишлов беришни 2-3 мартага камайтиради) тўшаб суғоришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фируза ХАСАНОВА, қ.х.ф.н., профессор,
Бегали НИЯЗАЛИЕВ, қ.х.ф.д., профессор,
Бахтиёр КАМИЛОВ, қ.х.ф.н., профессор,
ПСУЕАИТИ.

САБЗАВОТ ВА КАРТОШКА ЭКИНЛАРИНИ ТАКРОРИЙ МУДДАТДА ЕТИШТИРИШ

Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи сабзавотчиликда такрорий экин экиш ва ҳосил етиштириш катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу муддатда, асосан, сабзи, оқбош карам, гулкарам, помидор, ширин қалампир, турп, шолғом, ош лавлаги, редис, бодринг, қовун, тарвуз, картошка, турли кўкат ҳамда сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириш имконияти мавжуд.

Бунинг учун мавжуд имкониятларни тўғри ишга солиб, эртаки сабзавотлар ва кузги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғштириб олинганидан сўнг такрорий экин экиш ва парваришlashга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Қуйида такрорий муддатда сабзавот, полиз ва картошка етиштириш бўйича айрим тавсиялар келтирилмоқда.

Картошкани такрорий муддатда етиштириш учун энг яхши ерлар бу намлик ва органик моддалар билан тўлиқ таъминланган агрофизик хусусиятлари яхши бўлган тоғ ҳудудлари, тоғолди ва қуйи дарё бўйидаги гидроморф тупроқлар ҳисобланади.

Экиш учун картошканинг чет мамлакатлардан келган “Аризона”, “Эволюшен”, “Розаголд”, “Розара”, “Фреско”, “Кондор”, “Магнум”, “Марфона”, “Романо”, “Романтика”, “Куроода”, “Санте”, “Арнона”, “Диамант”, “Пикассо” ва бошқалар ҳамда маҳаллий “Боғизағон”, “Умид-2”, “Пском”, “Сарнав”, “Барака”, “Феруза” навлари тавсия этилади.

Такрорий муддатда картошка тугангани экиш ишлари сифатида жанубий вилоятларда: тезпишар навлар 10-20 июл, ўртапишар навлар 5-20 июл, кечпишар навлар 20-30 июн; марказий вилоятларда: тезпишар навлар 10-20 июл, ўртапишар навлар 10-30 июн, кечпишар навлар 10-20 июн; шимолий вилоятларда: тезпишар навлар 20-30 июн, ўртапишар навлар 15-25 июн, кечпишар навлар 5-10 июнда экилади.

Экин майдонини экишга тайёрлашда экин қолдиқларидан тозаланиб, органик ва минерал ўғитлар солинади. Картошкага соф ҳолда 200 кг азотли, 160 кг фосфорли ва 100 кг калийли ўғит солиш тавсия этилади. Фосфор ва калийнинг 75% шудгорга, қолган фосфорнинг 25% ва азотнинг 50% биринчи комплекс ишлов даврида, қолган азотнинг 50% ва 25% калий картошканинг

қийғос шоналаш даврида солинади.

Органик ва минерал ўғитлар солингандан сўнг майдонлар кетма-кет 28-32 см чуқурликда ҳайдалади, ортидан 20-22 см чуқурликда чи-зелланади. Бороналаш билан бирга молаланиб КРН-2,8А юмшатиш ёрдамида суғориш эгатлари олинади ва суғорилади.

Дала қондириб суғорилган майдонларга ер етилиб экиш механизми кириш мумкин бўлган даврда картошка СН-4Б русумли мосламада ёки қўлда экилади. Истеъмом учун етиштирилаётган картошка туганаклари 70×25-30 см ёки 90×20-25 см схемада экилади.



Майдонларда ниҳоллар тўлиқ униб чиққунча об-ҳаво ва ер шароитига кўра 1-2 марта суғорилади. Улар ердан тўлиқ униб чиққандан кейин 10-15 кун ўтгач, ўсимликларга биринчи комплекс ишлов берилади. Қатор оралари 15-16 см чуқурликда, 10-12 см ҳимоя масофаси қолдирилиб юмшатилади.

Оқбош карам органик моддаларга бой, яхши ўғитланган қорамтир ўтлоқ ерларда яхши ўсади. Енгил бўз ва қумлоқ ерларга экилган карам унча яхши ривожланмайди. Шўрланган ва ботқоқланган ерлар карам экишга унчалик ярамайди. Алмашлаб экишда кечки карамни эртаги картошка, сабзи, бодринг, ош лавлаги ва ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин сифатида экиш мумкин.

Унинг маҳаллий “Тошкент-10”, “Судья Ўзбекистон”, “Термиз-2500”, “Шарқия” навлари такрорий муддатда экишга тавсия этилади.

Тайёр бўлган карам кўчатларининг ёши 40-45 кунлик ва узунлиги ўртача 14-16 см ва барглари сони 6-7 тадан бўлганда очиқ майдонга экилади.



Оқбош карам кўчатлари жанубий вилоятларда 1-15 август, марказий вилоятларда 15 июн-10 июл, шимолий вилоятларда 25 май-5 июн. Карам кўчати 70×40 см ёки 90×40 см схемада экилади.

Карамни парваришlash қатор ораларини чопиқ қилиш, кўчатлар атрофидаги тупроқни қўлда юмшатиш ҳамда минерал ўғитлар беришдан иборат. Кейин 1-2 марта суғорилади. Тупроқ етилиши билан яна шундай комплекс ишлов ўтказилади, фақат бу гал ерга чуқурроқ ишлов берилади. Навбатдаги суғориш иккинчи озиклантириш билан биргаликда олиб борилади.

Гулкарам органик моддаларга бой, салқин, сув сиғими яхши ўғитланган қорамтир ўтлоқ ерларда яхши ўсади. Енгил бўз ва қумлоқ ерларга экилган гулкарам унча яхши ривожланмайди.

Такрорий муддатда экиш учун Скайвокер F₁, Фарго F₁, Кашмер F₁, Барселона F₁, Меган F₁, Вайт Иксель F₁, Юкон F₁ дурагайлари экишга тавсия этилади.



Кўчатлар кўчатхоналарда ёки очиқ майдонларда етиштирилади. Гулкарам кўчатларининг ёши 45-50 кунлик ва узунлиги ўртача 14-16 см ва барглари сони 6-7 тадан бўлганда очиқ майдонга экилади.

Такрорий муддатда кўчат жанубий вилоятларда 1-5 август, марказий вилоятларда 20-30 июл, шимолий вилоятларда 1-10 июлда экилади. Далага экиш пайтида кўчатларда 6-7 та барг бўлиши керак. Гулкарам 70×30-40 см схемада экилади.

Кўчат экилиб бўлгандан кейин дала кетмакет суғорилади. Орадан 2-3 кун ўтгач, кўчат ўтказилган эгатлар текширилади, хато жойларга яна кўчат экилади. Кўчат тутгандан сўнг эгатларнинг оралари культивация қилинади. Культивациядан сўнг кўчат атрофи юмшатилади ва биринчи марта ўғит берилади. Иккинчи культивация экин бир суғорилгандан сўнг ўтказилади. Гулкарам икки марта чопиқ қилинади.

Гулкарам бошларини тик тушувчи қуёш нурларидан паналаш зарурий тадбир ҳисобланади.

Сабзи тупроқ унумдорлигига талабчан ўсимлик, органик моддаларга бой ўтлоқ тупроқлар, ўғитланган қумоқ, енгил соз бўз тупроқли ерларда яхши ўсади.

Алмашлаб экишда сабзи ўсув даврининг дастлабки пайтларида жуда секин ўсади ва бегона ўтлар босиб кетади. Шу сабабли уларни қатор ораларига ишлов бериладиган картошка, бодринг, карам каби экинлардан кейин экиш тавсия қилинади. Қўп йиллик ўтлар ҳайдалган ерларга, полиз экинлари, пиёз ва илдизмевали сабзавотлардан бўшаган ерларга уларни экиб бўлмайди.

Экиш учун сабзининг маҳаллий эртапишар “Мшак-95”, ўртапишар “Мирзои сариқ-304”, “Мирзои қизил-228”, “Зийнатли” ва чет мамлакатларнинг “Нантская-4”, “Шантане-2461”, “Супер курода”, Карсон F₁ каби нав ва дурагайлари тавсия этилади.

Сабзи уруғини экиш ишлари жанубий вилоятларида 1-15 август, марказий вилоятларида 10 июндан 10 июлгача, шимолий вилоятларида 10-20 июнгача СКОН-4,2, СММ-4 маркали сеялалар билан ёки қўл кучи ёрдамида 1,5-2 см чуқурликда амалга оширилади. Уруғ сарфи гектарига 5-6 кг.

Сабзини парваришlash жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири уруғни ердан текис

ундириб олиш. Сабзи ниҳоллари тупроқ намлиги етарли даражада бўлганида 5-7 кундан сўнг кўринади ва 10-12 кунда тўлиқ униб чиқади. Кейинги ўсuv даврида қуйидаги технологик жараёнлар бажарилади: экин майдонини бегона ўтлардан тозалаш, қатор ораларини юмшатиш, экинларни яганалаш, суғориш, ўғитлаш ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш.

Сабзи етиштиришда бегона ўтларга қарши турли гербицидлардан фойдаланилади. Бир йиллик ўтларга қарши экишдан олдин ёки 1-2 чинбарг чиқарган вақтда Гезагارد-50 ёки Прометрин препаратини ҳар гектарига 2-3 кг; Фюзилад Супер 12,5% ли препаратини гектарига 1-2 кг ҳисобидан бегона ўтлар 2-4 та барг чиқарган вақтда пуркалади.

Сабзига соф ҳолда 150 кг азот, 80 кг фосфор ва 45 кг калий ўғити солиш тавсия этилади.

Ширин қалампир ўсимлиги бўз, ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда яхши ўсади. Сизот сувлари юза жойлашган, шунингдек, шўрланган тупроқлар учналик ярамайди.



Ўзбекистон шароитида ширин қалампирдан юқори сифатли ҳосил олиш учун нав ва дурагайларни тўғри танлаш мўл ҳосил етиштириш гаровидир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган ширин қалампирнинг маҳаллий эртапишар “Наргиза”, “Тонг”, Жайхун F₁ ўртапишар “Маржона”, “Заря Востока”, “Дар Ташкента”, чет элнинг “Долфин”, “Фламинго”, “Денвер” нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

Такрорий экин сифатида ширин қалампир кўчатларининг узунлиги ўртача 16-18 см.дан ва улардаги барглари сони 5-6 тадан бўлган даврда очик майдонларга экилади.

Ёзги муддатда жанубий вилоятларда: 1-10 август, марказий вилоятларда 1-10 июлда экиш тавсия этилади. Кўчатларни 70×30 см ёки 70×40 см схемада, ерости сувлари яқин бўлган ерларда 90×25 см схемада экилади.

Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар ўзини тутиб олгач, яъни экилгач 10-12 кундан кейин бошланади. Бунда эгат ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар орасининг тупроғи юмшатилади. Биринчи парваришладан 12-15 кун ўтгач, иккинчи сув берилади.

Бодрингни такрорий муддатда экиш учун унумдор, органик моддаларга бой, нам сифими юқори, сизот сувлари юза жойлашган ва шўрланмаган ерлар танланади.

Бодрингни очик майдонларда етиштириш учун унинг маҳаллий “Ранний-645”, “Ўзбекский-740”, “Зилол”, “Наврўз”, “Ифор”, “Шабнам” навлари ва чет мамлакатларнинг Аякс, Суперина, Амур, Фонтина, Аванте, СХҚ-3335 классик F₁ дурагайларидан экиш тавсия этилади.

Бодринг уруғи экишдан олдин бир сутка давомида алмаштириб туриладиган сувда ивителиди ва ўзи тўкиладиган ҳолатгача қуритилиди.

Кечки бодринг 15-30 июнда экилади. Очик майдонда СБУ-2,4А сеялкада ёки қўлда 70×30 ва 90×20 см схемада 4-5 см чуқурликка экилади. Уруғ сарфи гектарига 1-2 кг.

Ниҳоллар униб чиққанидан кейин ўша заҳоти ҳар бир уяда 2-3 та ўсимлик қолдирилиб, яганалаш ўтказилади. Униб чиқмаган уяларга эса ниҳоллар кўчат қилиб экилади. Ўсимликларда 2-3 дона чинбарг ҳосил бўлганда ниҳоллардан 12-15 см кенгликда ҳимоя майдони қолдирилиб, КРН-4,2, КХУ-4А-05 культиватор ёрдамида қатор оралари 6-8 см чуқурликда биринчи марта культивация қилинади. Сўнгра иккинчи марта уяда 1-2 та ўсимлик қолдирилиб, яганалаш ўтказилади, бунда ўсимлик юлиб олинмасдан чимдилаб ёки қайчи билан олинади. Иккинчи культивация ўтказилишидан олдин биринчи ўсиш даври суви берилади. Кейинги парвариш суғориш ўтказилишига қараб культивация қилиш ва суғориш жўягини олишдан иборат.

Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,

Рафиқжон ХАКИМОВ, қ.х.ф.н.,

Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.ф.д.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ.

Маълумки, республика-мизда қишлоқ хўжалик экинлари асосан суғориладиган ерларда парваришланмоқда. Уларнинг асосий қисмини ғўза ва бошоқли дон экинлари ташкил этади. Мамлакатимизда суғориш учун сув манбаларининг чекланганлиги янги ўзлаштириладиган ерларни кенгайтириш имкониятини камайтиради. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини жадаллаштиришда суғориладиган ерлардан интенсив фойдаланиш, бир йилда 2 ва 3 ҳосил олишни йўлга қўйиш маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим захираси ҳисобланади.

Республикамиз тупроқ-иқлим шароитида кузги бошоқли дон экинларидан 60-70 ц/га, такрорий экин сифатида парваришланадиган дуккакли-дон экинлар, жумладан, мош, соя, ловия экинларидан 15-25 ц/га дон ҳосили етиштириб, бир мавсумда 75-95 ц/га дон ҳосили етиштириш имконияти мавжуд. Бу эса кўплаб илмий тажрибалар, илғор деҳқон ва фермер хўжаликлари мисолида кузатилган. Шу билан бирга, узоқ йиллик тадқиқотларнинг кўрсатишича, такрорий экинлар фақат қўшимча дон ва ем-хашак манбаи бўлиб қолмасдан, бегона ўтларга қарши курашда, тупроқнинг сув-физик ва агрокимёвий хоссаларини яхшилашда, унумдорлигини оширишда ҳам аҳамияти катта. Шу нуқтаи назардан қараганда, кузги бугдойдан бўшаган майдонларда мош, соя, ловия экинлари майдонларини кенгайтириш аввало аҳолини тўйимли ва сифатли маҳсулот, чорвачиликда эса витаминларга бой озуқа

ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР – ТЎКИНЛИК ГАРОВИ

базасини ошириш имконини беради.

Шундай экан, бошоқли-дон экинларидан бўшайдиган майдонларда қисқа фурсатларда ерларни ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб суғориш, сифатли шудгорлаш, тупроқ намлиги ҳисобига уруғларни ундириб олиш, қисқа қилиб айтганда, такрорий экинлар парвариш-лашда агротехник тадбирларни ўз вақтида қўллаш юқорида фикрларни тасдиқлашга хизмат қилади.

Такрорий экин сифати-да мош етиштириш.

Мош экини таркибида оқсил ва витаминларга бой бўлиши, тўйимлилиги, тезпишарлиги, қирғоқчиликка чидамлилиги билан ловия, нўхот ва қўк нўхот экинларидан устун туради.



Мош ўсимлигининг қўк пояси ҳам, қуриган поялари ҳам чорвачиликда ем-хашак ҳисобида ишлатилади. Республикамиз шароитида эртапишар, давлат

реестрига киритилган “Наврўз”, “Қаҳрабо”, “Радость”, “Дурдона”, “Маржон”, “Зилола”, “Турон” навлари экишга тавсия этилади.

Мош жуда кўп экинлар учун яхши ўтмишдош. У сидерат (кўкат ўғит) экин сифатида ҳам экилади. Мош ўсув даврида гектарига 50-100 кг биологик азот тўплайди. Такрорий экин сифатида экилганда гектаридан 15-18 ц дон ҳосили беради.

Мошни такрорий экинга экишда биринчи экин ҳосили тез йиғиштириб олинади, дала суғорилади, ер етилиши билан 20-22 см чуқурликда ҳайдалади, бороналанади, сўнгра мола босилади. Ерда йирик кесаклар ҳосил бўлса, оғир борона ёки дискалар билан ишланади. Қатор ора-лари ишланадиган экинлардан кейин дала бегона ўтлардан тоза, яхши ишланган бўлса, ерни 10-12 см чуқурликда култивация қилиб юмшатиб, кейин бороналаб ер экишга тайёрланади.

Мош фосфорли, калий-ли ўғитларга талабчан, такрорий экин сифатида экилганда гектарига 30-40 кг азот, 40-60 кг фосфор, 30-50 кг калий солинади. Фосфорли, калийли ўғитлар ерни ҳайдашдан олдин берилади. Азот экиш олдида култивация билан солинади. Органик

Ўғитлардан чириган гўнг солинганда уруғ ҳосили сезиларли даражада ошади.

Экиш учун тозалиги 98,5%, унвчанлиги 92% дан кам бўлмаган юқори синф уруғлари экилади. Такрорий экин сифатида мошни энг мақбул экиш муддати 15 июндан 10 июлгача бўлган давр ҳисобланади. Жуда кеч экилса, ҳосил совуқдан зарарланиши ёки донлар етилмасдан қолиши мумкин.

Мош уруғлари қатор оралари 45-50 см, 60 см ёки қўшқатор усулида экилади. Бунда қўшқаторлар ораси 13-15 см бўлади. Бегона ўтлардан тоза, яхши ишланган далаларда мошни қаторлаб (15 см) экиш мумкин. У СПЧ- 6М, СПЧ-8А, СЗ-3,6, СЗП-3,6 ёки сабзавот сеялкаларида 3-4 см, тупроқ қуруқ бўлса 5-6 см чуқурликка экилади. Дон учун экилганда экиш меъёри гектарига 12-15 кг экилади. Ўсув даврида, гуллаш ва дуккаклар ҳосил бўлиши даврида гектарига 800-1000 м³ меъёрда 1-2 суғорилади.

Мош дуккаклари бир текис етилмайди. Пишган дуккаклар қораяди, донлар ўз навига хос тусга киради. Дуккакларнинг 70% и етилганда ўрим-йиғим бошланади. Дон ҳосили Доминатор, Кейс ва бошқа русумли комбайнлар билан янчиб олинади. Янчилган, тозаланган уруғлар намлиги 15% дан ортқ бўлган ҳолда, қопларда ёки тўкилган ҳолда, шамоллатиладиган биноларда сақланади.

Такрорий экин сифатида ловия (фасол) етиштириш

Ловия – кенг тарқалган озиқ-овқат экини. Асосан унинг уруғлари, яшил дуккаклари, консерваланган дуккакларидан фойдаланилади. Уруғларининг мазаси яхши, тез пишади ҳамда ҳазмланади. Уруғларида 28-30%, яшил дуккакларида 18% оқсил сақланади. Унинг яшил дуккакларида 2% қанд, шунингдек, 100 г массасида 22 мг витамин сақланади.

Ловия (фасол)нинг такрорий экин сифатида “Равот”, “Маҳсулдор” навларини экиш тавсия этилади.



Такрорий экиладиган ловия учун бошоқли дон экинларидан бўшган дала суғорилади ва тупроқ етилиши билан 22-25 см чуқурликда ҳайдалади, чизелланади, бороналанади, мола босилиб ер экишга тайёрланиб экилади.

Ловия экиладиган далага ерни ҳайдашдан олдин ҳар гектар ерга фосфорли, калий ўғитларнинг йиллик меъёри мувофиқ ҳолда 60-80 ва 40-60 кг солинади. Ерни ҳайдаш олдида гектарига 10-15 т чириган гўнг бериш ҳосилнинг

ошишини таъминлайди. Азотли ўғит экиш олдида култивация билан гектарига 10-25 кг берилади. Ловия тупроқ шароитидан келиб чиқиб азотни 120 кг/га гача ошириш мумкин. Гектарига 60 кг азот биринчи култивация билан, яна 60 кг иккинчи култивация билан озиқлантириш сифатида берилади. Озиқлантиришлар суғориш учун жўяклар олишда ҳам берилиши мумкин.

Такрорий экин сифатида ловия уруғлари 15 июндан 15 июлгача экиш тавсия этилади. Экиш муддатлари вилоятлар тупроқ-иқлим шароити инобатга олинган ҳолда ўзгариши мумкин.

Такрорий экиладиган ловия қатор оралари 60 ёки 70 см қилиб экилади. Кенг қаторлаб экишда қўш қаторлаб ораси 20-30 см, пушталар ораси 60 ёки 70 см қилиб экилиши мумкин. Ёппасига экилганда ҳосилдорлик пасаяди.

Ўтказилган кўплаб тажрибалар Ўзбекистон шароитида қатор оралари 60 см экиш меъёри 68-83 кг/га бўлганда ҳосилдорлик энг юқори бўлишини кўрсатади. Қатор оралари 60 см қилиб экишнинг қулайлиги яна шундаки Республикадаги асосий экин ғўза ҳам қатор оралари кўпчилик ҳолларда 60 см қилиб экилади. Шунинг учун ғўза ўстиришда қўлланиладиган техникани ловия ўстиришда бемалол қўллаш мумкин.

Қатор оралари 70 см қилиб экилганда 4-5 см чуқурликка экилади. Тупроқ механик таркиби қумоқ бўлса экиш чуқурлиги 6-8 см оширилади.

Уруғларни жуда чуқурга экиш дала унувчанлигининг пасайишига, кўп уруғларнинг чириб кетишига сабаб бўлади. Экиш СПЧ-6, ССТ-12А сеялкаларида ўтказилади. Уруғларни экишда чигит экадиган СТВХ-4 ёки СОН-2,8 сабзавот сеялкаларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ловия майсалари униб чиққандан кейин майда чопик қилинади. Қатор ораларини ишлашга киришиш майсалар униб чиқиб, қаторлар ҳосил бўлганда бошланади. Қатор оралари биринчи култивацияда 6-8 см, иккинчи култивацияда 10-14 см чуқурликда ишланади. Қатор ораларини ишлаш одат-

да ҳар 10-15 кунда ўтказилади, уларнинг сони экинзор ҳолатига қараб белгиланади.



Ўсув даврида тупроқдаги намлик ЧДНСнинг 70% кам бўлмаслиги талаб қилинади. Сизот сувлар чуқур жойлашган бўз тупроқларда суғоришни эгатлаб 3-4 марта ўтказиш тавсия қилинади. Сизот сувлар юза жойлашган майдонларда соя 2-3 суғорилади. Ҳар

бир суғоришдан кейин тупроқ етилиши билан култивация ўтказилади. Суғоришни тўғри ташкил қилиб ўтказиш юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Умуман олганда, такрорий экин сифатида дуккакли дон экинларини парваришlash ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга замин яратади.

Баҳодир ХАЛИКОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Холмурод БОЗОРОВ,
қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,
ПСУЕАИТИ.

СОЯ – ерга қувват, дехконга даромад

Соя етиштиришда агротехнологияларни тўғри ва ўз вақтида бажариш талаб этилади. Ўсимликни етиштиришда, асосан, экишдан олдин тупроққа ишлов бериш, ўғитлаш, уруғни экишга тайёрлаш, экиш усуллари, муддат ва меъёрларига амал қилиш ҳамда қатор ораларига ишлов бериш, суғориш, касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашни ўз вақтида олиб бориш лозим.

Тупроқни ишлаш

Суғориладиган ерларда соя такрорий экин учун экиладиган пайкаллар ерни ҳайдашдан олдин гектарига 700-800 м³ меъёрда суғорилади. Тупроқ етилиши билан 25-27 см чуқурликда ҳайдалади, чизелланади, текисланади, зарур ҳолларда мола босилади. Ерни ҳайдаш олдидан органик, калийли ўғитларнинг йиллик меъёрлари, фосфорли ўғитлар берилади.

Ўғитлаш

Соя органик ва маъданли ўғитларга талабчан. 1 га майдонга 15-20 т гўнг солинганда соя ҳосили 5-6 ц/га ошган ва кейинги 3-4 йилда ҳам унинг ижобий таъсири сақланиб қолган. Солинадиган гўнг чириган бўлиши лозим.

Соя гуллаш давридан то дуккакларнинг ўлишишигача озиқа моддаларни жуда жадал ўзлаштиради. Азотли ўғитларни қўллашда соя

ўсимлигининг биологик хусусияти эътиборга олинади.



Соя гуллашдан дуккаклар ҳосил бўлиш фазасигача фосфорни жадал ўзлаштиради. Фосфор туганак бактерияларнинг атмосфера азотини ўзлаштиришини тезлаштиради. Такрорий экилган сояга 60-80 кг/га фосфор солиниши тавсия этилади. Калий бир гектарга 40-50 кг солинади.

Кўплаб ўтказилган тажрибаларда нитрагин, ризоторфин, ризобифитни қўллаш Ўзбекистоннинг турли тупроқ шароитларида такрорий экилган соядан гектаридан 4-5 центнер қўшимча дон ҳосили олишни таъминлаган. Уруғлар экилишдан олдин бактериал ўғитлар билан ишланиши лозим.

Уруғларни экишга тайёрлаш

Экишда сараланган, тозаланган, касалликларга қарши дорилар билан ишланган, экиш олдидан нитрагин билан инокуляция қилинган уруғлардан фойдаланилади. Уруғлар экишдан 20-24 кун олдин Паноктин, Раксил препаратлари билан мувофиқ ҳолда 2; 1,5 кг/га меъёрда ишланади. Экиладиган куни бир гектарга экиладиган уруғ нитрагин ёки ризоторфин билан ёпиқ бинода ёки соя жойда 200 г 2 л сувга аралаштирилиб, инокуляция қилинади.

Экиш муддати

Соя такрорий экилганда ҳарорат юқори бўлиб, етарли намлик шароитида майсалар бир текис, қийғос, қисқа даврда униб чиқади.

Такрорий экин сифатида анғизга ёки эртаги сабзавотлардан бўшаган майдонларга 15 июндан 15 июлгача экилади. Қашқадарёда

ўтказилган тажрибаларда соя 20-30 июнда экилганда 10-15 июлда экилганга нисбатан 3-4 ц/га кўп ҳосил олинган.

Уруғни экиш усуллари

Такрорий экин сифатида соя кенг қаторлаб экилади. Ёппасига экилганда ҳосилдорлик пасаяди. Қатор оралари 50-100 см гача ўзгариши мумкин. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида соя, асосан, қатор оралари 60 см қилиб пунктирлаб экилади. Соя қатор оралари 45; 70; 90 см қилиб ҳам экилади. Қатор ораларини 60 см қилиб экишнинг қулайлиги шундаки, республикадаги асосий экин ғўзада ҳам қатор оралари кўпчилик ҳолларда 60 см қилиб экилади. Сояни қўшқаторлаб ҳам экиш мумкин. Шунинг учун ғўза ўстиришда қўлланиладиган техникани соя ўстиришда бемалол қўллаш мумкин.

Уруғларни экиш меъёри

Сояни такрорий экин сифатида экиш меъёри тезпишар навлар учун 500-600 минг уруғ/га, ўртапишар навлар учун 400-500 минг уруғ/га тавсия этилади. Ўсимликларнинг туп қалинлиги ҳосилни йиғиштиришдан олдин 300-400 минг/га бўлиши юқори ҳосил олишни таъминлайди. Тезпишар навлар экилганда экиш меъёри 90-100 кг/га, кечпишар навлар 60-70 кг/га бу кўрсаткичлар 1000 та уруғ вазнига қараб камайиши ёки кўпайиши мумкин.

Анғизга соя қатор оралари 60 см қилиб экилганда экиш меъёри 80 кг/га бўлганда ҳосилдорлик энг юқори бўлишини кўрсатади. Экиш меъёрини гектарига 60 кг га камайтириш ёки 120 кг га ошириш дон ҳосилининг камайишига олиб келган.

Экиш чуқурлиги

Бугдой ҳосилидан бўшаган анғизга, такрорий экин соя уруғлари экиш чуқурлиги тупроқда намлик етарли бўлганда 3-4 см, тупроқнинг юза қисми қуриганда 5-6 см. Тупроқ механик таркиби қумоқ бўлса экиш чуқурлиги 6-8 см оширилади. Уруғларни жуда чуқурга экиш дала унвчанлигининг пасайишига, кўп уруғларнинг чириб кетишига сабаб бўлади. Экиш СЗУ-3,6, СЗТ-3,6, СПЧ-6, СПЧ-8А, ССТ-12А, СУК-24 сеялкаларида ўтказилади. Лавлаги уруғларини экадиган ССТ-12А ёки ССТ-12Б сеялкасидан фойдаланилганда СТЯ-31000 қўшимча секцияси ўрнатилади. Уруғларни экишда СПС-12, СЗП-3,6, СО-4,2,

чигит экадиган СТВХ-4 ёки СОН-2,8 сабзавот сеялкаларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Экин парвариши

Суғориладиган деҳқончилик шароитида соя қатор оралари ишланади, ўсимликлар озиклантирилади, бегона ўтлардан тозаланиб суғорилади, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашилади.

Қатор ораларини ишлашга киришиш майсалар униб чиқиб, қаторлар ҳосил бўлганда бошланади. Дастлаб майда чопиқ ўтказилади. Культивация экинзорни бегона ўтлар билан ифлосланган, тупроқ зичлашган, суғоришдан кейин тупроқнинг етилганлигига боғлиқ ҳолда ўтказилади. Қатор ораларини ишлаш одатда ҳар 10-15 кунда ўтказилади, уларнинг сони экинзор ҳолатига қараб белгиланади. Биринчи культивация 6-8 см чуқурликда, кейингилари 10-15 см чуқурликда ўтказилади.

Бегона ўтларга қарши Фюзилад супер 2-4 кг/га майсалар униб чиқишдан олдин қўлланилади. Ўсув даврида соя 2-4 барг ҳосил қилганда ёки экилгандан кейин униб чиққунча “Пивот” гербициди 0,8-1,0 кг/га миқдорда тупроққа пуркалади. Уруғларни экишдан 10-15 кун олдин тупроққа “Трефлан”ни 4 кг/га миқдорда пуркаш ҳам яхши самара беради.

Соя ўсимлиги битлайди, чигирткалар, ўргимчаккана, трипслар, хасвалардан зарарланиши мумкин. Зараркунандаларга қарши Сумми альфа 0,25-0,30 кг/га, Карате 0,15-0,25 кг/га қўлланилади. Ҳашаротлар соя ҳосилига зарар етказадиган миқдорда бўлганда инсектицидлар қўлланилади. Касалликлардан антракноз, барглار мозаикаси, фитофтороз, илдиз чириш касаллиги экинзорда кўп учрайди. Уларга қарши агротехник тадбирлар билан бир қаторда, уруғларни экиш олдида дорилаш, тозалаш, қуришти, омборларни дезинфекциялаш сингари чора-тадбирлар қўлланилади.

Суғориш

Такрорий экилган сояни суғориш тупроқ механик таркиби, сизот сувлар сатҳига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Анғизга такрорий экин сифатида экилган соя, сизот сувлар чуқурлиги, тупроқ механик таркиби инobatга олиниб 2-3 марта 700-900 м³/

га меъёрда суғорилади. Сизот сувлар чуқур жойлашган бўз тупроқларда суғоришни эгатлаб 4-5 марта ўтказиш тавсия қилинади. Механик таркиби оғир, лой тупроқларда суғориш давомийлиги 20-25 соат, енгил тупроқларда 12-15 соат бўлади. Суғориш меъёрлари ўсимлик вегетациясининг бошларида 500-600 м³/га, вегетация ўрталарида 700-900 м³/га ва дон пишиш пайтида 600-700 м³/га. Суғоришдан кейин тупроқ етилиши билан культивация қилинади. Ўзбекистон шароитида суғоришни тўғри ташкил қилиб ўтказиш юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Сояда учрайдиган зараркунандаларга қарши кураш

Шира, оққанот, тамаки трипси, курт личинкаларининг катта ёшга ўтмаганларига қарши “Моспилан” (0,2 л/га), “Карбафос” (0,8-1,0 л/га), “Дельтафос”, “Политрин-К”, “Фуфанон” (1,0 л/га), “Аплауд”, “Адмирал”, “Вертмек” (0,7 л/га), “Калипсо” (0,2 л/га, “Кораген” (0,04-0,05 л/га), “Аваунт” (0,4-0,45 л/га) кимёвий препаратларнинг бирини (курсатилган меъёрларига амал қилган ҳолда) тракторга тиркалган ОВХ пуркагичи билан гектарига 300 литр сувга аралаштириб пуркалади.

Соя ўсимлигига катта зарар келтирувчи ўргимчакканага қарши профилактика учун гектарига 30-40 килограммдан олтингугурт кукунини, зарур бўлган вақтда “Омайт”, “Дельтафос” (1,5 л/га, “Неорон” (1,0-1,2 л/га), “Вертмек” 0,2-0,3 л/га, “Фуфанон” (1,2 л/га) кимёвий препаратларидан бирини белгиланган тартибда сепиш яхши самара беради.

Кўрсатиб ўтилган тавсияларга тўла амал қилган ҳолда сояни парваришланиб, агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилса, ўсимликнинг ўсиб ривожланиши яхши бўлиб, дон ҳосилдорлиги ошишига ҳамда дон таркибидаги оқсил ва мой миқдори юқори бўлишига хизмат қилади.

Ойбек АМАНОВ, қ/х.ф.д., профессор,
Акмал МЕЙЛИЕВ, қ/х.ф.д., к.и.х.,
Диёр ЖҲРАЕВ, қ/х.ф.д., к.и.х.,
Нуриддин МИРЗАЕВ, қ/х.ф.д.,
Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

КАНАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Аннотация. Мақолага сўнгги йиллардаги Қорақалпоғистон агробиоценозида ҳаво ҳарорати, нисбий намликдаги вужудга келаётган ўзгаришлар туфайли ривожланиши фаоллашган ўргимчаккананинг биологик ривожига асос қарши кураш тадбирларини олиб бориш бўйича тавсия берилган.

Аннотация. В статье приведены результаты рекомендуемых мероприятий по проведению основных контрмер против биологического развития паутинового клеща, развитие которого активизировалось в связи с изменением температуры и относительной влажности воздуха в агробиоценозах Каракалпакстана в последние годы.

Annotation. The article contains the results of the recommended actions to carry out basic countermeasures against the biological development of the spider mite, whose development has been activated due to changes in air temperature and relative humidity in the agrobiocenosis of Karakalpakstan in recent years.

Дунё мамлакатлари агробиоценозида ҳисобга олинаётган экологик омилларнинг ўзгаришлари, сув меъёрининг камайиб кетиши ёки тошқинларнинг бўлиши, ҳаво ҳарорати кунлик даражасининг ўзгариши, максимал кўрсаткичининг кўтарилиши, нисбий намликнинг тушиб кетиши, ёмғирнинг кам ёки кўп бўлишига ўхшаган ноқулай омилларнинг натижаларини ҳисобга олиш Қорақалпоғистон шароити учун ҳам аҳамиятли эканлиги олиб борилаётган тадқиқотларда исботланди.

Агробиоценозда вужудга келаётган абиотик омиллардан ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, нисбий намликнинг паст даражасига тушиб кетиши билан бирга, ёмғир меъёрининг камайиши биотопларда тарқалиб ривожланаётган ўргимчаксимонлилар (*Arachnoidea*) синфи, каналар (*Acariphormes*) туркуми, ўргимчакканалар (*Tetranychidea*) оиласига мансуб оддий ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch.) турининг сўнгги йилларда тарқалган ареаллари ва келтирадиган зарар мезонни ортиб бораётганлиги ва сўнгги икки йилда ғўза, сабзавот-полиэ экинларида катта зарар келтирганлиги аниқланди.



Зараркунанда ривожланиш биологиясига ҳос хусусияти – куз ойларига бориб оталанган етук зоти даланинг тупроқ ёриқларида, йўл, ариқ ёқаларида қолган ўтлар тагида яқка ёки йиғилиб қишлаб чиқиб баҳорда ҳаво ҳарорати 7,3°C кўтарилиши билан қишловдан чиқиб ривожланишни бошлайди. Сўнгги икки йил мобайнида олиб борилган кузатувлар натижасида зараркунанда тарқалган ғўза, сабзавот-полиэ экинлари далаларида сони кескин кўпайиб, катта зарар келтирганлиги ҳисобга олинди.

Республиканинг шимолий туманлари шароити 2015-2016 йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ғўза далаларида 5-13% ўсимликларида ўргимчаккана тўдалари учраб ўртача сони 12,5-16,3 дона, 8-14% бодринг баргларида 18,2-25,3 дона, 15-26% қовун турида 19,6-31,4 дона учраганлиги қайд этилган эди. Кузатувлар давом эттирилган 2021-2022 йиллар давомида ғўза далаларининг 21-36% ўсимлик баргларида 118,5-126,8 дона, бодрингнинг 24-39% ўсимлигида 123,6-232,4 дона, қовуннинг 28-42% баргларида эса 334,3-456,5 донагача кўпайиб, катта зарар келтирганлиги қайд этилди. Зараркунанда ривож башорати 2023 йил давомида зараркунанда кенг майдонларга тарқалиб, катта зарар келтириши исботланмоқда.

Сабаби, ўргимчаккана ривожига ташқи муҳит омилларидан сўнгги йиллар ҳаво ҳароратининг кўтарилиши асосий омиллардан эканлиги олиб борилган кузатувлар

натижалари таҳлили исботлайди. Зараркунанда максимал даражада кўпайиб зарар келтирган сўнгги икки йил давомида май ойдан бошлаб ҳаво ҳарорати кўтарилиб, июн-август ойларида ҳавонинг кунлик ўртача ҳарорати 30°C, максимал даражасининг 40°C кўтарилган кунлар сони ортиб борганлиги аниқланди.

Сўнгги йиллардан энг характерли бўлган 2021 йил вегетация даврида ҳаво ҳарорати ўртача кунлик даражасининг 30°C 39 кун давомида, максимал даражасининг 40°C кўтарилиши 25 кун ва 2022 йил давомида 20 ва 16 кунда ҳисобга олинганлиги ва ҳавонинг нисбий намлигининг 20% дан тушиб кетадиган кунлар 2021 йилда 81 кун, 2022 йилда 70 кун давом этганлиги ўргимчаккана ривожига қулай шароит яратиб берганлигини исботлайди. Натижада, зараркунанда номлари келтирилган қишлоқ хўжалик экинларидан ташқари дуккакдиларга, мева боғлари дарахтларига катта зарар келтирилганлиги қайд этилди.

Зараркунанда ривожига фаол даражада бўлиши 2023 йил давомида кутилишининг башорат қилинганлиги туфайли ўсимликларни самарали ҳимоя қилиш учун қишлоқдан чиққан авлодлари кенг тарқаладиган бегона ўтларнинг кўпайишининг олдини олиш тавсия этилади. Мазкур шароит агробиоценоздаги барча биотопларнинг асосий тури ҳисобланган қўйпечак каби турларнинг тарқалишига йўл қўймаслик талаб этилади. Даладаги қишлоқ хўжалик экинлари турлари қатъий назоратга олиниб, ўргимчаккананинг дастлабки авлодлари шамол, иш қуроллари ёрдамида тарқалишини ҳисобга олиб, дастлабка авлодлари ривожланиши бошлаган жойлар аниқланиши ва тавсия этилган акарицидлар ёрдамида ишлов берилиб, сони тўғри бошқарилиши талаб этилади. Ўсимликларнинг турига боғлиқ бўлган даражада бугунги кунда ўргимчакканага қарши конфидор, моспилян, зум, неорон, омайт, веримек турлари ва ушбуларнинг таъсир этиш моддаси асосида тайёрланиб, ишлатиш тавсия этилган турлардан фойдаланиш талаб этилади.

Елмурат ТОРЕНИЗОВ, қ.х.ф.д., профессор,
Бахит АННАҚУЛОВ, мустақил тадқиқотчи,
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти.

RAPS – OQSILGA BOY O'SIMLIK

Mutaxassislar tomonidan chorvadorlarga ozuqabop o'simliklarni ekish borasida ko'pgina tavsiyalar berilmoqda. Xususan, so'nggi paytlarda raps o'simligining chorva uchun kalloriyaga boy ozuqa hisoblanishi ta'kidlanmoqda. Ma'lum bo'lishicha, rapsdan asosan chorva uchun ozuqa sifatida foydalaniladi. Ushbu o'simlik qimmatbaho moyli va ozuqa ekini bo'lib, undan yuqori sifatli o'simlik moyi hamda chorva hayvonlari uchun oqsilli ozuqa olinadi.

Rapsning urug' hosili yuqori bo'lib, gektaridan 30-40 sentnergacha bo'lishi mumkin. Bundan tashqari urug' tarkibida 45-48 foiz miqdorida moy va 22-25 foiz oqsil mavjud. Shuningdek ko'k massasi tarkibida 3-4 foizgacha oqsil bo'ladi.

Raps urug'idan moy olishdagi qoldiq kunjarasi yuqori oqsilli bo'lib, chorva hayvonlari uchun sifatli, to'yimli ozuqa hisoblanadi. Uning kunjarasini soya kunjarasiga tenglashtirish mumkin.

Raps o'simligini ko'k massa uchun ekilganda gullash davriga kelib o'rib olinganda gektaridan 400-500 sentnerdan ko'k massa olinishi mumkin.

Ushbu o'simlikning gullash davrida gektariga 2 ta asalari uyasi qo'yilsa, 25-30 kun davomida asalariilar 90 kilogrammgacha asal yig'adi.

Poyasining balandligi 150-200 sm bo'ladi. Tez o'sadi va yon tomonga shoxlaydi. O'simlik gullari o'zidan changlanadi. Uning 70 foiz guli o'z-o'zidan qolgan 30 foiz guli esa asalari va boshqa hasharotlar yordamida changlanadi. Raps almashlab ekishda muhim ahamiyatga ega bo'lgan o'simlik hisoblanadi.

Tuproqqa ishlov berish asosiy agrotexnik tadbirlardan hisoblanadi. Bunda raps ekishga tanlangan maydon o'tmishdosh ekin qoldiqlaridan yaxshilab tozalanib, kuzgi bug'doydan bo'shagan maydon bo'lsa somon qoldiqlaridan tozalanadi va 25-30 sm chuqurlikda sifatli shudgorlanadi.

ХАШАК ЙИҒИШ МАШИНАЛАРИНИ СОЗЛАШ ВА ИШЛАТИШ

Республикамизнинг адирли ва чўл-ййлов ҳудудларида табиий шароитда етилган озуқа экинларини борица, нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва кластерларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Зеро, чорва ҳайвонлари юқори рационли ва тўйимли ем-хашаклар билан озиқлантирилгандагина кўзда тутилган сут, гўшт ва жунни беради.



Ем-хашак экинлари ҳосилини ўриш ва йиғиштириб олиш тадбирлари тўрт ғилдиракли тракторлар билан агрегатланадиган ўтўргичлар (КИР-1,5М; КРН-4,2; КС-Ф-2,15), хашак (КСК-100А, Марал 125, Е-282, Е-302), силос (КС-1,8 “Вихрь”; КПИ-2,4А; КПКУ-75) ва маккажўхори (КСКУ-6, ККП-3) ўриш комбайнлари, хашакларни зичлаб-тойлагичлар (Маркант-155, ПС-1,6) ёрдамида амалга оширилади. Етилган озуқа экинларини қисқа муддатларда тоза йиғиштириб олиш учун бундай техника воситаларини тўғри созлаш ва мавсум давомида юқори унум билан ишлатиш лозим бўлади.

Энг аввало, ўтўргичлар ва зичлаб-тойлагичлар билан агрегатланадиган тракторлар ва ўзиюрар озуқа комбайнларининг двигателлари, тормоз системалари ва бошқа қисмлари техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлиши зарур. Ўримга тушишдан олдин муҳандис-техниклар ва механизаторлар уларнинг ишга тайёрлик даражасини яна бир бор текширишлари,

аниқланган камчиликларни бартараф этишлари лозим.

Ўтўргичларни созлаш

Фермер хўжаликлари ва кластерларда энг кўп тарқалгани КИР-1,5 машинаси бўлиб, у етилган ўтларни, пакана маккажўхори ва кунгабоқарни ўриш, майдалаш ва транспорт воситасига юклаш ишларини бажаради. Асосий ишчи органи барабан валига шарнирли бириктирилган 28 та пичоқдан иборат. Бу пичоқларнинг массалари бир-бирига тенг бўлиши керак, акс ҳолда барабан зўриқиб айланади, подшипниклари тезда ишдан чиқади. Поялар чала кесилганда пичоқ тиглари чархланади. Тиглари синиб кетган пичоқлар янгиларига алмаштирилади. Тўғри ва тескари кесувчи пичоқлар тиглари орасидаги тирқиш кенлиги 2-2,5 мм. орасида созланади. Бундан катта ёки кичик бўлса пояларнинг кесилиш ва майдаланиш сифатига путур етади. Ротор барабани майдаланган пояларни транспорт восита-

сига йўналтирувчи вентилятор вазифасини ҳам бажаради. Роторнинг айланиш частотаси энг камида 1500 айланиш/минут бўлсагина бу вазифа тўла адо этилади. Айланиш камайса, понасимон тасманинг таранглиги оширилади.

Ерга ётиб қолган ўтлар вертикал ўқ атрофида айланадиган пичоқли дисklar билан жиҳозланган ротацион КРН-4,2 косилкалар ёрдамида ўрилади. Пичоқлар дала юзасидаги бегона қаттиқ жисmlарга тегиб, синмаслиги учун унинг кесиш баландлигини доимо назоратлаб бориш талаб этилади.

Хашак йиғадиган комбайнларни созлаш

Ўт ўриш учун КСК-100 ўзиюрар комбайннинг олд қисмига қирқувчи аппарат жойлаштирилади. Ердаги хашакни йиғиб олиш учун қирқувчи аппарат ўрнига йиқкич қурилмаси ўрнатилади. Йиғиш пайтида ўт ёки хашак майдаланиб, транспорт воситасига юклаб кетилади.

Комбайннинг асосий ўзел ва механизмлари қўйидагича созланади:

Қирқиш узунлигини ростлаш. Бунинг учун узатувчи аппарат қутисининг валидаги юлдузчалар тиш сони бўйича алмаштирилади.

Сегмент пичоғи ва қарама-қарши кесувчи пластинка орасидаги тирқиш кенлиги олдида 0,8 мм., орқада 0,3-2 мм. Бу кенгликлар пластинкани эгиш ёки болт бирикмасини тортиш ёрдамида ростланади. Тиглари ўтмаслашган сегментлар чархланади, синган бўлса янгиларига алмаштирилади, шунда поялар тоза ва тўла кесилади.

Сегментнинг бармоққа нисбатан ҳолатини ростлаш. Пичоқ чекка ҳолатга келтирилади. Ўртадаги таянчнинг болти бўшатилади, таянч сегмент ва бармоқнинг ўқлари устма-уст тушгунга қадар сурилади. Болт тортилади. Таг томони едирилиб кетган, учлари синган бармоқлар ўрнига созлари ўрнатилади.

Жатка шнеги ва мотовилосини ростлаш. Шнек қанотининг қирраси ҳамда тепадаги ва пастдаги тозалагичлар орасидаги 2-10 мм. ва 10-18 мм. масофалар шнек таянчини бўшатиш ва созловчи болт гайкасини бураш орқали

ростланади. Мотовило ва қирқиш аппарати бармоқлари билан шнек сатҳи орасидаги тирқиш кенлиги (15-35 мм.) ни ростлашда таянчлар овалсимон тешиқлар бўйлаб сурилади. Дарз кетган қанотлар пайвандланади, эгилган бармоқлар тўғриланади, жатка тубидаги ёриқлар устига пластинкалар пайвандланади.

Майдаловчи аппаратни ростлаш. Майдалагич барабан ва тозалагич орасидаги тирқиш кенлиги (5-10 мм.) тозалагични тепага суриш, пичоқ тиги ва қарама-қарши кесувчи брус қирраси орасидаги тирқиш (0,9-1,5 мм.) брусни барабанга яқинлаштириш йўли билан ростланади. Носоз деталлар тузатилади.

Қирқиш баландлигини ростлаш. Пичоқларнинг қирқиш, йиққичнинг ерга нисбатан ўрнатилиш баландликлари жатка тагидаги сирпангич кронштейнидаги тешиқлар ҳолатини ўзгартириш билан ростланади. Шуни эсда тутиш лозимки, баландлик меъёрдан паст бўлса – пичоқлар ердаги тош, темир бўлақларига урилади ва синади, ортиқ бўлса – поялар тубида кўп қолиб кетади.

Тойлагич-зичлагичларни созлаш

Муфталарни ростлаш. Карданли узатма муфтаси 0,58-0,62 кНм (58-62 кгк.м), йиққич муфтаси 0,18-0,21 кНм (18-21 кгс.м) буровчи моментга дош берадиган қилиб гайкалар ёрдамида пружиналарни сиқиш орқали созланади. Маховик ва поводок орасидаги тирқишни созлаш: 0,2-0,6 мм атрофидаги бу тирқиш гайкани бўшатиш ва қистирмалар сонини ўзгартириш билан ростланади.

Зичлаш камераси қисмларини ростлаш: поршен рамкалари ва сирпангичлар орасидаги тирқиш кенлиги кўпи билан 0,5 мм.; қўзғалувчан ва қўзғалмас пичоқлар орасидаги масофа 0,4-2 мм.

Тойнинг зичлигини ва узунлигини ростлаш. Той зичлигини ростлаш учун винт механизми керагича бурилади.

Бунда битта тойнинг массаси 25 кг. дан ошмаслиги зарур. Тойнинг узунлиги хомутни суриш билан ўзгаради. Ўлчов ғилдирагининг ёйида 800-1000 оралиғидаги рақамларга мос бўртиқлар бор. Керакли узунликдаги тойни олиш учун хомутнинг пастки қирраси мос рақам олдидаги бўртиққа тўғриланади.

Шундай қилиб, механизаторлар, фермер ва агроклассерлар муҳандис-техниклари озуқа йиғиш машиналарини ўсимликнинг ҳолати ва дала шароитидан келиб чиққан ҳолда ростласалар ва бошқарсалар, юзага келган носозликларни даланинг ўзида бартараф этсалар, уларнинг иш унуми ошади, пировардида сифатли ва кўп ем-хашак ҳосили йиғиштириб олинади.

Силос комбайнларини созлаш

Маккажўхори, кунгабоқар каби силосбоп ўсимликларни ўриш, майдалаш ва юклаш ишларини бажаради. Сегмент пичоғи ва бармоқ орасидаги тирқиш кўпи билан 0,5 мм. Дала ажраткичини ростлаш: поялар баландлиги 0,5 м. гача бўлганда пастки кожух, бундан катта бўлса, устки кожух ечиб олинади. Мотовило диаметри планкаларни бешта тешиқдан кераклисига маҳкамлаш орқали 1800-2800 мм. ораликда ўзгартирилади. Мотовилонинг айланиш тезлигини ростлаш учун юлдузчалар ($Z = 14$, $Z = 20$) алмаштирилади.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
ҚХМИТИ профессори, т.ф.д.



Supported by the SDC
Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУВ ХЎЖАЛИГИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқларида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда, бу эса мамлакатнинг жадал ривожланишига замин яратаяпти. Денгизга чиқиш имконига эга бўлмаган мамлакат қўшни давлатлар ҳудудида шаклланидиган сув ресурсларига боғлиқ бўлганлиги сабабли, сувдан самарали фойдаланиш, шунингдек, иқлим ўзгаришининг оқибатларини юмшатиш энг долзарб ва стратегик масалага айланган. Ўзбекистон ҳукумати томонидан сувни тежайдиган технологияларни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш, ушбу технологиялар жорий этилган майдонларни кенгайтириш, тежамкор технологияга ўтган кластер ташкилотлари ва фермерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун катта маблағлар сарфланмоқда.

Бугунги кунда республикадаги суғориладиган майдонларнинг қарийб 25 фоизи сувни тежовчи технологиялар билан қамраб олинган, бунинг ҳисобидан 2022 йилда 3 миллиард куб метр сув тежалиб, 830 минг гектардаги такрорий экинларни суғориш учун йўналтирилди. Прогноз маълумотларига кўра, 2023 йилнинг вегетация даврида сув ресурслари ҳажми кўп йиллик меъёрга нисбатан Сирдарё ҳавзасида 10-15 фоизга, Амударё ҳавзасида 15-20 фоизга кам бўлиши кутилмоқда.

Бизнингча, ҳозирги шароитда энг мақбул ечим – сув хўжалиги соҳасини рақамлаштиришни жадаллаштиришдир. Бу Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида ҳам, Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясида ҳам ўз аксини топган. Мазкур икки ҳужжатда белгиланган чора-тадбирлар сувни прогнозлаш ва ҳисобга олишни такомиллаштириш, рақамли технологияларни жорий этиш орқали сув хўжалигини комплекс модернизация қилиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини мониторинг қилишда “Ақлли сув” қурилмаларини жорий этиш, сув солиғи ставкаларини ҳисоблашнинг янги методологиясини ҳамда Сув кодексини ишлаб чиқиш, сувга бўлган эҳтиёжни ҳавза, вилоят ва республика даражасида аниқлаш, сув олиш лимитларини белгилаш ва ягона миллий сув бошқаруви ахборот тизимини (NWMIS) яратишдан иборат.

Сувни бошқаришда рақамли инфратузилма ўта муҳим омил бўлиб, мақсадга эришиш учун

кўплаб тўсиқларни енгиб ўтиш керак. Ҳозирги вақтда сув сектори бир қатор муаммолар билан курашмоқда. Биргина мисол, сув ўлчаш ишларини олиб бориш учун республика бўйича 18 000 дан ортиқ гидропостлар бўлиб, маълумотларнинг аксарияти қўлда йиғилади ва қозғога ёзилади. Ушбу маълумотлар маҳаллий даражада сақланади ва режалаштириш, прогнозлаш ва қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун самарали фойдаланилмайди. Сув хўжалиги вазирлиги маҳаллий ва халқаро маслаҳатчилар ҳамда хорижий донорлар ёрдамида соҳани рақамлаштириш бўйича стратегик мақсадларни амалга ошириш йўлида ишламоқда ва амалий натижаларга эришяпти. Бунинг Швейцария Тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги (SDC) томонидан молиялаштирилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси – II босқич” доирасида сув ресурслари бўйича бир қанча муҳим ахборот тизимларини жорий этишга эришилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. АКТ инфратузилмаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш вазирлигининг салоҳиятини оширади, шу билан бирга, фермерлар ва бошқа сув истеъмолчиларининг сувдан самарали ва барқарор фойдаланишида кенг имкониятлар яратеди.


NWMIS – Сув хўжалиги вазирлиги рақамли сув инфратузилмасининг асосий компоненти ҳисобланади. Биринчидан, NWMIS сувни бошқариш бўйича асосий маълумотларни вазирликдаги ягона бошқарув панели экранда бирлаштириш ва тақдим этиш имкониятини беради. Иккинчидан, NWMIS сув секторининг манфаатдор томонлари рўйхатида санаб ўтилган муассасалар ўртасида ахборот ва

NWMIS: Юқори даражали архитектура



1-расм. NWMIS ва идоралараро интеграция платформаси.

NWMIS архитектураси – келажак ҳолати (2024)



2-расм. NWMIS тузилмаси ва электрон ҳукумат давлат хизматларининг 2024 йилдаги бўлажак ҳолати

маълумотлар алмашинувини оsonлаштириш учун идоралараро интеграция платформасига уланади (1-расм).

Сув хўжалиги вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда ҳамда миллий ва халқаро маслаҳатчилар кўмагида 2023 ва 2024 йилларга мўлжалланган АКТ фаолияти бўйича йўл харитасини ишлаб чиқди. Режалаштирилган тадбирлар NWMIS имкониятларини кенгайтиради ҳамда фермерлар ва сувдан фойдаланувчилар учун бир қанча янги онлайн хизматларни тақдим қилади. NWMISнинг келажакдаги ишларининг қисқача тавсифи 2-расмда кўрсатилган.

NWMISнинг яратилиши прогнозлаш, талаб ва сув таъминотини режалаштириш, шунингдек, келажакдаги сценарийларни моделлаштиришга замин яратади. Бунинг учун мавжуд кенгайтирил-

ган таҳлилий материалларни қўллаш имконини берадиган жамланган маълумотлар базаси талаб қилинади. Янги таҳлилий имкониятлар Сув хўжалиги вазирлигининг муаммоларни бартараф этиш, сувдан самарали фойдаланиш, иқлим ўзгариши таъсирига чидамлилиқни ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ёрдам беради. Сунъий йўлдош ва аэро-фотосуратлар каби "Ақлли сув" ва бошқа онлайн қурилмалардан олинаётган маълумотларнинг барча учун очик бўлиши, ягона маълумотлар базасининг шакллантирилиши ва бир тармоққа уланиши Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини шаффоф, самарали ва барқарор бошқариш йўлида ташланган фойтда муҳим қадам бўлади.

Милош УЛМАН, Ph.D.

Чехия ҳаёт фанлари университети

Прага, Чехия.

ҲАР ТОМЧИ СУВНИНГ ЎЛЧОВИ БОР

*Амударё, тўлиб оқ, элини
Риқси унар куч олиб есдан.
Сувларингдан қониб ва тўлиб
Боз, далалар бўлар гул, чаман!
Оқар унда мангу орзулар,
Жалолуддин нисоеи бўлиб!
Жилдирайди нафис тўйгулар
Қирғоқ узра тўйқин бош уриб!*

Кўҳна Хоразм сарҳадларини оби-ҳаёт билан таъминловчи Амударё бугунги кунда гоҳида тўлаётгандай, гоҳида саёзлашаётгандай таас-суротлар қолдиради. У қадимда Жайхундарё, Далидарё каби бир қанча номлар билан аталиб, тўлиб-тошиб оққанлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай бўлса-да, у бугун йўлида шошилмай бораётган, оғир ва босиқ, кекса чолга ўхшайди, назаримда. Ҳар бир нарса йиллар давомида ўзгариши, табиий қийинчиликларга учраши маълум. Сокин Амударё бўйидаги халқлар бунга яхши биладилар. Доимо сувчиларимиз ҳақида ёзмоқни ният қилсам, гўзал Амударё ҳақида айтиб ўтмасликнинг иложини тополмайман. Маълумки, Хоразмнинг чекка ҳудуди бўлган Шовот туманига ҳам сув Амударё орқали етиб боради. Бу баҳор дарё бироз жонлангандек, сувлари кўпайгандек бўлди. Бу халқимизни қувонтиргани рост. Дехқончиликни сувсиз тасав-вур қилиш қийин.

Хоразм вилоят Чапқирғоқ-Амударё тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Шовот тумани ирригация бўлимида 36 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Анча йиллар сув етишмасли-гидан азият чеккан кўп фермерларнинг айрим қумли ерлардаги далалари ёввойилашгани ҳам сир эмас. Шу юзадан бугунги ишлар хусусида ирригация бўлими раҳбари Хурсандбек Арипов билан суҳбатда бўлдик.

— Ўтган йиллар давомида барча каналлар то-заланиб, янги кўрсатмалар асосида бетонлашти-риш ишлари олиб борилди, — дейди у. — Ҳозирда 23 та хўжаликлараро каналлар мавжуд. Ўтган йилларда “Бег-ёп”, “Истиқбол-ёп”, “Хитой-ёп”, “Хосса-ёп”, “Қишлоқ-ёп” каналларида лойқадан



Суратда: Чандан ўннга: бош гидротехник Ахрор Пирметов, сувтежовчи ва рақамли техноло-гияларни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Хамиджон Бекчанов ва бош гидрометр Руслан Отажонов “Одил ота” фермер хўжалиги ғалла майдонларида.

тозалаш ва сув йўллари бўйлаб тут ва бошқа дарахт кўчатлари экиш ишлари ўтказилганди. Лойқадан тозалаш ишларида экскаваторчи Жамол Ваисов, Бобур Эгамовлар, техника хавфсизлиги механиги Озимбой Сапаров, фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича мутахассис Алижон Шариповлар графикда кўрсатилгани бўйича кунлик ва ойлик вазифаларини вақтида уддалаб келмоқдалар.

Ирригация бўлими бош гидротехниги Ах-рор Пирметов билан тумандаги намунали хўжаликлардан бири “Одил ота” фермер хўжалигида (раҳбари Алишер Одиллов) бўлиб, 10 гектардан иборат ғалла экилган ёмғирлатиб суғориладиган далалардаги ишни кузатдик. Биз борганда далалар эндигина суғорилган эди.

— Бугун сув истеъмол қилувчилар сафи кўпайган даврда ҳар томчи сувнинг қадри баланд. Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш ишларини қилиш билан анча сув тежалишига эришамиз, — дейди Ахрор Пирметов. — Ахир, шунча йўл босиб келаётган сувнинг ҳар томчи-си ўлчовли ва келажакка дахлдордир...

Бугун туман бўйича жами суғориладиган 28479 гектар майдонлар бўлиб, шулардан пахта майдони 8100 гектар, буғдой майдон-лари 4200 гектар, бошқа турдаги маҳсулотлар етиштириш учун 16179 гектар майдонларга ўз вақтида оби-ҳаёт етказиб бериш учун меҳнат қилаётган мироблар, ирригация тизими ходим-лари ишларини кузатиб, уларнинг масъулиятли ишларига омад тиладик.

Шукржон СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.

ТАЯНЧИ МУСТАҲКАМ ТИЗИМ

Бугунги кунда Жиззах вилоятининг бош сув ҳўжалиги ташкилоти – Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси таркибидаги жамоаларда 2 минг нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларнинг салкам 300 нафарини 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил қилмоқда. Бошқарма раҳбарияти ҳам ёшлардан иборат эканлиги (уларнинг ўртача ёши 40 дан ошмайди) аҳамиятлидир.



– Ўтган бир йил ичида тизимимиздаги корхона ва ташкилотлар сафига 36 нафар ёш кадрлар келиб қўшилди, – дейди бошқарма бошлиғи Музаффар Турдубоев. – Уларнинг аксарияти олийгоҳлар битирувчиларидир. Яна бир фактга эътиборингизни қаратаман: бошқармамизга қарашли 20 га яқин меҳнат жамоаларининг 90 фоизини бошқариш навқирон, аммо малакали кадрларга ишониб топширилган.

Жиззах сув омборларидан фойдаланиш (СОФ) бошқармаси раҳбари ана шундай фаол ёшлардан бири. Бундан 7 йил аввал Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган Умид Суяров ишни “Учтом” ирригация тизими бошқармасида оддий мутахассисликдан бошлади. Вилоят насос станциялари бошқармасида бош мутахассис, сув таъминоти мураккаб бўлган Зафаробод туманида ирригация бўлими бошлиғи, ҳавза бошлиғи ўринбосари вазифаларида фаолият юритиб, тажриба орттирди.

– Ёз фасли биз учун масъулиятли давр, – дейди У.Суяров. – Таркибимиздаги меҳнат жамоалари жорий йилги вегетация мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш, деҳқонларга бир маромда сув етказиб бериш учун пухта тайёргарлик кўришди. Сув омборларимизга қарашли 4,7 километр узунликдаги каналлар тозаланиб, 12 та затвор ҳамда гидропостлар мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Шундай йирик сув ҳавза-

ларининг хавфсиз ва ишончли фаолият юритиши, улардаги иншоот ва қурилмаларнинг меъёрларга мос бўлиши, таъмирлаш-тиклаш ишларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига боғлиқ. Шулар эътиборга олинган ҳолда қишки мавсумда Жиззах сув омборида сув чиқариш иншооти заворини янгилаш, Хўжамушкент сув омбори жиҳозларини автоматлаштириш, Арнасой сув омборининг сув берувчи каналини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жиззах ва Қоровултепа сув омборларида аҳолини хавфдан огоҳлантирувчи локал хабар бериш тизимини ўрнатиш ишлари якунига етказилмоқда.

– Бугун Жиззах вилоятидаги сув омборларида жами 150 нафардан ортиқ одам иш билан таъминланган, уларнинг 30 фоизи ёшлар, – дейди яна У.Суяров. – Зиммамизга юкланган вазифаларни кўнгилдагидек бажаришда ишчи-ходимларимиз, биринчигалда ана шу ёшларимиз учун қулай меҳнат шароитини яратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарурлигини яхши тушунамиз. Бу борадаги ниятларимиз бошқарма томонидан ишлаб чиқилган “Бизнес режа”да ўз аксини топган.

Ёш раҳбар руҳсати билан ана шу ҳужжатга кўз ташлаймиз. Бошқарма “Бизнес-режа”сида жамоа аъзолари манфаати учун 1 миллиард 860 миллион сўмликдан зиёд ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, сув омборлари қошида ёр-

дамчи ҳўжаликлар ташкил этиш, уларда йирик ва майда шохли моллар, қуён, парранда ва балиқ парваришlash, мева, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш кўзда тутилибди.

Айтиш жоизки, бу борадаги ишларнинг маромида бажарилишида яна ўша ёш ишчи-ходимлар ҳиссаси катта бўлмоқда. Жорий йилда уларнинг фаоллиги ва кучи билан барча сув омборлари ёрдамчи ҳўжаликлари ҳудудига жами 129 гектар ер қўшилди. Бугун ушбу майдонга экилган сабзавот, картошка, дуккаклилар ва чорва учун озуқа экинлари, 70 бошдан ортиқ чорва моллари, 2 минг бошга яқин товуқ ва ўрдak, 100 тага яқин қуён эътибор билан парвариш қилинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил апрель ойида бўлиб ўтган машваратлардан бирида “Барча раҳбарлар бир нарсани билиб олсин: эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшлар билан ишлаш — биз учун ҳаётмамот масаласи! Биз ёшларга бугунданок шароит қилиб бермасак, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича инқилобий ташаббусларни илгари сурмасак, Янги Ўзбекистонни қандай барпо қиламиз?” деган эди. Жиззах воҳаси сув ҳўжалиги тизимидаги ёшлар давлатимиз раҳбари, катта авлод вакиллари ўзларига ана шундай катта ишонч билдираётганини яхши англайди. Шу туйғунинг ўзи уларга куч ва қанот бағишлаётгани шубҳасиз.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Хожагон тариқати сарҳалқаси
деб айтилган ҳазрат Абдуҳолиқ
Ғиждувоний ўз рубойида шун-
дай ёзганлар:

Айбларни ёпгучи саттор
бўлғайсен,
Калбларни топувчи ғамхор
бўлғайсен.
Аллоҳ ризолигин тиласанг,
Аэй дўст,
Эл бирла адабда ҳушёр
бўлғайсен.

АДАБДА ҲУШЁР, МЕҲНАТДА ИЛҒОР



Юқоридаги мисралар билан буюк бобомиз яхшилик, гўзал хулқу одоб билан муомала қилишнинг энг буюк саодат эканини насиҳат қилади. Бугун мана шундай одобли ва покиза хулқли фарзандларнинг борлиги учун ҳаётимиз гуллаб яшнамоқда деб айта оламиз.

Яқинда Хоразм вилоятига бўлган сафарим мобайнида икки нафар ёш фермернинг фаолиятини ўргандим. Уларнинг бир-бирлари билан дўстлиги, маслаҳатли иш олиб боришларини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Келинг, бугун ана шу ёшларнинг ибратли ишларини ҳикоя қилиб берай.

Гурлан тумани ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари Алишер Бобоҷонов бу икки нафар ёш фермернинг намунали ишлари хусусида илиқ фикрлар билдирди.

Дастлаб “Ҳусан Ғанишер” фермер хўжалиги раҳбари, алломишсифат Шерзод Раҳимов билан суҳбатда бўлдим.

Шу қишлоқдаги зиёли оиланинг фарзанди Шерзод мактаб таҳсилдан кейин Гурлан туман касб-ҳунар билим юртида ўқийди. Уни кўпроқ дала иши қизиқтирарди. Аслида, колхоз тузуми даврида “Ғани бригад” деб танилган раҳматли бобоси Ғани Раҳимовнинг невараси эмасми, деҳқончиликни қадрлаб, ўтган бобоси ҳақида катталарнинг айтиб берганларидан завқланган навқирон йигит 2014 йилда фермер хўжалиги ташкил қилиб, 57,7 гектар ер майдонида пахта ғалла йўналишида иш бошлади.

Ҳозирда фермер хўжалигининг 86,7 гектар ер майдони бўлиб, 25 гектарига ғалла экилган. Бугун ғаллазорларнинг сўлим ва баравжлигини кўриб кўзларингиз яшнайди. “GURLAN GLABAL TEKST” кластер ташкилоти билан тузилган шартномага кўра ҳосилнинг ҳар гектаридан олинадиган 30 центнерлик қисми уларга етказиб берилади, қолгани эса хўжалик аъзоларининг эҳтиёжлари учун қолдирилади.

– 40 гектар ерга пахта эдик, мана қаранг, – деб Шерзод фермер пахталари тўрткулоқ бўлиб қолган далалар томон қўлини узатди. – Бу йил ҳам табиат инжиқликлари кутиляпти. Албатта, Аллоҳнинг бергани бўлади. Пахта ҳосилимизни ҳам юқорида айтилган кластер билан тузилган шартномамиз бўйича етиш-

тириб, йиғиб-териб топширамыз. Шартномамизда 162 тонна бўлса ҳам, биз буни 200 тонна қилиб бажаришни ният қиляпмиз.

“МТЗ-80” тракторида Бахтиёр Абдуллаев культивация қилаётган пахта даласига назар ташладик. Бир томонда суспензия билан озиклантириш ишлари олиб бораётган тракторчи Турғун Йўлдошевнинг трактори дала бўйлаб кемадек сузиб борарди. Дала ишларида етакчи бўлаётган тажрибали тракторчиларни шу ерга бир муддатга чорладик, уларнинг фидойилик барқ уриб турган чехрасини фермер йигит билан биргаликда суратга, яъни тарих зарварақларига муҳрладик.

Сувчилар Фаҳриддин Йўлбосаров, Сарварбек Нажимов, Шавкат Худойбергеновлар номини фахр билан тилга олар экан, уларнинг хўжалиқдаги ҳар бир ишда жонбозлик қилаётганларини айтиб ўтди фермер.

15 нафар асосий ишчи-хизматчи, мавсумда 60 дан зиёд меҳнат аҳли бирлашадиган хўжалик йилдан-йилга юксалмоқда. Ўтган йили хўжаликнинг умумий даромади 1 млрд. 650 млн.ни ташкил қилди, соф фойда 550 млн.дан ошди. “МТЗ-80” трактори сотиб олинди. 30 бош қорамол, 80 бош қўй-қўзи, 300 бош парранда боқилмоқда. Тез орада буғдой ўриб олиниб, изига маккажўхори, мош, шоли, ловия, карам, сабзи ва бошқа экинлар экиб етиштирилади.

Ёш фермер ўзининг билим доирасини кенгайтириш мақсадида ҳозирги кунда Тошкент Давлат Аграр Университетининг “Агрономия” факультетида сиртдан ўқиётган экан. Ёш ва шижоатли фермерга касбининг сири ҳақида савол берганимизда у шундай жавоб берди:

– Фермерлик бу иш буюриб, яна ўзи текшириб юрадиган раҳбарлик касби эмас, сувчи билан сув қўясиз, тракторчи бўлиб рул ўшлайсиз, йиғимга бош бўласиз. Ҳамиша аъзолар билан бирга бўлсангиз, шундагина кўзлаган орзу ниятингиз амалга ошади.

Ҳа, у тўғри айтди. Унга омад ва бахт, кўзлаган мақсадларига етишиб яшашида куч-қувват тиладик. Фермер ўғлимиз билан унинг дўсти иш олиб бораётган, шу яқин орада жойлашган “Муҳаммад Кенжа пахтаси” фермер хўжалиги ерларига йўл олдик.



ИНТИЛГАН ОРЗУСИГА ЕТАДИ

Фермер хўжалиги 2006 йилда унинг отаси Маҳмуд Алламов томонидан ташкил қилинган эди. 2018 йилда Маҳмуд ота пенсияга чиқиб, ишларини қизиқувчан ва тиниб-тинчимас, ҳаммага бирдай эътиборли ўғли Муҳаммаджонга топширди. Қарангки, бир неча йил ичида хўжалик янада ривожланди, пахта ва ғаллачиликдан бошқа тармоқлар йўлга қўйилди. Хўжалиkning 92 гектар умумий ер майдони бўлиб, ўрта бонитетли, сувли ерлар ҳисобланади. Ҳозирда 30 гектар ердаги ғалла бир текис етилиб турибди. Ғалла йиғиб олингач, мош, помидор, бодринг, картошка каби сабзавот-полиз, маккажўхори ва бошқа ем-хашак экинлари экилади.

52 гектар ердаги ғўза ниҳолларининг авжи кўнгилдагидек. Ёш бўлса-да, ҳам ўқиш, ҳам дала ишлари, қолаверса, қишлоқдошларининг тўй-маъракаларида ташкилотчи бўлиш бугунги ёш фермернинг тиниб-тинчимаслигидан далолат беради. Унинг ишхонасига кириб борар эканмиз, китобга ошнолигидан хурсанд бўлдик, унинг зиёли инсон, адабиёт ихлосманди эканлигига амин бўлдик.

У мактабни битказгач, Урганч Давлат Университетининг “Иқтисодиёт” факультетига кириб ўқиди. Ҳозирда ҳам у ўз билим доирасини ошириш ниятида иккинчи мутахассислик бўйича ўқимоқда, яъни у Тошкент давлат Аграр университетининг агрономия факультети талабаси. Унинг отаси Маҳмуд Алламов тадбиркор, иқтисод соҳасини қадрлайдиган инсон. Бироқ Муҳаммаджоннинг фермер бўлишига ким туртки бўлди? Бу саволга қуйидагича жавоб олдик. Яъни асли унинг ота-боболари деҳқон бўлиб, уни авлоддан-авлодга ўтиб келаётган деҳқончилик касби ўзига жалб қилган. Унинг бобоси раҳматли Кенжа Алламов деҳқончилик ишларида ҳаммага маслаҳатгўй бўлиб яшаб ўтган.

Истиқлол тенгдоши бўлган Муҳаммаджоннинг ишлари билан таниша бориб, унинг келажак орзулари ҳақида ҳам билиб олдик. У келажакда хўжалик ишларини янада ривожлантириб, маҳсулотларни қайта ишловчи корхона очиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштиришга эътибор қаратиш, анъанавий деҳқончилик билан замонавий илм-фанни уйғунлаштириш орқали юқори ҳосилдорликка эришиш каби улуғ ниятларни ўз олдига қўйган.

Ёш фермерлар Муҳаммад Кенжаев ва Шерзод Раҳимовлар билан хайрлашар эканмиз, кун оғиб, енгил шабада таъсирида кенг далалардаги буғдойзорларнинг майин шивир-шивири, олис-олисдан культивация ва озиклантириш ишлари олиб бораётган тракторларнинг овози эшитилиб турарди. Замон ўз қадамларини ташламоқда. Ёшларимиз ўқиш ва ўрганишдан, изланишдан ўзлари учун янги йўл очмоқдалар. Демак, олдинда уларни улуғ ишлар кутмоқда...

*Қўшсаҳифани ўз мухбиримиз
Шукуржон ЖАББАРОВА тайёрлади.*

МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТГАН ҚЎЛЛАР



Меҳнаткаш пиллачиларимиз бир ой ичида тиним билмай бу мўъжизакор қуртларни боқади.

Айни шу мавсумда биз Гурлан туманидаги “Гурлан агро пилла” МЧЖ ишлари билан танишдик. Раҳбар масъулиятни сезсагина ишда унум бўлади. Кўп йиллардан буён шу соҳада ишлаб келаётган Зоҳиджон Ашуров ҳар бир пиллачи-касанагининг ҳаёти, эҳтиёжларини яхши билиб, шунга кўра уларнинг таъминотини олиб борар экан. У пиллакорлар ҳаётидаги ўзгаришлар, бугунги ишлари ҳақида ва берилаётган имтиёз ва эътибор борасида ўз фикрларини айтиб ўтди.

– Бу йил бизнинг касаначи-пиллачиларимиз фаолиятини йўлга қўйиш учун 205 тонна режа ҳисобидан 3535 қути уруғлик пилла қурти тайёрланди, – дейди у. – Туманимизда жами 515 нафар касаначи-пиллачилар, 221 та фермер хўжаликлари билан шартнома қилдик. Илғор касаначиларимиздан Феруза Яйилганова, Озода Рўзметова, Шоҳиста Шомуродова каби пешқадамларимиз ҳар йили пилла мавсумида ошиғи билан ипак тола етиштириб, катта мукофотларга сазовор бўлмоқдалар.

Ҳа, бу гапларнинг қанчалик ҳақиқат эканлигига биз бу касаначи пиллачилар ҳаётини ўрганиш ва кузатиш борасида амин бўлдик. Саҳтийн қишлоғидаги Ватанпарвар маҳалласида 1000 кв.метрга жойлашган қурт боқиш биносида 10 қути ипак қурти боқилмоқда. Бу ерда Меҳрибон Отажонова, Наргиза Тангриберганова, Сабоҳат Холмуродова, Малика Мадаминова каби иш кўзини биладиган илғор пиллачилар ўз ишлари билан банд.

Дунёда мўъжизалар жуда кўп. Шулардан бири ипак қурти билан боғлиқдир. Ипак қурти тўйиниб бўлгач, ўз атрофини ипак тола билан ўраб, пиллага, яъни мўъжизага айланади. Бу ипак қайта ишланиб, бир-биридан анвойи ва камалакдек товланадиган атлас, адрас каби қимматбаҳо кийимликларга айланади.

– Улар ўтган йили 10 қути ипак қуртидан 710 кг пилла етиштирдилар. Бу йил ҳам шу натижа учун ҳаракат қилмоқдалар, – дейди 39 йилдирки пилла агрономи бўлиб ишлаб келаётган Олимбой Артиқов. – Бу йил пиллакорларнинг ҳар бири ишни бошлаш олдидан ҳар қути бошига 300 минг сўмдан бўнак пули олдилар.

Феруза Яйилганованинг ишлари билан танишиш учун у яшаётган ҳовлига бордик. 3,5 қути ипак қурти боқаётган бу келинчақ 200 кг пилла етиштиришга бел боғлаган. Албатта, унга оила аъзолари кўмакдош бўляптилар.

Турсунбой Мадаминов хонадонига борар эканмиз, эшик олдига “Муравей” мотоцикли аравасини тўлдириб тут барги олиб келган ака-ука Хурсанд Каримов ва Равшан Мадаминовлар билан тўқнашдик. Улар сал ҳорғин кўринсалар ҳам, юз-кўзларидан шижоат ёғилиб турарди. Бу оилада Турсунбой ая Жумабоева мана 15 йилдирки пиллакорлик қилади. Ҳар йили 3 қути ипак қурти боқиб, 150 кг.дан ошириб ипак тола етиштириб келмоқда. Оиладаги 8 жон мавсумда онахонга ёрдам берадилар.

Ҳа, бугун гурланлик пиллачилар ҳар бир дақиқанинг олтинга тенглигини яхши билиб меҳнат қилмоқдалар. Ипак қурти озукаси бўлган тутзорларни кўпайтириш туфайли соҳада бу борада қийинчилик сезилмайди. 329 гектар тутзор майдонлари мавжуд.

Мўъжиза яратадиган ипак қуртининг ерга тўкилганини авайлаб териб олиб, япроқ устига қўяр экан, унга меҳр билан қараб турган чехраларда ипак ёруғлиги кўринади, гўё. Яна бир неча кунлардан кейин эса ипак терими бошланади. Бу борада Саҳтийн қишлоғининг пиллачи-касаначиларига муваффақиятлар тилаб хайрлашдик.

Суратларда: 1. чапдан Турсунбой Жумабоеванинг пиллахонасида Зоҳиджон Ашуров, Олимбой Артиқовлар пилла ўрамининг боришини кузатмоқдалар.

2. Хурсандбек Каримов “Муравей” мотоциклида япроқ ташимоқда.

Ўз мухбиримиз.

Қоракўлчилик сермахсул, сердаромад соҳа бўлиб, кейинги йилларда мазкур тармоқнинг тобора ривожланишида, наслчилик ишларининг такомиллашиши ва чўл озуқабон экинлар уруғчилиги майдонларини ташкил этиш ҳамда яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, қоракўлчилик субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим омил бўлмоқда.

Қоракўлчилик — сердаромад соҳа

Бугун Нурота туманидаги “Истиқлол” қоракўл-наслчилик масъулияти чекланган жамияти отарларида жами 30 мингдан ортиқ майда шохли моллар боқилмоқда. Мазкур жамият таркибида зармалла типидagi қоракўл кўзилари етиштириш яхши йўлга қўйилган. Ушбу қоракўл зотлари терисининг нафис ва бежиримлиги билан ажралиб туради. Уларнинг ранги тиник, юқори сифатли насллар парваришига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бугун хўжалиқда қоракўлчилик борасида тўпланган тажриба соҳада янги истиқболлар мавжудлигидан далолат беради.



Суратда: Нурота туманидаги “Истиқлол” наслчилик МЧЖ аъзолари

туёғини кўпайтириш бўлгани ҳолда тўл мавсумига етарлича тайёргарлик кўрилиб, вақтида амалий ишлар олиб борилди. Жумладан, тумандаги “Нурли эл чорвадори” МЧЖда ҳам мавсумга пухта тайёргарлик кўрилиб, тўл даври ўз вақтида ва сифатли ўтказилди.

— Жамиятимиз таркибида 24 мингдан ортиқ майда шохли моллар бўлиб, шундан она кўйлар 14 минг 100 бошни ташкил этади, — дейди МЧЖ директори Тўлқин Раҳимов. — Бугунги вазифамиз соҳамизни ривожлантириш, шу орқали аҳолига арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари етказиш, хориж давлатларига бежирим ва сифатли қоракўл тери экспорт қилишдан иборат. Шу мақсадда тўл мавсумида олинган маҳсулотнинг 90 фоизини ўстиришга қолдирдик.

Шунингдек, тумандаги “Каттакўрғон” қоракўл-наслчилик МЧЖнинг тажрибали чорвадорлари ҳам баҳорий об ҳаводан куч олиб, долзарб мавсумни яхши ўтказиб, якуний ишларни амалга оширишмоқда. Бугун мазкур жамият аъзолари чорва туёғини кўпайтириш билан бир қаторда, яна бир хайрли ташаббусга қўл уришди. Ҳозирда келгуси йил озуқа базасини яратиш билан бир қаторда, дашт шароитида яшил масканлар яратиш мақсадида мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экишди.

Албатта, қоракўл соҳаси ходимларининг муҳим мавсумга масъулият билан ёндашувлари асносидаги тадбирлари келгуси тармоқ ривожини йўлидаги қадам бўлиб, бу қоракўлчилик соҳасининг ривожланишига, ҳудудда чорва сони ошишига, пировардида иқтисодиёт соҳасининг ривожига хизмат қилиши аниқ.

Ўз мухбиримиз.



Суратда: Нуробод туманидаги “Каттакўрғон” МЧЖ аъзолари

Ана шундай ривожланишни мақсад қилган ва соҳада яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб келаётган Нуробод туманидаги наслчилик масъулияти чекланган жамиятлари томонидан ҳам истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Туманда қоракўлчилик тармоғида наслчилик ишларини такомиллаштириш орқали сифатли қоракўл тери етиштириш, чўл озуқабон экинлар уруғчилиги майдонларини ташкил этиш ва яйловлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда қоракўлчилик субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Нурободлик тажрибали чорвадорлар ҳам асосий мақсадлари миллий маҳсулотимиз ҳисобланган қоракўл кўйлари

Ҳар жабҳага илғорлар

Янги Ўзбекистонда шаҳарларимизгина эмас, қишлоқларимиз ҳам кундан-кунга чирой очмоқда. Бир-биридан гўзал бинолар, гузарлар, кўчалар пайдо бўляпти. Ўйингоҳлардаги болажонларнинг шодон кулгуларини айтмайсизми? Бахтиёрликдан қувонамиз. Нурафшон ҳаётнинг нурларидан баҳра оламиз.

Онгимиз, шууримиз ўзгарди. Мулкдорлар, жонкуяр фермерлар сони ортыпти. Қорақўл туманига йўли тушган одамнинг атрофга боқиб, сокин ҳаёт, жўшқин меҳнатдан кўнгли яйрайди. Бахтнинг калитини маҳкам тутган фермерлар билан суҳбатлашсангиз, ўзининг мулкдор бўлганидан, эл-юртининг тинч-тотувлигидан шукрона ҳисси ила яшаётганлигини кўриб, дилингиз яйрайди.

Қорақўл туманининг Қора қувончли қишлоғидаги “Қамола-Миржалол” фермер хўжалиги раҳбари Жаннатой Хўжамқулова ўзига хос бир олам. Иسمى-жисмига мос, хушфеъл, билимдон ва донолиги Барчинойу, Тўмарисларни эслатувчи мукаммал аёл десам муболаға бўлмайди.



Суратда: “Қамола-Миржалол” фермер хўжалиги раҳбари Жаннатой Хўжамқулова ва туман ҳокими Хуршид Тохиров

— Ғалла майдонимиз 100 гектар, пахта майдонимиз 200 гектар, — дейди у. — Далани яхши кўраман, катта майдонда ишлаш оғир, албатта. Аммо қаловини топсанг, қор ёнади, деганларидек, жамоа билан ҳамжиҳатликда, уста деҳқонлар билан маслаҳатлашиб ишляпмиз. Кўрсаткичларимиз, йиллик даромадимиз мақтанарли даражада. Бирлашган ўзар, деганларидай турмуш ўртоғимнинг ака-укалари, хиянлари, қўни-қўшни билан аҳил жамоа бўлиб ишлаймиз. Қайнотам Азимжон Бекмуродов фермер бўлганлар. Кексайиб қолгач, “Сен бошқара оласан”, дея ишни менга топширдилар. Ишончни оқлаш бурчим, вазифам.

Жами 300 гектар майдонни алмашлаб экиб, агротехник қоидаларига риоя қилиб, юқори натижаларга эришадиган Жаннатой билан “Чарчаманг, соғ-омон бўлинг”, деб хайрлашдик.



Суратда: “Жигачи омад тукон” фермер хўжалиги раҳбари Шерзод Исмоилов

Ушбу тумanning “Жигачи омад тукон” фермер хўжалиги раҳбари Шерзод Исмоилов ҳам қўшни фермер каби юқори натижаларга эришиб, туманда обрў-этибор топаётганлардан экан.

— 68 гектар пахта, 65 гектар ғалла майдонимиз бор. Ҳар йили режаларни ортиғи билан бажарамиз, — дейди Шерзод. — “Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик”, деганларидек, ҳалол меҳнат қиляпмиз, баракасини беряпти. 8 гектар тут кўчатларини, 3 гектар боғни авайлаб-асраб парваришляпмиз, ҳосилдан жамоа ҳам баҳраманд.

Ромитан тумани аҳли азал-азалдан ўз маконига, ишига, халқига вафодор. Меҳнаткаш, ҳалол одамлари бисёрлиги боис режалари юз, юзлари ёруғ.

Ушбу тумanning Халқобод ҳудудида менга қадрдон “Кўхна Бухоро” фермер хўжалигининг намуна қилсак ар-



Суратда: “Кўхна Бухоро” фермер хўжалиги раҳбари Шухрат Нозимов

зийдиган раҳбари бор. У Шуҳрат Нозимов. Меҳнатсеварлиги, самимийлиги отаси Асқар ака Низомовдан ўтган. Оиладаги муҳит, тарбия, ишбилармонлик, тадбиркорлик Шуҳратга юққанлиги боис у илғор фермерга айланди.

— 100 гектар ғалла майдонимиз ҳосилини уруғликка топширамыз, — дейди у. — 40 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари тўлиқ, кун сайин бўй чўзмоқда. 30 гектар боғимиз бор. 1 гектар майдонда эса иссиқхона ташкил қилганмиз. Қишин-ёзин ҳосили мўл, даромади эса бисёр.



Суратда: “Ақромов Асқар замини” фермер хўжалиги раҳбари Асқар Ақромов

Шофирконнинг машхур, фидойи, танти деҳқонлари, шоиру адиблари бисёр. Улар меҳмонни хуш кўради.

Ушбу туманнинг “Ақромов Асқар замини” фермер хўжалиги раҳбари Асқар Ақромов билан дала шийпониди суҳбатлашдик. Қалби ҳам, сўзи ҳам беғубор, самимий бу фермер яқинда “Умра” сафарида бўлиб қайтибди. 200 бош чорва моли бўлиб, гўшт йўналишида боқиб, сотади. 30 гектар пахта, 20 гектар ғалла майдонидан ҳар йили кўнгилдагидек юқори ҳосил олиб келмоқда.

— Ўғлим Ақромжон менга ёрдамчи, қизиқувчан. Меҳнатнинг таги роҳатлигини доимо унга тушунтирганим боис, ишдан қочмайди, интилувчан.

Ушбу туманнинг Урганжиён қишлоғидаги “Урганжиён-Чорва-Чашмаси” фермер хўжалиги раҳбари Завқиддин Асадов чорвачилик йўналишида фаолият олиб боради. Айни пайтда 500 бош молларни рацион асосида парваришлаб, яхши натижаларга эришмоқда.

— Зотдор молларни Украина, Эстония, Латвия, Австрия каби об-ҳавоси турли хил мамлакатлардан келтирганмиз, — дейди фермер. — Ўзбекистонимизга мослаштириш осон бўлмади. Изландик, ўргандик ва ниҳоят ўзимизнинг иқлимга мослашишди.

Корхонада 30 нафар одам ишлайди, уларнинг ярми моллар парвариши билан банд. Маошлари уларни қониқтиради, 3 маҳал иссиқ овқат берилади. Сутни қайта ишловчи цех фаолияти билан ҳам танишдик. Озода-саранжом хоналар, маҳсулотларга харидорлар бисёр. Сабаби, мазали, тоза, сифатли. Фермернинг техник хизмат

кўрсатувчи корхонаси қўшни фермерларга беминнат ёрдам беради. 130 гектар пахта дала-ларидаги ғўза ниҳолларининг авжи кўнгилдагидек. 50 гектар ғалла майдонидаги ҳосилнинг ҳам чўғи баланд.



Суратда: “Урганжиён-Чорва-Чашмаси” фермер хўжалиги раҳбари Завқиддин Асадов ва иш юритувчи Муродали Бахриев

— Ҳар йили пахтадан 45 центнердан, ғалладан 80-100 центнердан ҳосил йиғиб оламиз, — дейди Завқиддин.


Унинг отаси Сайфиддин Асадов жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаган экан. Ташкилотчилик, тадбиркорлик, деҳқончилик сирларини у отасидан ўрганган.

Жондор туманининг “Шавкат-2000” фермер хўжалиги раҳбари Бахшулло Қўлдошовни таниган, билганлар саховатли инсон, тадбиркор чорвадор, омилкор деҳқон сифатида ҳурмат қилади.

Турмуш ўртоғи Иродахон ақлли, гўзал хулқли меҳмондўст аёл экан. Қўярда-қўймай уйига меҳмонга таклиф қилгани боис, бир пиёла чой устида гурунглашдик. Оиладаги иноқликни кўриб, фермернинг ишидаги унум ва барака шу иноқликдан бўлса не ажаб, деган фикр ўтди хаёлимдан.

52 гектар пахта, 36 гектар ғалла, 200 бош қорамол, 32 қути асалари, 3 гектар узум, 14 гектар боғ, 300 бош курка ва товуқларни эҳтиётлаб парваришлашнинг ўзи бўладими? “Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик” дея айтилган мақол шундай ажойиб оилага қаратиб айтилгандек, гўё.

Раъно ТОЖАЛИЕВА.



Суратда: “Шавкат 2000” фермер хўжалиги раҳбари Бахшулло Қўлдошов Турмуш ўртоғи Иродахон Файзуллаева билан

ЮРАГИДА ЎТИ БОР ФЕРМЕРЛАР



Аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий муваффақияти фермерларнинг билим савияси ошиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаётгани, қолаверса, давлатимиз раҳбарининг мулкдорларга эркинлик яратиб бераётганлигидандир.

Сардоба туманидаги “Якка дала сирлари” фермер хўжалиги раҳбари Акмал Артиқбоев фаолиятини ўрганар эканман, дилимдан “хўжалигини номлашда исмини далага мос қилиб қўйган экан-да” деган хаёл ўтди. Сабаби, Сардобанинг чўл ҳудудларида ёлғиз бир бино атрофидаги адирлик ораларида 300 бошдан зиёд қўй, 50 бош қорамол “адир меники” дегандай эмин-эркин, хоҳлаган ўт-ўланлардан танлаб еб юришларига қараб шундай ўйга бордим.

— 28 гектар еримиз сувли, қолган 10 гектари яйловдан иборат, — дейди Акмалжон. — Яна ерим бўлса, чорва молларини кўпайтирган бўлардим.

Туман раҳбарлари фермерга ёрдам берсалар, унинг хўжалиги янада ривож топарди. Ахир, чорвачилик ривожланса, элимиз дастурхони гўшт ва маҳсулотлари билан тўлдирилса, нур устига нур эмасми?

Суратда: Сардоба туманидаги “Якка дала сирлари” фермер хўжалиги раҳбари Акмал Артиқбоев

Боёвут туманидаги “Шоҳрух-Зайнура” фермер хўжалиги раҳбари Шухрат Назаров 2015 йили фермерликка қизиқиб, туман раҳбарларига ариза билан мурожаат қилган эди. Раҳбарлар у билан суҳбат чоғида ўтли кўзлари, қобилияти, ақл-идрокидан қониқиш ҳосил қилишган шекилли, ишониб, қолақ хўжаликлар ҳисобидан 25 гектар ғалла, 25 гектар пахта майдони ажратиб беришди. Шундан буён у режаларни ортиғи билан бажариб келади. 2016 йили 50 гектар ғалла, 50 гектар пахта майдони билан ишини давом эттирди.

— Ҳар йили режаларни ортиғи билан бажараяпмиз, — дейди Шухратжон. — Юзимиз ёруғ. Мақсадга эришиш учун ер билан тиллашиб, диллашиб, вақтида бегона ўтлардан тозалаб, агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилса, минерал ва маҳаллий ўғитлар солинса,

айтган ҳосилни йиғиб-териби олиш мумкин.

Ҳа, қаҳрамонимиз тўғри айтяпти. Бунинг учун омилкорлик билан ишлаб, юрагидаги оловни ўчирмаслик керак.

Мен учун қадрдон бўлган Боёвут туманининг илғор фермерлари самимий, борини гапирадиган жайдари одамлардир.

Мана, улардан яна бири, “Чароғон-Нурафшон даласи” фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Жумаев.

19 гектар ғалла, 20 гектар пахта майдонидаги гўзалликка қараб кўнглингиз яйрайди. Буғдойлар бошоқлаган, ҳосили кўзни қувонтиради. Пахта пайкалларидаги гўзалар ҳадемай гуллайди.

— Ҳар йили пахтадан 42-43 центнер, ғалла майдонларидан эса 70-80 центнердан ҳосил йиғиб оламиз, — дейди фермер. — 3 минг туп қайрағочларимизга ҳам меҳримиз пайваста.



Суратда: Боёвут туманидаги “Шоҳрух-Зайнура” фермер хўжалиги раҳбари Шухрат Назаров

Ушбу туманнинг “Эзгу ният самараси” фермер хўжалиги раҳбари Рустам Андакулов эса бундай деди:

“Меҳнат сирларини, дала юмушларини раҳматли отам Каримжон Андакуловдан ўрганганман. Умри далада, эл дардида ўтган. Бригадир, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. Чигитни қачон, қандай экишни, ғалла пайкалларига бериладиган ишловларни яхши биларди. Турли хил мукофотлар кўксиларини тўлдириб турарди”.

32 гектардаги пахта майдонидан 42-45 центнердан, 55 гектардаги ғаллазордан 75-80 центнердан ҳосил кўтаришни режалаётган фермер шунга яраша меҳнат қилгани кўриниб турибди. Техника – инсон қаноти, ҳар юмушга мўлжалланган махсус техника етарли. Укалари Умиджон, Расулжонлар акасига кўмакчи.

— 20 гектар ерга томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйганмиз, — дейди у. — Бу усулнинг афзалликлари жуда кўп экан. Ахир, бу мўъжиза-ку.

Айни пайтларда Сайхунобод туманида ҳам ишлар қизғин. Фермерлари қаловини топиб, қор ёғдирадиганлардан. Ҳар бирининг юрагида ўти бор. “Гулистон Агро Гранд” фермер хўжалиги раҳбари Шоҳида Муқимова аёл латофатиға хос нозик дид, фаросат билан дала юмушларини аёло даражада ўзлаштириб, изланиб, интилиб ишлаётганлардан. Сабаби ҳар бир ишга қўл уришда фикрлаб, маслаҳатлашиб, “хато қилиб қўймасмиканман” деган хаёлларга чулғаниб, дадил қадам ташлайди.

58 бош қорамол, 100 бош қўй, 18 қути асалари, 200 та товуқ, куркани меҳр бериб парваришламоқда. Бир гектарлик боғида ҳам иш қизғин.

— Мақсадим мол сонини кўпайтириб, фермер хўжалигимни кенгайтириб, янада кўпроқ ишчи ўрни яратиш, — дейди у.

Сайхунободдаги “Сервин ўн” МЧЖ раҳбари Давронбек Каримовнинг тақлифига биноан уни ҳам мухлисларига танитгим келди. Ҳаракат қилиб толмас, изланувчан қаҳрамонимиз келгусида имкон топилса, бошқа тармоқларни ҳам йўлга қўймоқчи.

Айни пайтда 60 бош қорамол, 4 бош от, 170 бош қўй учун 26,7 гектарлик майдонга озуқабоп экинлар экилган. Жониворлар талаб-лар асосида парваришланмоқда.

— Меҳнат қилинса, у агар ҳалол бўлса, Аллоҳ ёрдам бераверади, — дейди у.

— Покиза ниятларингиз ижобат бўлаверсин.

Ушбу тумандаги кўп тармоқли “Қаҳрамон-Зилола” фермер хўжалиги раҳбари, меҳнат қилиб чарчамайдиган Тиловиддин ака Рўзимбоевни барча деҳқонлар устоз дея ҳурмат қилишади.

Ахир, 300 гектар пахта, 250 гектар ғалла, 20 гектар боғ, 52 қути асалари, 60 бош қорамол, 20 бош отни парваришлашнинг ўзи бўладими?

— Аҳилликда гап кўп, жамоамиз аъзолари аҳил-иноқ, қолаверса, уч маҳал бепул иссиқ овқат, қулай иш шароити яратилган. Оилалар учун ёрдамларнинг ҳаммаси тақлифларга биноан берилади. “Эл рози, Худо рози” деган ҳақли ибора бор, — дейди Тиловиддин ака.

Режаларни ортиғи билан бажариб, юзи ёруғ бўлаётган фермерларга тилагимиз: “Чеҳрангиздаги, юрагингиздаги шижоат, қалбингиздаги олов асло сўнмасин”.

Раъно ЮСУПОВА.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ўрмон хўжалиги соҳасида кенг қамровли Кислохотлар амалга оширилмоқда, бу борада ўрмон бойликларини ҳар томонлама кенгайтириш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган соҳасда ягона давлат сиёсатини юритиш, ўрмон фонди ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни самарали бошқаришни ташкил этиш, ўрмон барпо этиш, уларни қайта тиклаш, кўриклаш, муҳофаза қилиш, ўрмонлардан оқилона ва тежамли фойдаланиш ҳамда бошқа кўплаб вазифалар белгиланганки, буларнинг барчаси соҳа ривожини ва истиқболига хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этмоқда.



ЎРМОНЛАР – БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Маълумки, ўрмон хўжаликлари ҳудудлардаги яшил майдонларни кўпайтириш, шу орқали сизу биз нафас олаётган ҳавонинг тозаллигини таъминлашга хизмат қилади. Самарқанд вилоятидаги Дарғом ўрмон ишлаб чиқариш корхонасида ҳам ана шундай кислородга бой ўрмон дов-дарахтларини кўпайтириш, мевали-манзарали кўчатлар ҳамда дориворлик хусусиятига эга ноёб ўсимлик турларини етиштириш борасида самарали ишларни амалга оширилмоқда.

Мазкур ўрмон хўжалигида шифобахш ўсимликлар парваришланадиган плантациялар майдони йилдан-йилга кенгайтирилиб, она заминимизда ўсадиган доривор ўсимликлар етиштирилиши ҳажми оширилмоқда. Маълумки, шифобахш хусусиятларга эга ўсимликлар хасталикларни самарали даволаш баробарида инсон организми учун безарар ҳисобланади. Қолаверса,

— Давлатимиз томонидан ўрмонзорларни барпо этишга катта эътибор қаратилаётганлиги туфайли йилдан-йилга яшил ўрмонзорлар майдони ортиб бормоқда. Бугунги кунда Дарғом Давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси умумий ер майдони 322 гектарни ташкил этади ва шулардан маъданий ўрмонзорлар: 90,3 гектар бўлиб, унда қирим қарағай, элдор қарағай, ясин, ёнғоқ, можжевельник, геледечия, павлония каби ўсимликлар парваришланмоқда. Ўрмон хўжалигининг 42 гектар майдондаги кўчатхонада 1 минг 300 дан ортиқ турфа хил кўчатлар етиштирилмоқда. Шунингдек, хўжаликнинг 23 гектар ер майдонида доривор дарахт ва ўсимликлар мавжуд бўлиб, улардан 12 гектар майдонда унаби, 5 гектарда шафран, 2 гектарда наъматак, 2 гектарда топинамбур, 0,30 гектар арпабодиён, 0,30 гектар майдонда тирноқгул ўсимлиги етиштирилмоқда. Корхонамиз ҳудудида замон талаби бўлган сув тежовчи технологияларни жорий этишни ҳам йўлга қўймоқдамиз. Бу борада ўтган йили 70 гектар майдонга писта дарахти экиб, томчилатиб суғориш технологиясини жорий этган бўлсак, бу кўрсаткични жорий йилда 186 гектарга етказишни мақсад қилганмиз, — дейди Дарғом Давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Илҳом Йеткиров.

фармацевтика саноатида муҳим бўлган хомашё сифатида ўзимизда етиштирилгани ишончли ва арзон. Бундан ташқари, бундай қимматли хомашёни экспорт қилиш имконияти ҳам бор. Барча бўлимларда етиштирилган доривор ўсимликлар ҳосили йиғиб олиниб, хўжаликнинг махсус омборида сақланади ва шу ердан истеъмолчиларга етказилади.

Албатта, ўрмонлар кенгайтириш иқтисодиёт

тараққиётига хизмат қилиши баробарида экология ва атроф-муҳит мусаффолигига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Шу мақсадда Самарқанд вилоятдаги яна бир, Пахтачи Давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонасида ҳам яшил майдонларни кенгайтириш, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва дарахтзорлар барпо қилиш ҳамда «яшил инфратузилма»ларни яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

— Айни кунга қадар хўжалигимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 80 минг туп дарахт ва буталар етиштирилди. Шу билан бирга, туманимизнинг чекка ҳудудларига “чўлланиш”нинг олдини олишга қаратилган, яшил қопламалар барпо этиш мақсадида 40 минг туп тут кўчатлари етказиб бердик. Ушбу лойиҳа доирасида ишларимиз давом этмоқда, — дейди Пахтачи Давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Ғайрат Тўхтамишев.

Суратда: Пахтачи Давлат ўрмон хўжалиги аъзолари



Албатта, ҳудудларда амалга оширилаётган бу каби ҳайрли ташуббуслардан кўзланган асосий мақад, минтақада қум-шамол йўлларини яшил қалқон билан тўсиш орқали экологик муҳитни яхшилашга эришишдир. Хулоса қилиб айтганда, ўрмон хўжаликлари ўлкамизни боғу бўстонга айлантириш баробарида, унинг иқтисодини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутиб келаётган яшил ҳудудлардан биридир. Шу билан бирга, табиат бойликларини асраш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини кўпайтиришда бу ҳудудларнинг аҳамияти катта.

Шухрат НОРМУРОДОВ.
ўз мухбиримиз

ОРГАНИК ШОЛИ ЕТИШТИРИШНИНГ ИЛМий АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Аннотация. Мақолада органик шоли етиштириш, хусусан, унинг негизи бўлган экологик тоза, органик дала муҳитини (фон) тайёрлашга доир долзарб масалалар кўриб чиқилган. Шунингдек, ҳозирги даврга хос масалалар баёни келтирилиб, муаллифлар тавсифлари келтирилган.

Аннотация. В статье рассмотрены актуальные вопросы органического возделывания риса, особенности подготовки экологически чистой органической полевой среды (фона), которая является его основой. Также автором дается описание проблем, характерных для текущего периода.

Annotation. The article deals with topical issues of organic cultivation of rice, especially the preparation of an environmentally friendly, organic field environment (background), which is its basis. Also by the author, a description of the problems characteristic of the current period is given.

Органик маҳсулотлар атроф-муҳитга кам таъсир кўрсатадиган, аниқ қабул қилинган услублар ва назорат қилувчи ташкилотлар ёрдамида етиштирилади. Умуман органик маҳсулот етиштиришнинг асосий мақсади, барча жонзотларни барқарор яшаш шароитларидан ташқари табиий манбаларни ҳамда инсон саломатлигини ҳимоя қилишдир. Шунингдек, органик маҳсулот етиштириш тизимлари тупроқ унумдорлиги ҳамда табиий экологик ҳолатини тиклайди, сақлайди, захарли пестицидлар, ўғитлар, гербицидлардан фойдаланишни кескин камайтиради ва биологик хилма-хилликка эга бўлган қишлоқ хўжалигини ривожланишига ҳисса қўшади.

Шу сабабли ҳам органик маҳсулот етиштиришдан уч йил олдин пестицидлар, кимёвий ўғитлар ва воситалардан фойдаланиш тўхтатилиши каби қаттиқ тартиб-қоидалар талаб этилади. Барча талаблар тўлиқ бажарилгандагина органик далага ҳамда етиштирилган органик маҳсулотга сертификат берилади.

Шоличилик, Ўзбекистонда ҳам тарихан муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Кейинги йилларда ушбу соҳани янада ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштириш янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридида шоли етиштириш, сақлаш, қайта ишлашнинг узлуксиз ва самарали тизимини такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини гуруч маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш ҳамда шоли етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Шоли асосий истеъмол қилинадиган озиқ-овқат тури сифатида дунёнинг кўплаб минтақаларида етиштирилади. Шунини таъкидлаш лозимки, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни ташкил этиш учун деҳқончилик тизимини бутунлай ўзгартириш шарт эмас. Фақат маҳсулотлар қайси бозорлар (АҚШ, Европа Иттифоқи, Осиё...) чиқариб сотилишини инобатга олиб, шу мамлакатлар ёки Европа Иттифоқи кодекси, IFOAM стандартлари, АҚШда NOP, Global organic ва бошқа стандартлар талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда маҳсулот турларини етиштириш талаб этилади. Европа мамлакатларида органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда даладан дўкон пештахтасигача бўлган барча жараёнларга қатъий талаб қўйилиб, сертификатланади.

Органик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда дунё бўйича мактаб, ҳамда Япония ўсимликшунослигида дон экинлари кўрсаткичлари рекорд натижасига етган бир мисолни келтирсак. Бу, япониялик фермер, микробиолог Масанабу Фукока ҳисобланади. Унинг фермерчилиги жанубий Япониянинг Шикоку оролида жойлашган. Бунда бир гектарда донли экинлар, 5 гектарда цитрус боғи ва улар орасида хилма-хил сабзавотлар ўстирилади.

Энг қизиғи, экспертлар фикрига кўра барча экинлар жуда яхши ҳолатда бўлиб, озиқа етишмаслиги, зараркунанда ва касалликлар ёки бегона ўтлар муаммоси кўринмайди. Масанобу Фукоканинг деҳқончилик услуги бўйича “Ҳеч нима бўлинмаслиги, ажратилмаслиги, табиат билан уйғунлашиши керак!”. Унинг фермерлик ер майдонлари узоқ йиллардан бери умуман ҳайдалмайди, минерал ўғитлар ҳамда захарли кимёвий воситалар мутлақо қўлланилмайди.

Лекин, тупроқ унумдорлиги ҳамда экинлар ҳосилдорлиги ортиб бориб, стандарт ҳолатидаги органик маҳсулотлар етиштирилмоқда.

Демак, органик маҳсулот етиштириш ҳаёлий орзу эмас, жиддий илмий изланишлар ҳамда машаққатлик меҳнат олиб борилса, бу ҳақиқат ўз исботини топади. ФАО маълумотларига қараганда, дунё бўйича 2018 йилда 155 млн. гектар майдонда шоли экилиб, 751,9 млн. тонна ҳосил етиштирилган. Ер юзидаги жами аҳолининг 60 фоизи Осиё минтақасига тўғри келиб, шолининг 92 фоизи шу минтақада етиштирилади. Бу ерлик аҳолининг 90 фоизи учун гуруч асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Шунингдек, дунё бўйича донли экинлар ҳосилдорлигининг ҳозирги даврда муқим ортиб боришида ҳам шолчилик етакчилик қилмоқда.

Дунёда глобал иқлим ўзгариши, атроф-муҳит, айниқса ҳаво, сув, тупроқ ҳамда экологик ҳолат кескин ёмонлашиб бормоқда. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда юқори миқдорда минерал ўғитлар, турли кимёвий воситаларни назоратсиз илмий асосланмаган ҳолда кенг қўлланилиши турли хавфли касалликларни жадал ривожланишига олиб келмоқда. Бундай шароит, инсон саломатлигини, ирсий асослари ва юқори меҳнатлик қобилиятини сақлаш ҳамда ақл-идрокини ривожлантириш учун экологик тоза, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Маълумки, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти оддий маҳсулот етиштиришга қараганда дунё бозорида 3-5 баробарга қиммат ҳисобланади. Лекин бу нарх, касал бўлиб даволанишга кетган сарф-ҳаражатларга нисбатан жуда арзон эканлигини иқтисодий ривожланган давлатлар аҳолиси аллақачон тушуниб етганлар. Шунинг учун ҳам улар етакчи истеъмолчилар ҳисобланиб, халқаро андозаларга мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларининг келиб чиқишини кафолатловчи стандартларга юқори даражада эътибор қаратмоқдалар. Халқаро экспертлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг келиб чиқишини кафолатлаш тизими, озиқ-овқат маҳсулотларининг экологик хавфсизлиги ва табиийлигини таъминлашнинг энг мақбул йўналишларидан бири эканлигини таъкидлашмоқда (Турсунов Н., Раҳмонов Т. 2022, Қодиров Э.В. ва бошқалар, 1999, Тиллаев Р.Ш., Худайберганов Н.М 2019). Айни вақтда халқаро стандартларга мувофиқ органик қишлоқ хўжалигини ташкил этиш, бутун дунёда кескин

тарқалиб бораётган гени модификацияланган (ген-муҳандислик, трансген) маҳсулотлардан ҳимояланиш ҳамда табиий хилма-хилликни асраб қолишнинг ягона йўналиши сифатида майдонга чиқди.

Органик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳар қандай давлат қишлоқ хўжалиги тармоғининг нисбатан истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланиб, қуйидаги маълумотларни гувоҳлик беришича, ушбу соҳа бой ресурсларга эга: 2000-2010 йиллар давомида жаҳон экологик маҳсулотлари бозорида уч мартабадан юқорироқ ўсиш кузатилди. Яъни, 2000 йилда 18 млрд. долларга тенг бўлса, 2010 йилда 60 млрд. долларни ташкил этди. Органик қишлоқ хўжалик ҳаракати бўйича халқаро федерация (IFOAM) маълумотларини кўрсатишича, 2011 йилда экомасулотлар бозорида ўсиш 20 фоизни ташкил қилиб, шу давр ичида Европанинг бошқа истеъмол бозорларидаги ўсиш охириги 10 йилликда йилига 3 фоиздан ошмаган. Ҳатто 2008 йилги инқироз даврида ҳам экомасулотлар бозоридаги ўсиш 15% ташкил этган. Экспертлар башоратларига кўра, 2005 йилда органик маҳсулотлар бозоридаги жаҳон айланмаси 88 млрд. доллардан ошган бўлса, 2020 йилда 200-250 млрд. долларга етиши қайд этилган. Ҳозирги вақтда органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича Европа ва Шимолий Америка етакчилик қилаётган бўлса, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция ва бошқа Европа Иттифоқи мамлакатлари асосий истеъмолчилардир.

Ўзбекистоннинг табиий тупроқ-иқлим экологик шароитлари органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай бўлиб, очиқ дала шароитида уч мартагача ҳосил олиш имкониятига эга. Миллатимизнинг фахрларидан бири бўлган “Палов”нинг дунё таомномасидан муносиб ўрин эгаллаши ҳамда бошқа миллатлар ҳам суйиб истеъмол қилиши таҳсинга сазовор. Бу миллий ошпазларимизнинг тарихий такомиллаштириш ютуқлари ва маҳаллий олим-селекционерларимизнинг паловбоп, рақобатбардош шоли навларини яратганликлари ҳамда уларнинг меҳнатларини уйғунлашиши натижаси деб баҳолаш мумкин.

Натижада, шолнинг “Лазурный”, “Аланга”, “Девзира” ва бошқа навлар гуручига ҳамда шоли уруғлигига талаб ортиб бормоқда. Лекин, республикада ер, сув ресурслари ҳамда шоли етиштириш майдонларининг чекланганлиги, аҳоли

сонини ортиб бориши шולי махсулотларини катта ҳажмда экспорт қилиш имконини бермайди. Бироқ, хорижда тайёрланаётган паловнинг гуруч масаласини ҳал этиш зарур. Бизнинг илмий таҳлилларимизга кўра, бунинг имконини топиш мумкин. Яъни, хорижга чиқарилаётган шולי махсулотларини фақат органик шולי технологияси асосида етиштириб, оддий шוליға нисбатан 3-5 баробаргача юқори нархда сотиш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Шоличилик илмий тадқиқот институтининг “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси лабораторияси” олдига қуйидаги мақсад ва вазифалар қўйилган: маҳаллий шоличиликда халқаро талаблар (Global org.) стандартларига тўлиқ жавоб берадиган экологик тоза, органик шולי етиштирадиган дала тажриба майдони тайёрлаш ҳамда келажақда “Ўзбекистон органик шולי махсулоти” лейблигига эга бўлиб, муайян даражада етиштирилган шולי махсулотларини Ўзбекистон бренди асосида экспорт қилишнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш.

Асосий вазифалар эса дунё тажрибасига кўра, органик махсулот етиштириш кенг қамровли илмий тадқиқотлар комплексини жамлашни талаб этгани учун, халқаро стандартлар тартиб-қоидаларига асосан кўп босқичли ва узоқ йиллик илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳисобланади.

Режалаштирилган мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш учун тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бошқармаси” ва “Қишлоқ хўжалигида Стандартлаштириш маркази” ДУК раҳбарияти билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Органик шולי етиштириш дала тажриба майдонини (фон) тайёрлашда халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб бериши учун, органик шולי махсулотлари етиштириш бўйича қўйилган талаб, чекловлар ва меъёрий ҳужжатлар чуқур ўрганилди, таҳлил қилинди ҳамда маҳаллий шароитда қўллаш бўйича таклиф ва хулосалар тайёрланди.

Органик шולי етиштиришдаги стандартлар бўйича талаб ва чекловлар. Улар асосан қуйидагилардан иборат.

Танланган дала тупроқлари тип ва тури шу ҳудуд учун асосий бўлиши, унумдорлик даражаси

шўрланган ёки шўрланмаган, ўтмишдош экинлар шולי алмашлаб экиш тизимига мос ҳамда азаллий шоликорлик ҳудудига жойлашган бўлиши;

Мазкур танланган жойда аввал кимёвий воситалар, турли юқори ўғит меъёр ва нисбатлари ёки маҳаллий ўғитлар синалмаган ҳамда қўлланилмаган бўлиши;

Органик махсулот етиштириш учун ноорганик, синтетик минерал ўғитлар, оғир металл ҳамда турли заҳарли моддалари бўлган кимёвий ёки органик воситаларни қўлламаслик. Синтетик ўғитлар (NPK) ўрнига яшил ва маҳаллий ўғитларни қўллаш;

Органик махсулот етиштиришда ўсимликларнинг ҳақиқий навларини (дурагай) қўллаш, гени модификация қилинганларини мутлақо қўлламаслик;

Махсулот етиштиришда оғир техникалар ўрнига асосан қўл, ҳайвонлар кучидан фойдаланиш;

Имкон даражасида ерга техника ёрдамида ишлов бермаслик ёки кам ишлов бериш, ерда асосий ҳайдов ўтказмаслик;

Зараркунандаларга қарши биологик ёки органик, бегона ўтларга қарши механик кураш қўллаш;

Тажриба даласи ҳамда олиб борилган махсулот етиштириш агротехнологик комплексига ҳамда маркетинг хизмати жараёнларини сертификатлаш.

Органик махсулот етиштиришда фермерлар доимо маслаҳатга жуда муҳтож, уларсиз иқтисодий инқирозга учрашлари мумкин. Афсуски, органик махсулот бўйича мавжуд бўлган ҳар қандай тавсиялар, анъанавий ишлаб чиқариш технологияси жамланмаларига эквивалент эмаслиги расмий ҳисоботларда таъкидланган.

Демак, хулоса тариқасида айтиш мумкинки, минерал ўғитлар, пестицидлар ва бошқа кимёвий воситаларни қўлламаслик органик махсулот етиштириш агротехнологиясини соддалаштиради деган тушунчага эга бўлиш мумкин эмас. Юқорида қайд этилган ҳамда бошқа органик шולי махсулотлари етиштиришнинг комплекс талаб ва вазифалари белгиланиб, амалиётда ташкил этиш ҳамда синов учун Шоличилик илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигининг жараёнларини олиб бориш учун муттасил шולי етиштириш (монокультура) даласидан стационар тажриба учун ер майдони ажратилиб, тадқиқотлар бошланди. Дастлабки

олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, органик шולי маҳсулотлари етиштириладиган органик деҳқончилик тизими асосида фон тайёрлашнинг илмий асосларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Тажриба даласи сифатида узок йиллик шолиторлик майдонларини танлаш.

Дала тупроқ кесмасини горизонтлари бўйича (1,0-2,0 м) ҳолатини аниқлаш ҳамда ҳайдов қатламини агрокимёвий чуқур таҳлил қилиш.

Уч йил давомида тажриба даласини тўлиқ органик деҳқончилик тизимига ўтказиш.

Халқаро Globe Organic стандартига қўйилган талаб, қонун ва меъёрий ҳужжатларга ҳамда таъкидланган барча чекловларга қатъий риоя этиш.

Экологик тоза органик фон тайёрлаш, унда минерал ўғитларни (NPK) қўллаш таъқиқлангани сабабли, тажриба даласида йилнинг ярмини тупроқ экологик муҳитини тозалаш ҳамда тоза органик ўғит ўсимликлар моддалари билан бойитиш учун сидерат экинларидан (арпа, жавдар, тритикале, лалми буғдой) самарали фойдаланиш. Уларнинг яшил массасини майдалаб, шולי экилишидан 10-15 кун олдин ерни 30-35 см чуқурликда ағдариб ҳайдаш ва ер етилгач, уни қўчат экишга сифатли тайёрлаш.

Йил мавсумининг иккинчи қисмида шולי қўчатлари 25-30 кунлик қилиб парваришлаб, тақрорий экин сифатида май ойининг 3-нчи 10 кунлигида ёки июннинг 1-беш кунлигида вариантларга мос равишда қўлда ҳамда механизм ёрдамида экиш.

Демак, биз танлаган органик шולי маҳсулотлари етиштириш фонини тайёрлашнинг илмий асосини, ярим йил давомида тупроқнинг экологик ҳолатини тозалаш, органик тоза унумдорлигини таъминлаш учун сидерат экинларини қўллаш, етиштирилган яшил массани майдалаб 30-35 см чуқурликда ерга ҳайдаб, экологик тоза органик тупроқ унумдорлиги ҳосил қилинади.

Ер етилгач, уни экишга сифатли қилиб тайёрлаш, экилган шולי қўчатлари жадал ўсиб кетиши ҳамда етарлик озиқа билан таъминланиши учун гектарига 40 тонна ҳисобидан чириган, эланган маҳаллий органик ўғит қўллаш вариантини қўллаган ҳолда органик шולי етиштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш қабул қилинди.

Рихсивой ТЕЛЛЯЕВ, қ.х.ф.д., профессор,

Маъсуджон САТТАРОВ, қ.х.ф.д., к.и.х.,

Мухаммаджон ЭРГАШЕВ, қ.х.ф.н.,

Бахтиёржон ҚОДИРОВ, қ.х.ф.ф.д.

Шоличилик илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Турсунов Н.Т. Экология. Ўқув қўлланмаси. Тошкент. 2020. "NIF MSH".
2. Қодиров Э.В. ва бошқалар. Табиий муҳитни муҳофазалашнинг геоэкологик асослари. Тошкент, "Ўзбекистон", 1999, 158 б.
3. Тиллаев Р.Ш., Худайбергенов Н.М. Органик деҳқончилик нима?
4. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент, 2019.
5. www.nature.uz

ЎЎТ: 633.853.74+631.82

ТАДҚИҚОТ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА КУНЖУТ (*SESAMUM L.*)НИ ЭКИШ МУДДАТИ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИ

Annotation. In a scientific article, when sowing sesame seeds in the early periods of 25-30.04, depending on the thickness of seedlings at the beginning of the growing season, 13-15%, compared with the middle (05-10.05) and late (15-20.05) periods, it caused 6-8% to die. It is indicated that when caring for sesame, it is sown in the middle terms (05-10.05), the norms of mineral fertilizers are given from NPK 120:90:60 kg/ha, and seedlings contain an increased amount of 0.5-1.5%.

Кунжут иссиқсавар ўсимликлар жумласига мансубдир. Кунжут уруғи экилгандан сўнг ҳаво ҳарорати 15°C дан юқори бўлганда униб

чиқиш бошланиб, 18-20°C да серавж униб чиқа бошлайди. Кунжут униб чиққанидан кейин дастлабки ўсиш жараёни жуда секин кечади.

Бу иқлим шароити билан боғлиқ бўлиб, униб чиққан кунларда ҳаво ҳарорати 10-12°C га тушиб кетса, у ўсишдан тўхташи мумкин [3].

Илмий тадқиқотларимиз Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманидаги “Замин ДЕК” фермер хўжалигининг типик бўз тупроқлари шароитида олиб борилиб, кунжутнинг “Қора шаҳзода” навини экиш муддатлари (25-30 апрел, 5-10 ва 15-20 май) ва ўғитлаш меъёрларининг (NPK-150:105:75, NPK-120:90:60, NPK-90:60:45 кг/га) ўсиши, ривожланиши ҳамда дон ҳосилдорлигига қаратилиб, 12 та вариантда, бир ярусда, уч такрорликда, умумқабул қилинган услубларда ўтказилмоқда [1,2].

Тажриба даласи экишга тайёрлангандан сўнг, сабзавот сеялкаси ёрдамида кунжут уруғи 2-3 см чуқурликда, 6 кг/га меъёрида экилди. Уруғ экилган кундан, ҳар 3 кунда уруғларни униб чиқиш динамикаси ўрганилди.

Тажриба ўтказилган 2022 йилда кунжут биринчи экиш муддати (25-30.04) 28.04 апрел куни ўтказилиб, экилгандан сўнг 16 кунда тўлиқ униб чиқиши кузатилиб, унувчанлик вариантлар бўйича 93,1-94,2% ни ташкил этди. Экишнинг иккинчи муддати (05-10.05) 08.05 куни амалга оширилиб, бу даврда ҳаво ва тупроқда ҳарорат кунжут учун меъёрий бўлганлиги майсалар экилгандан 13-кунида, 93,7-94,7% тўлиқ униб чиққанлиги қайд этилди. Учинчи экиш муддати (15-20.05) май ойининг 17.05 санасида ўтказилиб, уруғлар экилгандан кейин 4-кунида 9, 10, 11 ва 12-вариантларда униб чиққан уруғлар даражаси иккинчи муддатда экилган 5, 6, 7, 8-вариантларда униб чиққан майсаларга нисбатан 50% кўп миқдорда униб чиқиб, бу албатта, ҳаво ва тупроқдаги ҳароратнинг юқори бўлганлигидан билиш мумкин. Экишнинг 10-кунида эса, унувчанлик 93,7-94,7% ни ташкил этди. Айтиш керакки, кунжутни учинчи муддатда экиш биринчи экиш муддатига нисбатан 6 кунга, иккинчи муддатга нисбатан эса 3 кунга эрта униб чиққанлиги аниқланди.

Кунжут тўлиқ ва соғлом униб чиқиши учун мақбул ҳаво ва тупроқ ҳарорати керак бўлиб, шу меъёردаги ҳароратлар мавжуд бўлсагина у униб чиқа бошлайди. Шунга кўра, типик бўз тупроқлар шароитида кунжут 25-30.04 муддатда экилганда 16 кунда, 05-10.05 да 13 кунда, 15-20.05 муддатда 10 кунда тўлиқ униб чиқади. Аммо, биринчи муддатда чиққан май-

салар иккинчи ва учинчи муддатда униб чиққан майсалардан нозик ва нимжон бўлганлиги кузатилди. Тажрибаларимизда кунжутни экиш меъёри гектарига 6 кг ҳисобида, 2,0-2,2 млн. ҳисобида экилиб, сеялка ёрдамида экилган уруғлар қалин униб чиқди. Шу боисдан яганалашда соғлом ва бақувват ўсаётган ниҳоллар қолдирилди. Яганалаш асосан 60х7-1 схемада, 1 п/мда 225-230 дона, гектарига 225-230 минг кўчат қолдиришга эришилди.

Тажрибанинг барча вариантларида амал даври бошида об-ҳавога ҳамда униб чиққан ниҳолларни ҳолатига қараб ўртача гектарига 225,3- 226,7 минг донагача кўчатлар қолдирилди. Ўтган 2022 йилда май ойи салқин ва серёмғир келганлиги туфайли ниҳоллар жуда нозик, нимжон бўлиб қолди ва бу ўсимлик вегетациясида ривожланиши ва кўчат қалинлигига таъсир қилди.

Таъкидлаш керакки, биринчи экиш муддатида экилган кунжутни кўчат қалинлиги амал даври охирида бошқа экиш муддатларига нисбатан кам бўлганлиги аниқланди. Тажрибаларимизда, экиш муддати 25-30.04 бўлган 1, 2, 3, ва 4-вариантларда кўчат қалинлиги тегишлича гектарига 190,7; 195,2; 192,3 ва 191,4 минг/донани ташкил этиб, бу амал даври бошидаги кўчат қалинлигига нисбатан, 15,86; 13,51; 14,94 ва 15,08% миқдорида кўчатлар nobуд бўлганлиги аниқланди. Кунжутни иккинчи экиш муддатида эса, амал даври охиридаги кўчатлар сони, бирмунча кўп бўлиб, тажрибанинг 5, 6, 7 ва 8-вариантларида кўчат қалинлиги ўртача гектарига 208,6; 210,9; 211,1 ва 210,3 минг донани, nobуд бўлган кўчатлар сони тегишлича 7,81; 6,43; 6,88 ва 6,98% ни ташкил этди. Демак, кунжут 05-10.05 муддатида экилганда 25-30.04 муддатга нисбатан, 7,08-8,10% миқдорида кўчат сақланиб қолар экан. Кунжутни учинчи экиш муддатида экилган вариантларда кўчат қалинлиги миқдори иккинчи муддатда экилган вариантлардаги кўчат қалинлигига деярли яқин бўлди. Маълумотларга кўра, тажрибанинг 9, 10, 11 ва 12-вариантларида кўчат қалинлиги тегишлича гектарига 210,4; 213,6; 211,0 ва 210,4 минг донани, nobуд бўлган ўсимликлар миқдори эса, тегишлича 6,82; 5,77; 6,51 ва 6,61% ни ташкил этди. Бу эса, биринчи экиш муддатида нисбатан 7,74-9,04% га, иккинчи экиш муддатида нисбатан эса, 0,37-0,99% га кўп кўчат сақланиб қолганлигини англатади.

Бундан ташқари, кунжутнинг кўчат қалинлигига кунжут парваришида қўлланилган минерал ўғитлар меъёрларининг таъсири ҳам кузатилади. Олинган маълумотларга кўра, энг кўп миқдорда кўчат йўқотилиши тажрибанинг ўғит қўлланилмаган назорат вариантыда аниқланди. Таъкидлаш керакки, кунжут парваришида минерал ўғит меъёрларини камайиб бориши ҳам унинг кўчат қалинлигига салбий таъсир кўрсатди. Биринчи муддатда экилиб, NPK 150:105:75 кг/га қўлланилган 2-вариантида кўчат қалинлиги гектарига 195,2 минг донани ташкил этиб, нобуд бўлган кўчатлар сони 13,51% ни ташкил этган бўлса, минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га қўлланилган 3-вариантида кўчат қалинлиги гектарига 192,3 минг донани ташкил этиб, нобуд бўлган кўчатлар сони 14,94% ни, NPK 90:60:45 кг/га қўлланилган 4-вариантида кўчат қалинлиги гектарига 191,4 минг донани ташкил этиб, нобуд бўлган кўчатлар сони 15,08% ни ташкил этган. Кўриниб турибдики, кам миқдорда ўғит берилган 4-вариантда нобуд бўлган кўчатлар сони 2 ва 3-вариантларга нисбатан 0,14-1,57%

кўп нобуд бўлганлиги аниқланди. Тажрибанинг иккинчи экиш муддатида ҳам ушбу қонуният кузатилиб, минерал ўғитлар энг кам меъёри қўлланилган вариантларида ўрта ва юқори меъёрда ўғитлар қўлланилган вариантларга нисбатан 0,45-0,55% миқдорида, учинчи муддатида эса 0,84% миқдорида кўп кўчат йўқотилгани аниқланди.

Хулоса. Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кунжутни ҳаво ҳарорати 18-20°C, тупроқ ҳарорати 15-16°C бўлганда экиш кўзланган кўчат қалинлигини беради. Ушбу шароитда кунжут ўрта 05-10.05 муддатида экилганда 13 кунда тўлиқ униб чиқади. Кунжут эрта экилганда ниҳоллари нозик ва нимжон ҳолда униб чиқиб, келгусида амал бошидаги кўчат қалинлигига нисбатан 13-15%, ўрта ва кеч муддатларга нисбатан 6-8%, кунжут парваришида NPK 150:105:75 кг/га дан NPK 90:60:45 кг/га туширилиши кўчатларни 0,5-1,5% миқдорида нобуд бўлишига олиб келади.

Ғолиб ДИЯРОВ, мустақил изланувчи,
Шухрат РИЗАЕВ, к.х.ф.д., доцент,
ТошДАУ Самарқанд филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ, Тошкент, 2007, Б. 180.
2. Мойли экинлар жаҳон коллекциясини ўрганиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент, 2010. 20 бет.
3. Чирков В.Н. Масличные культуры Узбекистана. Госиздат Узбекистана. Ташкент, 1952. С. 3-5.

УЎТ: 633. 853. 494: 581.446.2.

ТАДҚИҚОТ

КУЗГИ РАПС ИЛДИЗ ТИЗИМИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги рапснинг «Ясна» нави қишлаш давридан олдин илдиз тизимининг шаклланишига турли муддат ва меъёрларда экишнинг таъсири ўрганилган.

Аннотация. Изучено влияние посадки в разные сроки и нормы на формирование корневой системы озимого рапса сорта «Ясна» в условиях типичных сероземов Ташкентской области.

Annotation. The effect of planting in different periods and rates on the formation of the root system of «Yasna» winter rape in the conditions of typical gray soils of the Tashkent region was studied.

Рапс дон экинлари учун энг яхши ўтмишдошлардан бири бўлиб, алмашлаб экишда кейинги экинлар учун мақбул агротехник шароитларни таъминлайди, бу эса далани ўз вақтида экишга тайёрлашга имкон беради, тупроқ тузилишини яхшилади ва унумдор-

лигини 1,5-2,0 барабар оширади, озукавий таркиби 15-20 т/га гўнга тенг бўлган ўсимлик илдиз қолдиқларини ҳамда майдаланган сомон қолдиқларини қолдиради. Бундан ташқари, рапс 90 кг / га гача асал тўплашни таъминлайдиган ажойиб ўсимликдир. [3]

Турсунов И.А., Нурматова Д. [15. 126-130 б] олиб борган тадқиқот натижаларидан кўра, навбатлаб экишнинг 1:1 тизимида, кузги буғдойдан бўшаган майдонларга оралиқ экинлар (рапс ва вика) аралаш экилганда тупроқда 58,6 ц/га анғиз ва илдиз қолдиқлари қолганлиги, бунинг натижасида тупроқнинг ҳажм массаси 0,04-0,03 г/см³ га камайганлиги ва сув ўтказувчанлик қобиляти юқори бўлганлиги аниқланган. [4]

Рапс одатда донли экинларга қараганда қурғоқчиликка кўп талабчан эмас. Бироқ, сўнгги 2018-2019 қурғоқчил йилларда яратилган гибрид навлар ҳайратланарли даражада муваффақиятли бўлди. Кўп олимлар рапснинг кучли, эрта ўсиши тупроқ сувини тезда йўқ қилади, терминал стрессни келтириб чиқаради ва уруғ ҳосилдорлигини кескин камайтиради деб тахмин қилишганди, бироқ бу ундай эмас. Оптималлаштирилган рапс рентабеллиги лойиҳаси (ОСРР) да рапс илдизининг ўсиши ва сувдан фойдаланиши бўйича сўнгги тадқиқотлар эрта экилган рапснинг чуқур илдизотиши ва юқори ҳосилни қўллаб-қувватлаш учун чуқур сақланадиган сувни ўзига олиш қобиляти билан боғлиқ ҳолда тушунтириш берди.

Кузги рапсда қишки термал вақт, унинг фенологик ривожланиши билан, шунингдек, куртакнинг қуруқ оғирлиги, илдиз бўйининг диаметри, апикал куртакларнинг баландлиги, илдизнинг вазни ва узунлиги, шунингдек, барглари ва апикал куртакларнинг кимёвий таркиби каби биометрик кўрсаткичлар билан чамбарчас боғлиқдир. [4,5]

Қишлаш фазасидан олдин кузги рапс жуда яхши ривожланган илдиз тизимига эга бўлиши керак. Илдиз ёш кўчатларни қишлашдан кейин

бахорда ўсишни бошлаган пайтида фойдаланадиган муҳим озуқа моддаларини ўзида сақлайдиган органидир.

Дала тажрибалари 2019-2022 йилларда Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги “Ахборот-маслаҳат маркази” (extension center) ДУҚда ўтказилиб, кузги рапснинг “Ясна” навини етиштиришда 3 та мақбул муддатлар (сентябрнинг 3-декадаси, октябрнинг 1-декадаси ва октябрнинг 2-декадаси) ва экиш меъёрлари 1-1,5-2-2,5-3 млн, дона/га қилиб экилди.

Тадқиқотлар натижасига кўра, октябрнинг 1-декадаларида ўлчанганида экиш меъёрлари ва муддатларига қараб ўзгариб борди. Илдиз узунлиги бўйича юқори натижа уч йил мобайнида илк экиш муддатлари (сентябрнинг 3-декадаси)да ва экиш меъёри юқори (3 млн/га) бўлган вариант (15 вариант)ларда кузатилиб 2019 йил 15,09 см, 2020 йил 17,60 см, 2021 йил 15,73 см.ни ташкил этди.

Илдиз диаметри ва оғирлиги эса эрта экиш муддатлари ҳамда экиш меъёрларининг камайиши билан ортиб борди. Бунга кўра сентябрнинг 3-декадасида ва экиш меъёрлари 1 млн/га бўлган 1-вариантларда 2019 йил илдиз диаметри 7,50 мм, илдиз оғирлиги 4,77 г, 2020 йилда илдиз диаметри 8,07 мм, илдиз оғирлиги 5,13 г ва 2021 йилда илдиз диаметри 7,99 мм, илдиз оғирлиги 5,08 г бўлганлиги аниқланди.

Тажрибаларда кузги рапснинг “Ясна” нави илдизининг узунлиги илк экиш муддатларида ва экиш меъёрининг кўпайиши натижасида ортиб борди, илдиз диаметри ва оғирлиги эса эрта экиш меъёри ҳамда экиш меъёрининг камайиши натижасида ортиб борди.

Жасур ЁКУБОВ,

ПСУЕАИТИ таянч докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Sidlauskas, G., and C. Rife. 2004. Environmental and agronomic factors effect on the growth of rape leaves in autum. p. 4–8. In Proceedings of 10th International Rape Congress, Canberra, Australia, 1999.
2. Velicka, R., A. Marcinkeviciene, S. Raudonius, and M. Rimkeviciene. 2006. Integrated evaluation of rape readiness for overwintering. Acta Agric. Scand. Sect. B - Plant Soil Sci. 56(2): 110–116.
3. Ситник І. Д. Технологія вирощування озимого і ярого ріпаку / І. Д. Ситник // Посібник українського хлібороба. – 2008. – С. 77–90.
4. Турсунов И.А., Нурматова Д. Кузги буғдойдан кейин вика ва рапс экишнинг тупроқнинг агрофизик хусусиятларига таъсири. Life Sciences and Agriculture 2.1 – 2020 126-130 б.

ВОПРОСЫ РЕГУЛИРОВКИ КОЛЕИ УНИВЕРСАЛЬНО-ПРОПАШНЫХ ТРАКТОРОВ

Annotation. *The issues of developing a device that eliminates all the shortcomings of the known methods for adjusting the gauge of serial tractors and adapting the gauge of the developed universal row-cultivator for working on different row spacing's are studied.*

Аннотация. *Изучены вопросы разработки устройства, устраняющего все недостатки известных способов регулировки колеи серийных тракторов и адаптирующего колею, разрабатываемого универсально-пропашного трактора для работы на различных междурядьях.*

В республике в последние несколько десятилетие возделывание хлопчатника производятся на междурядьях 60 и 90 см [1], и машинотракторные парки хлопкосеющих хозяйств укомплектованы сельскохозяйственной техникой, рассчитанными на эти междурядья [2].

С образованием хлопково-текстильных кластеров [3] на некоторых из них хлопчатник стали возделывать на междурядьях 76 см, и начали применять сельскохозяйственные машины, рассчитанные именно на это междурядье. В результате возникла проблема несоответствия колеи серийных универсально-пропашных тракторов рассчитанные для работы на междурядьях 60 и 90 см с междурядьем 76 см. При этом величина несоответствия осей симметрии колес с осями симметрии междурядья в зависимости от марок применяемых тракторов составляет от 20 до 260 мм [4]. Чем больше несоответствие, тем больше ходовая система трактора уплотняет защитную зону, следовательно, повреждает растение и уплотняет почву в зоне его корневой системы, что не позволяет нормальному росту и развитию последней.

Из-за несоответствия колеи серийных универсально-пропашных тракторов с междурядьем 76 см с одной стороны возникла проблема нехватки тракторов для агрегатирования с набором машин, рассчитанным на это междурядье, а с другой – повреждение или же затоптание растений колесами имеющихся серийных универсально-пропашных тракторов. Решение данной проблемы является актуальной задачей, стоящей как перед исследователями, так и перед хлопководами.

Проведенный обзор конструкции ходовых систем колесных тракторов показал, что адаптация колеи колесных тракторов к междурядьям осуществляется за счет изменения колеи колес трактора, которое достигается различными способами, осуществляемыми устройствами

различной конструкции [5, 6]. Так, например, известны способы изменения колеи с помощью проставок, перемещением ступицы колеса по полуоси червячным, реечным или ползунковым механизмами, или же поворотом обода с не центрально расположенными кронштейнами относительно диска, а также поворотом диска колеса относительно фланца полуоси выпуклостью внутрь или наружу.

Несмотря на многообразие конструкции устройств, на применяемых на практике известных способах изменения колеи происходит в одних случаях ступенчато, в других - со снятием и установкой колеса, а в третьих - в недостаточном диапазоне.

Для изыскания более приемлемого и сравнительно простого способа, в ООО «Конструкторский технологический центр сельскохозяйственного машиностроения (ООО «КТЦСМ»)) были проведены опытно-конструкторские работы (ОКР) по адаптации колеи серийных универсально-пропашных тракторов на междурядья 76 см по двум направлениям: за счет применения проставок и за счет модернизации конструкции заднего моста серийных универсально-пропашных тракторов.

В ходе проведения ОКР первое направление было отклонено из-за несоответствия абриса заднего моста универсально-пропашных тракторов требуемым агротехническим нормам для междурядья 76 см. Такое несоответствие абриса заднего моста универсально-пропашных тракторов возникало в основном за счет взаиморасположения заднего колеса и бортового редуктора трактора. При установке задних колес посредством проставок ширина конструктивных элементов, проходящих по междурядьям хлопчатника, превышает допустимую норму, что приводит к ухудшению показателя агротехнической проходимости трактора.

Поэтому для реализации поставленной

задачи было принято решение об изменении конструктивных параметров полуоси и его кожуха таким образом, чтобы колея серийных универсально-пропашных тракторов обеспечивали бы их прохождения по междурядьям 76 см. В результате такого подхода машинотракторные парки укомплектовываются универсально-пропашными тракторами, снабженными задними мостами с тремя разновидностями, рассчитанными для работы на междурядьях 60, 76 и 90 см. Такое разнообразие задних мостов с одной стороны увеличивает разновидность запасных частей, а с другой — сужает сферу их применения только в пределах одного вида междурядья.

Опираясь на проведенные исследования, для устранения выявленных недостатков нами был разработан экспериментальный образец заднего колеса (рис. 1), снабженного устройством для адаптации колеи задних колес трактора на междурядья.




Рис. 1. Заднее колесо, снабженное устройством для адаптации колеи трактора на междурядье:

- 1 – шина; 2 – обод; 3 – кронштейн; 4 – диск;
5 – фланец с полуосью; 6 – рифленая пластина; 7 – сухарь; 8 – крепежный болт;
9 – корпус бортового редуктора

Основу устройства составляет диск 4, закрепленный на фланец полуоси 5. При этом диск 4 закреплен к ободу 2 колеса посредством кронштейна 3. Кронштейн 3 выполнен с двумя пазами, по которым закрепляемый крепежными болтами 8 диск 4 смещается в ту или иную сторону в пределах 200 мм. Для обеспечения фикс-

сации перемещения диска по пазу используются рифленые пластинки 6 и сухарь 7. Рифленые пластинки 6 приварены к кронштейну так, что они расположены по граням длины паза на противоположной диску стороне. К рифленным пластинкам крепежными болтами прижимается сухарь 7, удерживающий перемещение диска по пазу.

Устройство для адаптации колеи задних колес трактора на междурядья работает следующим образом. Колея универсально-пропашного трактора сопоставляется с междурядьем посевов на обрабатываемом им поле. При соответствии колеи с междурядьем универсально-пропашной трактор применяется для междурядной обработки посевов без корректировки колеи. А при несоответствии колеи универсально-пропашного трактора с междурядьем посевов производится его корректировка для адаптации с междурядьем обрабатываемых посевов с помощью разработанного устройства.

Для наглядного представления корректировки колеи с помощью устройства для адаптации колеи на междурядья 76 см рассмотрим на примере универсально-пропашной трактор, выпускающийся с колеей 1800 мм, который широко применяется для обработки посевов хлопчатника с междурядьем 90 см.

Сначала определяется величина несоответствия размера колеи универсально-пропашного трактора с обрабатываемым междурядьем:

$$\zeta_k = B_k - nb_m, \quad (1)$$

где ζ_k - величина несоответствия размера колеи универсально-пропашного трактора с обрабатываемым междурядьем, мм; B_k - колея универсально-пропашного трактора, мм; n - число рядков, находящихся между колесами; b_m - ширина междурядья, мм.

Исходя из величины несоответствия размера колеи универсально-пропашного трактора с обрабатываемым междурядьем, определяем величину смещения обода относительно диска колеса:

$$\pm s = \frac{\zeta_k}{2}, \quad (2)$$

где $\pm s$ - величина смещения обода относительно диска колеса, мм. При «плюсовом» значении данной величины обод относительно диска колеса смещается во внутреннюю сторону колеса, а при «минусовом» значении в наружную сторону колеса.

В нашем случае величина несоответствия размера колеи универсально-пропашного трактора с обрабатываемым междурядьем 78 см составляет $\zeta = 280$ мм, а величина смещения обода относительно диска колеса $s = 140$ мм и она имеет «плюсовое» значение. Следовательно, для точной адаптации колеи задних колес данного трактора на обрабатываемое им междурядье обод его колеса должен быть смещен относительно дисков во внутреннюю сторону колеса на 140 мм. В результате колея трактора становится 1520 мм, и он соответствует с обрабатываемым трактором междурядьем 76 см.

Выводы. В последние годы хлопчатник стали возделывать на междурядьях 60; 76 и 90 см, и применяют сельскохозяйственные машины, рассчитанные на это междурядье. В связи с этим

возникла необходимость в разработке трактора, имеющего возможность работы на этих междурядьях, что позволяет:

- устранять несоответствие колеи серийных универсально-пропашных тракторов с обрабатываемым междурядьем, приводящим к повреждению растения и уплотнению почвы в зоне его корневой системы;

- без применения приставок или же сменных полусей и их кожухов точно адаптировать ходовую систему трактора на обрабатываемое им междурядье посевов, тем самым устраняет имеющиеся недостатки серийных универсально-пропашных тракторов.

Адилбек АХМЕТОВ, д.т.н., профессор,
Дилфуза КАМБАРОВА, соискатель,
НИУ «ТИИИМСХ».

ЛИТЕРАТУРА

1. Пахтачилик маълумотномаси. Т. Fan va texnologiya, 2016. 540 б.
2. Байилов М.Т., Мамаджанов С.М., Олмасов М.Н. и др. Сельскохозяйственная техника. Автомобили. Т. «Muxammad poligraf», 2016. 480 с.
3. Аликулов С.Р., Ачилдиев Ш. О технологии и средствах механизации фермерских хозяйств, производящих хлопок в составе кооперативов кластерной системы. Ж. Вестник науки и образований, 2020. №23(101). С.16-19.
4. Akhmetov A.A., Akhmedov Sh.A., Kambarova D.U. Analysis of the correspondence of the track of serial wheeled tractors to various row spacing of cotton crops. Har. Edu.a.sci.rev. 0362-8027 188. Vol.2. Issue 1. Pages 188-192.
5. В.М. Шарипов, К.И. Городецкий, А.П. Маринкин и др. Устройство тракторов. М. МГТУ «МАМИ», 2007. – 320 с.
6. Ксенович И.П. (отв. ред.) Тракторы Беларусь МТЗ-80, МТЗ-80Л, МТЗ-82, МТЗ-82Л. Минск. Ураджай, 1973. 264 с.

УЎТ: 331.1

ТАДҚИҚОТ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ИНДИКАТОРЛАРИ

Аннотация. В данной статье исследуются теоретические основы эффективного использования трудовых ресурсов и его показатели в условиях развития цифровой экономики в нашей стране.

Annotation. This article examines the theoretical foundations for the effective use of labor resources and its indicators in the context of the development of the digital economy in our country.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш шариоитида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш вазибаларидан бири меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишдан иборатдир. Бу масала инсоннинг манфа-

атлари, яшаши, ривожланиши ва эртанги кун билан боғлиқ. Республикамизда мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона, ишчи кучидан унга бўлган талаб ва эҳтиёжга қараб фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг

асосини ташкил этади. Шунинг учун мавжуд меҳнат ресурсларини такрор ҳосил қилиш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш лозимлигини зарурат этади.

Меҳнат ресурслари маҳсулот ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ишлаб чиқариш ресурсларининг энг фаол омили сифатида катта аҳамиятга эга. Меҳнат ресурслари деганда меҳнатга қобилиятли, меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролардан, яъни мамлакат иқтисодиётида ишлаётган ёшлар ўрта ҳамда меҳнатга ўта қобилиятли ёшдаги кишилардан иборат [1]. Улар ишлаб чиқариш жараёнида онгли равишда қатнашиб, сифатли ва талабни кондирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иш ва хизматларни бажарадилар.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўли иқтисодиётнинг таркибий тузилишини кескин ўзгартириш орқали меҳнаткашларнинг меҳнатда банд бўлиш тарқибини такомиллаштиришдан иборатдир. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун, бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлган меҳнат ресурсларини миллий иқтисодиёт тармоқлари ўртасида интенсив равишда қайтадан тақсимлаш ишларни жадаллаштириш лозим. Бунинг учун аввало, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ифода этувчи кўрсаткичларни аниқлаш лозим. Уларни аниқлаш учун қуйидаги хусусий кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Мавжуд бўлган меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳақиқатда қатнашган меҳнат ресурслари миқдорини (киши) корхона фаолиятида мавжуд бўлган меҳнат ресурслари миқдorigа тақсимланади. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M_{\kappa} = \frac{X_{\text{м.р}}}{M_{\text{м.р}}} \quad (1)$$

Бунда: M_{κ} - меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти; $X_{\text{м.р}}$ - ҳақиқатда ишлаган жами меҳнат ресурслари, (киши); $M_{\text{м.р}}$ - мавжуд бўлган жами меҳнат ресурслари.

2. Меҳнат ресурсларининг ҳўжалик фаолиятида қатнашиши (маълум вақт мобайнида). Корхона фаолиятида жами сарфланган вақтни сарфланган меҳнат ресурсларининг умумий миқдorigа тақсимлаш асносида аниқланади ва қуйидагича ифодаланади:

$$M_{\text{р.у.в}} = \frac{M_{\text{с.в}}}{X_{\text{м.р}}} \quad (2)$$

Бунда: $M_{\text{р.у.в}}$ - меҳнат ресурсларининг маълум бир муддатда ўртача ишлаган иш вақти, (киши-кун, киши-соат); $M_{\text{с.в}}$ - меҳнат ресурсларининг жами сарфлаган вақти, (киши-кун, киши-соат).

Бу кўрсаткичнинг мутлоқ миқдори аниқланаётган даврдаги (ойда, йилда) бир кишининг иш вақти фондидан юқори бўлмайди. Меҳнат ресурсларининг ҳар бир гуруҳи учун амалдаги қонунларда йиллик ёки ойлик иш вақти фонди белгиланади ва унинг миқдорини бир йилдаги календарь кунлар миқдоридан барча турдаги байрам, дам олиш ҳамда таътил кунларини айириш орқали аниқланади. Республикада йиллик иш вақти фонди 276-286 кун миқдorigа белгиланган [2].

3. Белгиланган иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициенти ($I_{\text{в.к}}$). У бир ишчи ёки хизматчининг ишлаб чиқаришда ҳақиқатда ишлаган вақтини (киши/куни, киши/соатини) қонунда белгиланган миқдорда ишлаши лозим бўлган вақтга тақсимлаш натижасида аниқланади. Бу қуйидаги формула кўринишида бўлади:

$$I_{\text{в.к}} = \frac{M_{\text{и.в}}}{M_{\text{б.в}}} \quad (3)$$

Бунда: $M_{\text{и.в}}$ - меҳнат ресурслари ҳисобланган бир кишининг бир йилда ишлаган вақти; $M_{\text{б.в}}$ - меҳнат ресурслари ҳисобланган бир кишининг қонунда белгиланган вақт меъёри.

4. Меҳнатнинг мавсумийлик коэффициенти. Унинг миқдорини маълум муддат давомида (йил, чорак, ой) энг кўп иш кунини шу даврдаги энг кам иш куни миқдorigа тақсимлаш натижасида ҳисоблаш мумкин. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$M_{\text{м.к}} = \frac{M_{\text{к.и.к}}}{M_{\text{к.и}}} \quad (4)$$

Бунда: $M_{\text{м.к}}$ - меҳнатнинг мавсумийлик коэффициенти; $M_{\text{к.и.к}}$ - маълум муддатдаги энг кўп иш куни; $M_{\text{к.и}}$ - маълум муддатдаги энг кам иш куни.

Меҳнатнинг мавсумийлик коэффициенти миқдorigа 1-1,2 атрофида бўлгани мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги вақтда унинг миқдorigа 1,6-1,8 га тенг бўлмоқда. Бу меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқариш жараёнида бир меъёрда иштирок этмаётганлигидан далолат беради.

5. Ишлаб чиқариш тармоғида банд бўлган меҳнат ресурсларининг халқ хўжалиги тармоғидаги салмоғи, у қуйидагича аниқланади:

$$T_{\delta, \text{м.с}} = \frac{T_{\delta, \text{м.м}}}{X_{\delta, \text{м.м}}} \times 100 \quad (5)$$

Бунда: $T_{\delta, \text{м.с}}$ - тармоқда банд бўлган меҳнат ресурсларининг салмоғи, (фоиз); $T_{\delta, \text{м.м}}$ - тармоқда банд бўлган меҳнат ресурслари миқдори; $X_{\delta, \text{м.м}}$ - халқ хўжалиги миқёсида банд бўлган меҳнат ресурсларининг умумий миқдори.

6. Меҳнат қайтими, бир сўмлик иш ҳақиға тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини тавсифлайди ва қуйидагича ифодланади:

$$M_{\kappa} = \frac{M_{\gamma}}{I_{\gamma, \phi}} \quad (6)$$

Бунда: M_{κ} - меҳнат қайтими; M_{γ} - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми; $I_{\gamma, \phi}$ - мазкур турдаги меҳнатни бажариш учун сарфланган (сарфланадиган) иш ҳақи фонди.

7. Меҳнат сиғими, меҳнат унумдорлигига тескари кўрсаткич бўлиб, бир сўмлик тушумға тўғри келадиган меҳнат сарфини ифодалайди. У қуйидагича ифодланади:

$$M_{\epsilon} = \frac{I_{\gamma, \text{с}}}{M_{\gamma}} \quad (7)$$

Бунда: M_{ϵ} - меҳнат сиғими; $I_{\gamma, \text{с}}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришға сарфланган меҳнат сарфи.

8. Ўртача меҳнат ҳақи, иш ҳақи жамғармасининг ходимлар ўртача сонига нисбати билан аниқланади.

$$Y_{\text{м.х}} = \frac{I_{\gamma, \text{жс}}}{Y_{\text{и.с}}} \quad (8)$$

Бунда: $Y_{\text{м.х}}$ - ўртача меҳнат ҳақи; $I_{\gamma, \text{жс}}$ - иш ҳақи жамғармаси; $Y_{\text{и.с}}$ - ишловчиларнинг ўртача йиллик сони.

9. Меҳнат унумдорлиги ўсиш суръати ва маҳсулот меҳнат сиғимининг пасайиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қуйидаги формула билан ифодаланади [3]:

$$M_{\gamma, \phi} = \frac{M_{\epsilon} \times 100}{100 - M_{\epsilon}} \quad (9 \text{ а}) \quad \text{ёки}$$

$$M_{\epsilon, \text{п}} = \frac{M_{\epsilon} \times 100}{100 + M_{\gamma, \phi}} \quad (9 \text{ б})$$

Бунда: $M_{\gamma, \phi}$ - меҳнат унумдорлигининг базис даврига нисбатан даражаси (%); $M_{\epsilon, \text{п}}$ - меҳнат сиғимининг базис даврига пасайиши (%).

10. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат унумдорлигининг умумий ўсиши ($M_{\gamma, \gamma}$) ишлаб чиқарилган якуний маҳсулот ҳажмининг ошиши ва ишловчилар сонининг камайиши ҳисобига бўлади ҳамда у қуйидагича аниқланади:

$$M_{\gamma, \gamma} = \frac{100 (I_{\text{м.х}} + I_{\epsilon})}{100 + I_{\epsilon}} \quad (10)$$

Бунда: $I_{\text{м.х}}$ - корхонада жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқаришни ўсиш ҳажми фоизи; I_{ϵ} - корхоналарда ишловчилар сонининг камайиш фоизи.

11. Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида қанча қисми меҳнат унумдорлигининг ошиши ва қанчаси қўшимча ресурсларни жалб қилиш эвазига бажарилишини ифодаловчи кўрсаткич билан аниқланади. Бу кўрсаткич интенсив омил ҳиссаси ($I_{\text{о.х}}$) формуласи деб юритилади.

$$I_{\text{о.х}} = \left(1 - \frac{I_{\epsilon, \gamma}}{I_{\text{м.х}, \gamma}} \right) \times 100 \quad (11)$$

Бу ерда: $I_{\text{о.х}}$ - интенсив омил ҳиссаси; $I_{\epsilon, \gamma}$ - ишчилар сонининг қўшимча ўсиши; $I_{\text{м.х}, \gamma}$ - маҳсулот ҳажмининг қўшимча ўсиши.

Мамлакатимизнинг ўзига хос демографик жараёнларини ҳисобга олганда, яъни аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги муносабати билан меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммоси келиб чиқадики, мазкур муаммони ҳал қилиш учун биринчи навбатда республика меҳнат салоҳиятининг сифат ва миқдорий таъминлаш керак. Ана шундагина меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мумкин.

Жамшид ТУХТАБАЕВ,

Тошкент давлат иқтисодий университети
доценти, и.ф.ф.д. (PhD).

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов Қ.Х. "Меҳнат иқтисодиёти" (Дарслик). - Т.: ТДИУ, 2019. - 47 б.
2. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 12.11.2013 йилдаги 02-05/3032-сонли йўриқномаси.
3. Тухтабаев Ж.Ш. Корхоналарда меҳнат самарадорлигини оширишнинг методологик асослари. Монография. - Т.: "Фан ва технология", 2017. - 198 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг илмий-назарий асослари ва ўзига хос хусусиятлари чуқур таҳлил этилган.

Аннотация: В статье глубоко анализируются научно-теоретические основы и особенности осуществления инвестиционной деятельности в Узбекистане.

Annotation: In the article, the scientific theoretical basis and specific features of the implementation of investment activities in Uzbekistan are deeply analyzed.

Кириш. Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларини бозор муносабатлари асосида ташкил қилиш босқичи ва жараёнларида ҳўжалик юриштининг турли мулкчилик шаклларидаги ташкилий-ҳуқуқий субъектлари ривожланиб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) қийматида давлат мулкнинг салмоғи камайиш, нодавлат сектори улуши эса ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Натижада, ЯИМ қийматида даромадлар таркиби ўзгариб, капитал маблағларнинг марказлашган тақсимотидан инвестициянинг бозор шаклларига ўтиш жараёнига нодавлат корхона ва ташкилотларини, шунингдек, хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри инвестицион фаолиятларга кенгроқ жалб қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратмоқда. Бунинг самараси ўлароқ Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион фаолиятни тобора фаоллаштиришда давлатнинг бевосита инвестор сифатидаги роли ва ўрни камайиб, хусусий инвесторларнинг тараққий этиб боришида кузатиш мумкин.

Бу эса, ўз навбатида, янги институционал тузилмаларнинг пайдо бўлиши, инвестицион инфратузилма субъектлари, яъни тижорат банклари, махсус молия-кредит инвестиция институтлари кабиларнинг шаклланиши билан ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ривожланишнинг узок муддатга мўлжалланган концепциялари ишлаб чиқиши, бу борада биринчи қадам сифатида Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари қабул қилиниб, мазкур дастурларни молиялаштириш фонди ташкил этилиши таъкидланди. Бунда иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан бири эканлиги эътироф этилди[1].

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Ўзбекистонлик олимлар: «Инвестиция – бу мулк шаклидан қатъи назар тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир» [2].

Фикримизча, юқорида келтирилган муаллифларнинг «Инвестиция» тушунчасига берган таърифлари ҳозирги шароитга ва бозор иқтисодиёти талабларига мос келади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Д.Ф.Ғозибеков инвестицияларни даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган барча турдаги мулк ва интеллектуал бойликлар деб таърифлайди.

Барча таърифлар инвестициянинг иқтисодий мазмунини очиб берган. Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, профессор А.Улмасовнинг таъкидлашича, инвестициялар фақат ишлаб чиқариш соҳасига қўйиладиган маблағларни ҳисобга олади.

Шу ўринда инвестицион фаолиятни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг таҳлили юзасидан иқтисодчи олимларнинг фикр ва мулоҳазаларига тўхталадиган бўлсак, инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг бозор механизмларини назарий жиҳатлари қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Масалан, проф. Я.Миркиннинг фикрига қўра [3], инвестицияларни молиялаштиришнинг реал, истиқболли шакли компанияларнинг жамғармаларини иккиламчи бозордан акциядорлик капиталига жойлаштиришни кўпайтириш ҳисобланади, аммо инвестицияларни молиялаштиришнинг манба даражаси жуда паст.

Таниқли иқтисодчи олимлардан У. Шарп [4] ҳам инвестиция фаолиятини фонд бозори орқали молиялаштириш механизмига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрига кўра, қимматли қозғаларнинг даромадлилиги ва рисклилиги ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқага эга бўлган оқилон инвестицион стратегия инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг асоси ҳисобланади. Молиявий воситачилар (тижорат банклари, жамғарма ва кредит уюмлари, кредит иттифоқлари, суғурта компаниялари, ўзаро ёрдам фондлари, пенсия фондлари) эса, корпорацияларни фонд бозоридан қўшимча маблағлар жалб қилиш имкониятини билвосита таъминлайди.

Фикримизча, Я.Миркиннинг фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизми хусусидаги фикри алоҳида илмий-амалий аҳамият касб этади. Бунинг боиси шундаки, кўпчилик МДХ мамлакатларида корпоратив акция ва облигацияларга қилинадиган инвестицияларнинг риск даражаси юқорилиги ва инвесторлар ишончининг пастлиги фонд бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар эканлиги қатор илмий изланишларда ўз ифодасини топган. У.Шарпнинг инвестицион фаолиятни молиялаштиришда молиявий воситачиларнинг роли хусусидаги фикрига мувофиқ, улар инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг фаол субъектларидан бири ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон иқтисодиётида 2020 йилда мамлакатлар томонидан тўғридан- тўғри инвестицияларнинг жалб этиш кўлами 1868 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 2021 йилда эса бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 30,6 фоизга пасайиб, унинг ҳажми 1430 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Хусусан, бу пасайишнинг ҳиссаси кўпроқ иқтисодиёти ривожланган давлатларга (27 фоизга камайган), иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга (17 фоизга камайган), ҳудудий жиҳатдан эса

пасайишнинг катта улуши Шимолий Америка давлатлари (33 фоизга камайган) ва Европа мамлакатлари (27 фоизга пасайган) ҳиссасига тўғри келди.

2021 йилда жаҳондаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2020 йилга нисбатан 20 фоизга қисқариб, 1188 млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

Республика иқтисодиёти тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори қўшилган қийматли экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш белгиланган. Шунингдек, жойларда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2023-2025 йилларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларни ўзлаштиришнинг йўғма мақсадли кўрсаткичлар шакллантирилган.

1-жадвал.

2023-2025 йилларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларни ўзлаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари
(млрд. сўм)

Молиялаштириш манбалари	2023-2025 йилларда жами	шундан:		
		2023 йил	2024 йил	2025 йил
Жами капитал қўйилмалар	1 214 970	352717	403038	459215
<i>шу жумладан:</i>				
Марказлашган инвестициялар:	193 587	55 538	65 622	72 428
Бюджет маблағлари	83 360	25 886	28 074	29 400
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	11 170	3 171	3 454	4 545
млн. АҚШ долларида	873	267	271	335
Давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар	99 057	26 481	34 094	38 483
млн. АҚШ долларида	7 737	2 225	2 675	2 837
Марказлашмаган инвестициялар:	1 021 383	297179	337416	386788
Корхоналар маблағлари	326 814	93 930	107534	125350
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	197 010	57 696	64 782	74 532
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	401 466	116193	133200	152073
млн. АҚШ долларида	31 425	9 764	10 452	11 209
Аҳоли маблағлари	96 093	29 360	31 900	34 833

Иқтисодийetni модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда инвестиция сиёсатининг таъсирини янада кучайтиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакат иқтисодийетига сарфланаётган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш, технологик, тармоқ, минтақа, молиялаштириш манбалари, мулк шакллари таркибларини такомиллаштириш мақсадида иқтисодийetni модернизациялаш жараёнларини янада чуқурлаштириш учун инвестицион фаоллиқни ошириш зарур.

2. Хомашё, яримфабрикатлар билан тугалланган тайёр, қўшилган қийматни ўзида мужассамлаштирган истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбатни юқори технологияли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига ўзгартириш мақсадида инвестицияларни капитал сифимкорлиги юқори бўлган тармоқлар (ёқилғи энергетика, металлургия ва

кимё саноати)дан қайта ишлаш тармоқларига устун даражада йўналтириш;

3. Корхоналарнинг инвестицион фаоллигини ошириш учун уларнинг молиялаштириш манбалари ва имкониятларини бозор муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган банк кредитлари, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан кўпайтириш.

4. Аҳолининг жамғармаларини банк тизимига бўлган ишончни кўпайтириш асосида инвестицион фаоллигини янада ошириш. Кичик бизнес корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта куrollантириш, модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида банк-кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уй-жой қурилиши, оилавий тадбиркорликни кредитлашни рағбатлантириш зарур.

Комола МАХКАМОВА,

Тошкент архитектура-қурилиш университети магистранти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи». 2021 йил 22 декабрь.

2. Жураев ва бошқ. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланмаси /Муал.: А.С.Жураев, Д.Ю. Хужамқулов, Б.С. Маматов. Акад. М.Шарифхужаев таҳрири остида. Т.: «Шарқ», 2003. 18 бет.

3. Миркин Я. Рынок ценных бумаг России: воздействие фундаментальных факторов, прогноз и политика развития. — Москва: Альпина Паблицер. 2002. — С. 117.

4. Шарп У. и др. Инвестиции. Пер. с англ. — М. ИНФРА-М, 2001. — С. 9-10.

UO'T: 631.15

TADQIQOT

QISHLOQ XO'JALIGIDAGI XAVF-XATARLARNING OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGIGA TA'SIRI

Аннотатсия. Мақоллада қишлоқ xo'jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish holati va uning oziq-ovqat xavfsizligiga ta'siri tahlil qilinib, muammolarni bartaraf etish bo'yicha takliflar berilgan.

Аннотация. В статье анализируется состояние производства сельскохозяйственной продукции и его влияние на безопасность пищевых продуктов, а также предлагаются предложения по решению проблемы.

Qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi doimiy xavf-xatarlarga to'la. Shu sababdan ham xavf-xatar haqidagi assimmetrik ma'lumotlarni boshqarishni uddalay olmagan qishloq xo'jaligi tovar ishlab chiqaruvchilari yakunda zarar ko'rishadi yoki yilni juda past foyda bilan yakunlashadi. Qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishida assimmetrik ma'lumotlar sirasiga bozor haqidagi marketing ma'lumotlari, hukumat qarorlarining o'zgarishi, ishchilarning

hatti-harakatlaridagi o'zgarishlar, hattoki ob-havo haqidagi bashorat ma'lumotlarni kiritish mumkin. Bunday ma'lumotlarga o'z vaqtida ega bo'lgan yuqori malakali menejer — fermerlar ishlab chiqarishlari yuqori o'sishga erishsa, aksincha holatda zarar va inqirozga mahkum bo'lishadi.

Bozor munosabatlari sharoitida iqtisodiy xavf-xatarni hisobga olish va baholash, boshqaruv nazariyasi va amaliyotining muhim tarkibiy qismi

sifatida mustaqil nazariy, amaliy ahamiyat kasb etadi. Aksariyat boshqaruv qarorlarini xavf-xatar sharoitida qabul qilinishi bir qator — to'liq axborotlarning mavjud emasligi, o'zaro qarama-qarshi g'oyalar, ehtimollik elementlari va boshqa ko'pgina omillar bilan bog'liq. Ma'lumki, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishidagi yutuqlar, ko'p hollarda qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishidagi yutuqlari, ko'p hollarda qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi faoliyatining tanlangan strategiyasining qanchalik to'g'ri va asosli ekanligiga bog'liq. Bunda jiddiy vaziyatlar hisobiga olinishi lozim. Qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi faoliyatini esa xavf-xatarsiz tasavvur etish, iqtisodiy savodsizlik bo'lur edi.

Umumjahon amaliyotida qabul qilingan qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi va ishbilarmonlik faoliyati to'g'risidagi qonunchilik-tadbirkorlik bu mulkiy mas'uliyat va o'zining tavakkalchiligi bilan amalga oshiriluvchi, daromad olishga yo'naltirilgan fuqarolar va ular guruhning mustaqil, tashabbus faoliyati, — deb belgilanadi.

Ko'p hollarda qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi; mustaqillik, tashabbuskorlik, mas'uliyatlilik, faol izlanuvchanlik, jo'shqinlik, chaqqonlik kabi xislatlar bilan tavsiflanadi. Bu xislatlarning yagona jamlamasi iqtisodiy faoliyatiga xos bo'lib, to'liq asosli holda tadbirkorlik yoki biznes deyiladi. Tadbirkor uzluksiz ravishda o'z hatti-harakatlarini (mazmunan mehnat yutuqlarini ta'minlash uchun takomillashtirib boradi, chunki yutuqlar mahsulotlarini texnologiyalarni, tovar sifatini o'zgartirishga, tabiiyki narx, iste'molchilar doirasi va ko'pgina boshqa omillarga bog'liq). Muammolarning yechimini turli yo'llarini topish,

tanlangan va o'zgartirish faqat muqobil variantlar mavjudligidagina mumkin bo'ladi. Shuning uchun tadbirkorlikning zaruriy shart izlanish va xilma-xillik holatida iqtisodiy faoliyatining usullarini tanlashda erkinlikda ko'rinadi. Qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini xavf-xatarsiz tasavvur etish mumkin emas.

Qoraqalpog'iston Respublikasi O'zbekistonning shimolida joylashgan keng va qurg'oqchil hudud hisoblanadi. Respublikada qishloq xo'jaligining oziq-ovqat xavfsizligiga ta'siri o'rganildi (1-jadval).

Ma'lumotlar tahlili shuni ko'rsatmoqdaki, Qoraqalpog'iston Respublikasi qishloq xo'jaligida yetishtirilayotgan va oziq-ovqat sirasiga kiradigan faqatgina 8 turdagi mahsulotning 7 turidan hudud o'zini-o'zi ta'minlay olmaydi. Respublikada yetishtiriladigan g'alla mahsulotlari 67% un chiqimi me'yori (aslida o'rtacha 67-70%) asosida un mahsulotiga aylantirilganida, 2022 yilda o'rganilgan talab — 336,0 ming tonnani tashkil etsa-da, yetishtirilgan mahsulot - 111,2 ming tonnani tashkil etgan, natijada un mahsulotlariga bo'lgan talabning - 224,8 ming tonnasi boshqa hududlar va import hisobidan qoplanmoqda. Go'sht iste'moli me'yori kishi boshiga yillik - 70 kilogrammni tashkil etadi, aholi soni bo'yicha bu ko'rsatkich 138,3 ming tonnani tashkil etadi, Respublika qishloq xo'jaligida ishlab chiqarish - 120,5 ming tonnani tashkil etib, taqchillik - 17,8 ming tonnani tashkil etgan. Ushbu jadvalda iste'mol miqdori minimal shaklda hisoblanishiga qaramasdan Sut va sut mahsulotlarida - 307,1 ming tonna, tuxum ishlab chiqarishda - 403,5 mln dona, kartoshka yetishtirishda - 8,2 ming tonna, mevachilikda - 93,2 ming tonna, uzumchilikda - 146,6 ming

1-jadval.

Qoraqalpog'iston Respublikasida oziq-ovqat resurslariga talabning qondirilishi holati*

№	Mahsulotlar turlari	Minimal iste'mol me'yori (kg/kishi)**	2022 yil, ming tonna (mln dona)		
			Mavjud talab	Ishlab chiqarilgan	Taqchillik
1.	Non va non mahsulotlari (unga aylantirilganda)	170	336,0	111,2***	-224,8
2.	Go'sht mahsulotlari (so'yilgan vaznda)	70	138,3	120,5	-17,8
3.	Sut va sut mahsulotlari	375	741,1	434	-307,1
4.	Tuxum (dona)	400	790,5	387	-403,5
5.	Kartoshka	50	98,8	90,6	-8,2
6.	Meva	80	158,1	64,9	-93,2
7.	Uzum	80	158,1	11,5	-146,6
8.	Sabzavot va poliz	166	328,1	488,1	160,0

*Qoraqalpog'iston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi ma'lumotlari

**Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan belgilangan me'yorlar asosida

*** G'alla ishlab chiqarish miqdori 67% ko'rsatkich bilan unga aylantirilib hisoblandi

tonna taqchillik mavjudligini ko'rsatdi. Faqatgina sabzavot va polizchilikda - 160,0 ming tonna ijobiy holat borligini ko'rsatdi.

Qishloq xo'jaligi nafaqat aholini muhim oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlaydi, sanoatni xomashyo bilan, shuningdek, chorvachilikni muhim bo'lgan ozuqa bilan ta'minlashini inobatga olsak, faqatgina oziq-ovqatda taqchillikning mavjudligi sanoat va boshqa tarmoqlarning ham rivojlantirish imkonini bermaydi.

Qishloq xo'jaligidagi mavjud xavf-xatarlarni bartaraf etish orqali qishloq xo'jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish miqdorini ko'paytirish uchun bir qator tadbirlarni amalga oshirish zarur deb hisoblaymiz:

1. Avvalo, Qoraqalpog'iston Respublikasining o'z hududida qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishni ko'paytirish. Buning uchun qishloq xo'jaligidagi quyidagi muammolarni bartaraf etish zarur deb hisoblaymiz:

a) Suv resurslari taqchilligini bartaraf etish. Suv resurslari taqchilligi nafaqat hududda, balki Markaziy Osiyoda yildan-yilga chigallashib borayotgan muammo hisoblanadi. Shu sabab, Markaziy Osiyoda suv

tejavchi texnologiyalarni jadal joriy etmas ekanmiz, muammo bartaraf etilmaydi.

b) Yer resurslarining sho'rlanishini pasaytirish. Yer resurslariga fizik, biologik va shu kabi ko'rinishlarda ishlov berish, sho'r yuvish kabi tadbirlarni amalga oshirish, endi sho'rlanib borayotgan hududlarni asrash va hokazo tadbirlarni amalga oshirish.

d) Yangidan madaniylashtirilayotgan hududlarni yashil massasini ko'paytirish orqali chorvachilik uchun sharoit yaratish hisobiga chorvachilik mahsulotlari ishlab chiqarishni ko'paytirish

e) Qoraqalpog'istonga xos va unga yangi bo'lgan biologik turlarni ko'paytirish orqali ov mavsumida go'sht, teri va shu kabi mahsulotlarni ko'paytirish zarur.

2) Respublika ehtiyoji uchun zarur bo'lgan mahsulotlarni boshqa viloyatlardan keltirish hisobiga ehtiyojni qondirish.

Maqolada bildirilgan takliflarni amaliyotga joriy etish orqali oziq-ovqat xavfsizligi ta'minlanishiga o'z hissamizni qo'shishdan mamnunmiz.

Saylaubay DANIYAROV,
mustaqil izlanuvchi, QarDU.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017 yilgi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 22.12.2017. www.president.uz
2. Шумпетер Й. Теория экономического развития / Пер. с нем. В.С.Автономова, М.С.Любского, А.Ю.Чепуренко.—М.: Прогресс, 1982. — 72 с.
3. Qoraqalpog'iston Respublikasi Statistika boshqarmasi ma'lumotlari. 2013-2022 yillar.
4. www.worldbank.org – Jahon banki "Qishloq xo'jaligi va oziq-ovqat" sahifasi ma'lumoti. 30.09.2022.

UO'T: 330.322

TADQIQOT

QISHLOQ XO'JALIGINI MODERNIZATSIYALASHGA INVESTITSIYA KIRITISHDA XORIJ TAJRIBALARIDAN FOYDALANISH

Annatsiya. Maqolada xorijiy mamlakatlar agrar sektori rivojlanishida fermerlar kooperativlari, qishloq rivojlangan xorijiy mamlakatlarda fermer xo'jaliklari kooperatsiyalarini tashkilot ish tajribalari, yo'nalishlarda rivojlantirishi va boshqarilishi yoritilgan.

Аннотация. В статье описано развитие и управление кооперативами фермеров в условиях развития аграрного сектора зарубежных стран, развитие и управление кооперативами фермерских хозяйств в зарубежных странах с развитой сельской местностью.

Annotation. The article describes the development and management of cooperatives of farmers in the development of the agricultural sector of foreign countries, the development and management of cooperatives of farms in foreign countries with developed rural areas.

Xorijiy mamlakatlar agrar sektori rivojlanishida fermerlar kooperativlari, fermerlar ittifoqlari, oilaviy fermerlar o'z tarkibida omborxonalar, asbob-

uskunalar, kompyuter texnologiyalari mavjud bo'lgan assotsiatsiyalar katta rol o'ynamoqda.

Fermerlar ittifoqi va assotsiatsiyalar milliy,

mahalliy darajada bir-biri bilan mustahkam aloqada faoliyat yuritadi hamda fermer xo'jaliklariga xizmat ko'rsatadi. Birinchidan, qishloq xo'jaligini rivojlantirishning umumiy siyosiy yo'nalishlari bo'yicha (mahalliy, hukumat va parlament tomonidan ilgari surilayotgan) maslahatlar berish, ikkinchidan esa, texnik va texnologik muammolar yechimi ta'minlanishiga yordam beradi. Fermerlar birlashmasi ichida turli darajada maslahat markazlari tuziladi. Milliy qishloq xo'jaligi maslahat (konsalting) markazi, joylardagi markazlarning axborot ma'lumotlari, shuningdek, ishlab chiqarishdagi ilg'or tajribalar bo'yicha ma'lumotlar bilan ta'minlab turadi. Bunday maslahat markazlarining asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

Qishloq xo'jaligi mahsuloti ishlab chiqaruvchilarga ishlab chiqarish uslublarini takomillashtirishda yordam ko'rsatish;

Chorva mollari naslini yaxshilash;

- fermerlarga qishloq xo'jaligi ekinlari zararkunandalari va kasalliklariga qarshi kurashish tadbirlarida yordam ko'rsatish;

- fermerlar uchun o'quv kurslari tashkil qilish;

- fermerlarni ilmiy yangilik ma'lumotlari bilan ta'minlab turish;

- moliya va soliq tizimi uchun kerakli ma'lumotlar tayyorlashni tashkil qilish.

Qishloq xo'jaligini boshqarish xorij tajribasiga ko'ra quyidagi yo'nalishlarda olib boriladi. Masalan: Angliyada fermer xo'jaligi quyidagicha boshqariladi:

- ishlab chiqarish jarayonini boshqarish;
- biznesni boshqarish;
- moliyani boshqarish;
- marketingni boshqarish;
- xodimlarni boshqarish;

Ma'lumki, dehqonchilikda yuqori daromad olish yer maydonining kattaligiga emas, balki undan unumli foydalanishga bog'liq. Buning uchun dehqondan boy tajriba va mehnat talab qilinadi. Ayni masalada yapon fermerlarining ish uslubini misol qilsa bo'ladi. Yaponiyada fermerga o'rtacha 1. 84 gektar yer to'g'ri keladi. Ular yerdan yuqori hosil olish bilan birga mahsulotning ekologik toza bo'lishiga ham katta e'tibor beradilar. Mineral o'g'itlardan kam foydalanishadi, gerbitsid va funksiyalarni esa umuman ishlatishmaydi. Asosan organik o'g'itlar, mol va parrandalar go'ngini qo'llashadi. Turli chiqindilar va daraxt barglari qayta ishlanib, fermerlarga, o'g'it sifatida foydalanishga beriladi.

Yaponiyadagi mavjud yerning 13 foizi qishloq xo'jaligiga ajratilgan bo'lib, fermerlar yetishtirilgan mahsulot aholining 40 foizigagina yetadi. Shuni aytish kerakki, yapon fermerlari mahsulotni asosan issiqxonada yetishtiradilar. Bu ularga sabzavot, poliz va mevali daraxtlarga sun'iy ta'sir ko'rsatib, ularning pishishini tezlatish yoki kechiktirish imkonini beradi. Natijada, mahsulot narx ko'tarilgan paytda bozor yuzini ko'radi. Masalan, mango mevalari tabiiy holda aprel-iyul oylarida pishadi. Bu vaqtda bozor turli mevalarga to'kin va narx past bo'ladi. Agar mangoning pishishini noyabr oyiga qadar kechiktirilsa, unga talab kuchayadi va qimmat narxda sotiladi. Buning uchun ular issiqxona ustiga qo'shimcha to'rsetka tortadilar.

Gulchi fermerlar ham narxlar ko'tarilishini mo'ljallab, mahsulot yetishtiradilar. Ular mevali daraxtlarni payvandlash yo'li bilan o'z sharoitlariga mos, chidamli va serhosil navlarni yaratganlar. U erda nafaqat tsitrusli daraxtlar, balki, sabzavot va poliz ekinlari ham payvandlanadi.

Ochiq maydondagi yerlar 50 sm chuqurlikda haydalib, so'ng tekislanib ekiladi.

Yaponiyada har bir fermerda yer pasporti bo'lib, unda ekin maydoni, yerning oziq moddalar bilan ta'minlanganlik darajasi ko'rsatiladi. Yapon fermerlarining ishbilarmonligi izlanuvchanligi, ma'suliyatni to'liq anglay bilishlari yuqori moddiy manfaatdorlikni ta'minlaydi. Yaponiya fermer xo'jaliklarini boshqarish bo'yicha yapon tajribalarini O'zbekiston respublikasida fermer xo'jaliklarini rivojlanishi jarayonida qo'llash mumkinligini ko'rsatib ishlab chiqarishga jalb qilish zarur.

Rivojlangan xorijiy mamlakatlarda fermer xo'jaliklari kooperatsiyalarini tashkilot ish tajribalari o'rganildi. Tahlillar ko'rsatadiki, ko'plab xorijiy mamlakatlarda fermer xo'jaliklari milliy iqtisodiyotning muhim tarkibiy qismi bo'lib, uni rivojlantirish davlat iqtisodiy siyosatining ustuvor yo'nalishi hisoblanadi. Masalan, Germaniyada 4,2 mingdan ortiq mustaqil tovar ishlab chiqaruvchi, qayta ishlovchi va xizmat ko'rsatuvchi huquqiy maqomga ega kooperativlar Fridrix Vilgelm Rayffayzen tamoyili asosida faoliyat ko'rsatib kelmoqda. Rayffayzen tamoyili– o'zaro yordam, qo'llab-quvvatlash, o'z-o'zini boshqarish, natija uchun jamoa mas'uliyati, raqobat qobiliyatini saqlab qolish kabilarni o'z ichiga oladi. Mamlakatdagi deyarli barcha fermerlar ushbu tamoyilni tanolgan holda bir yoki bir necha kooperativlarning a'zolari hisoblanadi.

Xorijiy mamlakatlar qishloq xo'jaligida kooperatsiyaning o'rni [2]

Ko'rsatkichlar	G'arbiy Yevropa	AQSH	Kanada	Avstraliya	Skandinaviya davlatlari	Yaponiya	Xitoy
Kooperatsiya asosida birlashgan fermerlarning salmog'i, %	60-80	60-80	60-80	60-80	Deyarli hamma	Deyarli hamma	80
Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishda kooperatsiyaning salmog'i, %	60	86	85	60	85	90	65

Hozirgi paytda Rayffayzen kooperativlari homiylik qilish, mahsulot turlarini ko'paytirish, fermer xo'jaliklariga xizmat qilishni yanada yaxshilash, iste'molchilarni xaridorgir sifatli mahsulotlar bilan ta'minlash yo'nalishida faoliyat ko'r satmoqda.

Kanada davlatining agrar siyosati ham tovar ishlab chiqaruvchilarning qayta ishlash, ulgurji, ba'zida chakana savdo sohasida birlashishlariga qaratilgan[1]. Hozirgi paytda ushbu kooperatsiyalar huquqiy asosga ega bo'lib, tovar ishlab chiqaruvchilar faoliyatining umumiy tan olingan hayotiy me'yorlariga aylangan [2].

Xorijiy mamlakatlarda fermer xo'jaliklarini moddiy-texnika resurslari bilan ta'minlashga ixtisoslashgan kooperativlar ham rivoj topgan. Evropa Ittifoqi mamlakatlarida qishloq xo'jaligi tovar ishlab chiqaruvchilarini ishlab chiqarish vositalari bilan ta'minlashning 50%, Skandinaviya davlatlari (Shvetsiya, Norvegiya, Finlyandiya)da - 60%, AQShda - 26% kooperativlar ulushiga to'g'ri keladi.

Umuman olganda, chet mamlakatlarda fermer xo'jaliklarining kooperatsiyalarga birlashishi

an'anaga aylangan va bu o'z samarasini bermoqda (1-jadval).

Bu esa kooperatsiyaning naqadar zarurligini va uning jamiyatlardagi o'rni va ahamiyati beqiyos ekanligini ko'rsatib turibdi. Shu bilan birga, ta'kidlash o'rinli ki, hech bir fermer mahsulot yetishtirish, uni sotish va saqlash muammolarini mustaqil hal etishga qodir emas.

Fermer xo'jaliklari mahsulotlarini sotishni tashkil etish tahlillari shuni ko'rsatdiki, O'zbekistonda savdo va vositachilik xizmati yaxshi yo'lga qo'yilmaganligi, fermer xo'jaliklarining barqaror sotish kanallariga ega emasligi, ortiqcha vaqt va mablag' sarflash kabi muammolarni yuzaga keltirmoqda. Ana shulardan kelib chiqqan holda, xorijiy tajribalarni hisobga olib, kooperatsiyaga asoslangan ixtisoslashgan fermer xo'jaliklari uyushmalarining hududiy boshqaruv tuzilmalarini tashkil etishni tavsiya etadi.

Gozal ALIEVA, dotsent, i.f.f.d. (PhD),
Quwatbay ONGARBAYEV, magistrant,

Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti.

ADABIYOTLAR

1. Tashmatov R.X. Fermer xo'jaliklari kooperatsiyasi va bozor infratuzilmalari rivojlanishini boshqarish: i.f.n. ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. – T., 2010. – B. 12-13
2. Alexandrina Maria Pauceanu PhD. "Entrepreneurship in the Gulf Cooperation Council" Guidelines for Starting and Managing Businesses. www.sciencedirect.com/science/book/9780128112885, <https://doi.org/10.1016/B978-0-12-811288-5.00001-4>
3. Ўзбекистон республикасининг қонуни. Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида. Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган/
4. Vaxabov A.V., Xajibakiev Sh. X., Muminov N. G. Xorijiy investitsiyalar. T.: Moliya – 2010. 328 b.

O'ZBEKISTONDA SANOAT KORXONALARINING IQTISODIY XAVFSIZLIGIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLARNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada O'zbekistonda sanoat korxonalarining iqtisodiy xavfsizligiga ta'sir etuvchi omillarning ilmiy-nazariy asoslari yoritib berilgan. Shuningdek, sanoat korxonalarining iqtisodiy xavfsizligiga salbiy ta'sir etuvchi omillar va sanoat korxonalarining iqtisodiy xavfsizligiga ta'sir etuvchi omillarning o'rgangan olimlarning ilmiy-nazariy qarashlari yoritib berilgan.

Аннотация. В данной статье описаны научно-теоретические основы факторов, влияющих на экономическую безопасность промышленных предприятий Узбекистана. Также выделены факторы, негативно влияющие на экономическую безопасность промышленных предприятий и научно-теоретические взгляды ученых, изучавших факторы, влияющие на экономическую безопасность промышленных предприятий.

Annotation. This article describes the scientific-theoretical basis of the factors affecting the economic security of industrial enterprises in Uzbekistan. Also, the factors that negatively affect the economic security of industrial enterprises and the scientific and theoretical views of scientists who have studied the factors that affect the economic security of industrial enterprises are highlighted.

Kirish. Hozirgi jahon iqtisodiyot ilmda va mamlakatlar iqtisodiy siyosatida iqtisodiy xavfsizlikni ta'minlash muammolariga jiddiy e'tibor berilishi ushbu mavzuning dolzarbligidan darak beradi. Hozirgi dunyoda tartib-qoidalar o'zgarib borayotgan sharoitda geosiyosiy ta'sir doiralari «qayta taqsimlash»ga urinishlar kuzatilmoqda, bu esa xalqaro huquq universal prinsiplarining buzilishiga va jahonda strategik mavhumlikning kuchayishiga sabab bo'lmoqda. Globallashuvning muqarrarlik xususiyati, uning bir tomondan, davlatlarning barqaror rivojlanishi uchun qulay imkoniyatlar ochib berishi, boshqa tomondan esa, iqtisodiy, oziq-ovqat, energetika, ekologiya, axborot, gumanitar xavfsizlik sohalarida to'g'ridan-to'g'ri va potensial xavf tug'dirmoqda.

Bu jarayonlar dunyo mamlakatlarining bir-biriga bog'liqligining ortib borishi, global iqtisodiyotda inqirozli vaziyatlarning yuzaga kelishi, xalqaro moliya tizimining qayta shakllanishi, iqtisodiy taraqqiyot markazi Osiyo-Tinch okeani mintaqasi tomon siljishi, turli xil yo'nalishdagi integratsion va dezintegratsion jarayonlarning chuqurlashuvi, strategik resurslar uchun kurashning kuchayishi, shuningdek, dunyoning turli mintaqalari rivojidagi nomutanosiblikning oshishi bilan izohlanadi. Iqtisodiy xavfsizlikni ta'minlash ichki iqtisodiy siyosatda quyidagi yo'nalishlardan foydalanishni taqozo etadi:

– iqtisodiyotning davlat tomonidan boshqarilishini kuchaytirish;

– islohotlarni huquqiy jihatdan ta'minlash hamda mamlakat qonun hujjatlariga rioya etilishini nazorat

qilishning samarali mexanizmini yaratish;

– ilmiy-texnikaviy, texnologik va ishlab chiqarish salohiyatini saqlab qolish hamda rivojlantirish choralari ko'rish;

– fan yutuqlaridan foydalanishga asoslangan tarmoqlar va ishlab chiqarishni ilgarilama rivojlantirishga qaratilgan iqtisodiyot tarkibidagi buzilishlarini eliminatsiya qilish;

– investitsiya va innovatsiya sohasidagi faollikni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashni oshirib borish;

– raqobatbardosh tarmoqlar va ishlab chiqarish sohalari, mulkchilik shaklidan qat'i nazar, ustuvor yo'nalish sifatida rivojlantirish uchun zarur sharoitlar yaratish; – moddiy va moliyaviy resurslarni fan va texnikaning ustuvor yo'nalishlariga jamlash;

– mamlakatdagi yetakchi ilmiy maktablarni qo'llab-quvvatlash.

O'zbekiston Respublikasi iqtisodiy xavfsizligiga tahdidlarni belgilovchi omillar monitoringi.

O'zbekiston Respublikasi iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash mexanizmining eng muhim elementlari iqtisodiy xavfsizlikka tahdidlarni belgilovchi omillarni monitoring qilish va prognozlashdir.

Adabiyotlar tahlili. Sanoat korxonalarining iqtisodiy xavfsizligiga ta'sir etuvchi omillar o'rgangan iqtisodchi olim Tohirov T.I. o'z tadqiqotida tahdidlarni tasniflashning boshqa yondashuvlari haqida umumiy ma'lumot beradi. Muallif tahdidlarni aniqlaydi:

- obyektida (mulk, axborot, texnologiya va boshqalar) joylashgan joyi (ichki va tashqi) bo'yicha;
- Ularning paydo bo'lish xususiyatiga ko'ra

(iqtisodiy, huquqiy, ekologik, raqobatbardosh va boshqalar);

- (qiyinchiliklarni keltirib chiqaradigan, muhim va halokatli) yo'qotish yoki zarar miqdori;
- ehtimollik darajasida (aql bovar qilmaydigan, ehtimoldan yiroq, ehtimol, ehtimolligi juda past);
- Vaqt bo'yicha masofa (yaqin, uzoq) va boshqa turdagi tahdidlar bo'yicha.

Fesik P.Yu., Astafieva N.S., Tabachnikova E.V.larning fikriga ko'ra, iqtisodiy ichki manbalardan kelib chiqib tahdidlar quyidagi sabablarga ko'ra yuzaga kelishi mumkin:

- korxona boshqaruv tizimining nochorligi;
- xizmatlarni ishlab chiqarish yoki yetkazib berishda texnologiyaga rioya qilmaslik;
- korxonada ijtimoiy soha va mehnatni tashkil etishga yetarlicha e'tibor berilmaganligi.

Tashqi tadbirkorlik muhitining korxonaga salbiy ta'siri tufayli iqtisodiy tahdidlarning tashqi manbalari yaratilishi mumkin.

Ushbu maqolaning bir qismi sifatida iqtisodiy xavfsizlik omillarini ko'rib chiqilgan. Sanoat korxonalariga iqtisodiy tahdidlardan biri bu logistika tarmog'i hisoblanadi va ular quyidagilardan iborat:

- O'rganilayotgan hudud aholisining ko'pchiligi uchun avtomobil transporti asosiy transport hisoblanadi. Ko'rib chiqilayotgan hududdagi aholi punktlarining aksariyatida avtomobil transporti mavjud. Hozirgi vaqtda avtomobil transportining narxi va sifati aholining hayot sifatini va mintaqadagi ijtimoiy keskinlik darajasini belgilaydi.

• Mintaqaning transport xavfsizligini tahlil qilish uchun turli omillardan foydalanish mumkin. Mintaqaning xususiyatlaridan kelib chiqib, biz quyidagi transport xavfsizligi omillarini aniqladik:

• hududiy davlat organlarining transport korxonalari bilan o'zaro munosabatlari normalari tartibini o'zgartirish;

• transport bozorida monopoliyani kuchaytirish;

• Aholining to'lov qobiliyatining pastligi;

• Turli transport turlari o'rtasidagi raqobat;

• transport korxonalari byudjetdan moliyalashtirishni qisqartirish;

• transport sohasidagi qonunchilikdagi doimiy va tez-tez oldindan aytib bo'lmaydigan o'zgarishlar;

• Fors-major holatlar: tabiiy ofatlar, falokatlar, harbiy mojarolar tashqi omillar;

• Tashish jarayonini tashkil etishdagi kamchiliklar;

• Past darajadagi boshqaruv;

• transport xizmatlari narxining o'sishi;

• Avtotransport vositalarini ta'mirlash va texnik xizmat ko'rsatishni tashkil etishdagi kamchiliklar;

• Avtotransport vositalari va ta'mirlash jihozlarining yuqori darajada eskirishi;

• Resurslarning kutilmagan xarajatlari;

• Moliyaviy resurslarning yetishmasligi;

• Ongli yoki ongsiz kvitansiya yo'qotishlari;

• aylanma mablag'lar bilan ta'minlanishning ichki omillari buzilishi.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot davomida sanoat korxonalari iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash maqsadida ilmiy tadqiqot faoliyati olib borishning mushohada, induksiya va deduksiya, dinamik qatorlar, analiz va sintez, monografik tadqiq etish, tizimli tahlil, taqqoslash va boshqa usullardan foydalanildi.

Tahlil va natijalar. Yuqoridagi olimlarning fikr va mulohazalaridan kelib chiqib, O'zbekistonda sanoat korxonalari iqtisodiy xavfsizligiga salbiy ta'sir etuvchi omillarni aniqladik, buni 1-rasmda ko'rishingiz mumkin.

tashqi omillar

• Hududiy davlat organlarining o'zaro munosabatlari normalari tartib initez-tez o'zgartirish

• transport bozorida monopoliyani kuchaytirish

• Aholining to'lov qobiliyatining pastligi

• Turli transport turlari o'rtasidagi raqobat

• korxonalari byudjetdan moliyalashtirishni qisqartirish

• qonunchilik sohasidagi doimiy va tez-tez oldindan aytib bo'lmaydigan o'zgarishlar

• Fors-major holatlar: tabiiy ofatlar, falokatlar, harbiy ziddiyatlar tashqi omillar

• Infratuzlarning yetarli darajada rivojlanmaganligi

• transport xizmatlari narxining o'sishi tashkil etishdagi kamchiliklar

ichki omillar

• Tashish jarayonini tashkil etishdagi kamchiliklar

• Past darajadagi boshqaruv

• transport xizmatlari narxining o'sishi

• Avtotransport vositalarini ta'mirlash va texnik xizmat ko'rsatishni tashkil etishdagi kamchiliklar

• Avtotransport vositalari va ta'mirlash jihozlarining yuqori darajada eskirishi

• Resurslarning kutilmagan xarajatlari

• Moliyaviy resurslarning yetishmasligi

• Ongli yoki ongsiz kvitansiya yo'qotishlari

• aylanma mablag'lar bilan ta'minlanishning buzilishi

• xodimlar bilim salohiyatining pastligi

• Asosiy vositalarning eskirishi.

1-rasm. Sanoat korxonalari iqtisodiy xavfsizligiga salbiy ta'sir etuvchi omillar tasnifi.

**KORXONA IQTISODIYOT
XAVFSIZLIGINI
BOSHQARISH
MEKANIZMINING
PRINSIPLARI**

Murakkablik printsiipi
Tizimlilik printsiipi
Adekvatlik printsiipi
Maqsadlilik printsiipi
Butunlik printsiipi
Muvofiqlik printsiipi
Dinamizm printsiipi
Ustuvorlik tamoyili
Ogohlik tamoyili
Yetarlilik printsiipi
Samaradorlik printsiipi

2-rasm. Korxona iqtisodiyot xavfsizligini boshqarish mexanizmining prinsiplari.

Bundan tashqari, korxona iqtisodiyot xavfsizligini boshqarish mexanizmining prinsiplarini ishlab chiqdik. Bu korxonalarning iqtisodiy xavfsizligiga

salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillarni bartaraf etish bo'yicha boshqaruv mexanizmini ishlab chiqdik. Buni 2-rasmda ko'rishingiz mumkin.

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib ta'kidlash kerakki, jahon iqtisodiy rivojlanishining hozirgi holatiga jamiyat xo'jalik faoliyatining har qanday sohasidagi va ishlab chiqarish munosabatlarining har qanday darajasida iqtisodiy xavfsizlik muammolarining mavjudligi xosdir. Bularning barchasi to'la darajada respublikamizdagi vaziyatga ham taalluqli. Shuning uchun, bizningcha, jamiyatimiz iqtisodiy rivojlanishida iqtisodiy xavfsizlikning ustunligi umuminsoniy qadriyatlar bilan ham, O'zbekistonning milliy xususiyatlari bilan ham ajralib turadigan ishlab chiqarish munosabatlari tizimining barcha tarkibiy qismlarida saqlanib qoladi.

Xusniddin UKTAMOV,

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
"Iqtisodiy xavfsizlik" kafedrasida
mustaqil tadqiqotchisi.

ADABIYOTLAR

1. Komolov, O.O. (2020) "Deglobalization and the "Great stagnation". International critical thought 10(3): 424-439.
2. Dwijendra, N. K. A., Jalil, A. T., Abed, A. M., Bashar, B. S., Al-Nussairi, A. K. J., Hammid, A. T., ... & Uktamov, K. F. (2022). Improving the transition capability of the low-voltage wind turbine in the sub-synchronous state using a fuzzy controller. Clean Energy, 6(4), 682-692.
3. Уктамов Х.Ф. Саноат корхоналари иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўллари. «O'zbekistonda ilm-fan va ta'lim masalalari: muammo va yechimlar» mavzusidagi 33-son. Konferensiya materiallari. 171-173 b. https://t.me/online_conference_materials
4. Hizam-Hanafiah, M.; Soomro, M.A. The Situation of Technology Companies in Industry 4.0 and the Open Innovation. J. Open Innov. Technol. Mark. Complex.2021,7,34.[CrossRef].
5. Saucedo-Martínez, J.A.; Pérez-Lara, M.; Marmolejo-Saucedo, J.A.; Salas-Fierro, T.E.; Vasant, P. Industry 4.0 framework for management and operations: A review. J. Ambient Intell. Humaniz. Comput. 2018, 9, 789–801. [CrossRef]
6. Уктамов Х.Ф. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими "Ўзбекистон молия бозорини ривожлантиришда инвестиция фондларининг жозибadorлигини ошириш" мавзусида республика илмий-назарий конференцияси. 2020 йил 29-Апрел. 461-463 б.
7. Skordoulis, M.; Ntanos, S.; Kyriakopoulos, G.L. Environmental Innovation, Open Innovation Dynamics and Competitive Advantage of Medium and Large-Sized Firms. J. Open Innov. Technol. Mark. Complex. 2020, 6, 195. [CrossRef]
8. Mittal, S.; Khan, M.A.; Romero, D.; Wuest, T. A critical review of smart manufacturing & Industry 4.0 maturity models: Implications for small and medium-sized enterprises (SMEs). J. Manuf. Syst. 2018, 49, 194–21

МИНТАҚА ЗИЁРАТГОҲ ВА ҚАДАМЖОЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. В статье указано, что в развитии туризма в стране региональные святыни и храмы уделяют особое внимание научным исследованиям на основе современных цифровых технологий, создающих основу для эффективного развития туристического рынка с целью дальнейшего повышения его социальной значимости.

Annotation. The article states that in the development of tourism in the country, regional shrines and temples pay special attention to scientific research based on modern digital technologies, which create the basis for the effective development of the tourism market in order to further increase its social significance.

Минтақа зиёратгоҳ ва қадамжолар мамлакатда туризм соҳасини ривожлантиришда, унинг иқтисодийдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва улушини янада ошириш мақсадида туризм бозорини самарали ривожлантиришга асос яратадиган замонавий рақамли технологиялар асосида илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденцияларини очиб бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш нуктаи назаридан ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан намён бўлади.

Республиканинг туризм салоҳияти, биринчи навбатда, инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, мамлакатнинг бай табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида 2018 йил 10 февралдан бошлаб Исроил давлати, Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгилаш, туристларга тегишли шарт-шароитлар яратишнинг барча чораларини кўриш, республиканинг

туризм салоҳиятини тарғиб қилиш, туризм маҳсулотларини сотишни ташкил қилиш каби вазифаларни тегишли давлат органлари ва ташкилотлари зиммасига юклаш; туризмни, авваламбор, хусусий секторда ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кўрсатилаётган хизматлар рақобатбардошлилигини ошириш, миллий туризм маҳсулотини дунё бозорида фаол ва комплекс равишда тарғиб қилиш чора-тадбирларини кўриш; 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг қулай ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодийдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган Концепцияни тасдиқлашга оид нормалар белгилаб берилди.

Юртбошимиз ва ҳукуматимиз ташаббуслари билан бугунги кунга қадар мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди ва бу ишлар макроиқтисодий кўрсаткичларда яққол кўзга ташланади. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2010-2017 йиллар давомида туризм хизматлари экспорти ҳажми икки баравар ортди ва 2017 йилда 546,9 миллион АҚШ доллари, 2018 йилда эса 1041 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2016 йилгача хорижий ташриф буюрувчилар сонининг ўсиш суръати ўртача йиллик 8 фоизни, 2017 йилда 7 фоизни ташкил қилди.

Минтақа зиёратгоҳлари бу инсонинг ўз қалбига руҳий ва маънавий сафаридир. У қалбга сафар қилиш учун инсонга маънавий озуқа керак бўлиб туради. Ички зиёрат манбалари сифатида Қуръони карим; шариф ҳадислар; буюк диний ва дунёвий алломаларнинг тарбиявий хусусиятга эга бўлган адабий ва илмий асарлари; маънавий юсак инсонларнинг панду насиҳатлари; ота-оналар; устоз ўғитлари, ўқитувчи ва мураббийлар хизмат қилади

Изланишларимиз шуни кўрсатадики, минтақа туризм соҳаларини нафакат ижтимоий-иқтисодий, балки институционал хусусиятга ҳам эга эканлиги маълум, яъни туризм соҳасига таъриф беришда ноиқтисодий-ижтимоий омиллар, яъни миллий анъаналар, урф-одатлар ва экологияни, молиявий воситаларни ҳам инobatта олиш зарур.

Юқоридаги фикрларимизга асосан минтақа зиёратгоҳ ва қадамжоларни модернизациялашда рақамли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ амалий муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагиларни тақлиф этамиз:

-Туризм соҳасида молиялаштириш жараёнларини рақамлаштириш;

-Минтақа зиёратгоҳларининг ички ва ташқи саёҳатини рақамлаштириш;

-минтақа ва соҳа бўйича билимли ва малакали кадрларни жалб этиш;

-институционал рақамлаштириш.

Минтақавий туризмнинг субъектлари сифатида ижтимоий туризмни қабул қилувчиларни аниқлаш мумкин йўналтирилган туристик хизматлар, шунингдек, туристларнинг қуйидаги туризм турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва тартибга солувчи механизмни яратиш ва турист ва саёҳатчиларнинг маънавий ва бошқа эҳтиёжларини қондира оладиган, уларнинг туризмни сақлашга ёрдам берадиган жисмоний кучини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган институционал туризм муҳити 1-расмда келтирилди.

Ҳуқуқий омиллар эса ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида барча соҳаларнинг таянчидир.

АКТ технологияларига оид омиллар бу ахборот алмашувининг янги технологияси - бу реал вақт режимида стереоскопик тасаввур тизими,

яъни «Виртуал ҳақиқийлик» ҳисобланади. Бундай тизимдан стереометрия, чизмачилик, муҳандислик графикаси каби билимлар фойдаланишга мутахассисларнинг касбий тайёргарлик савиясини янада оширади ва соҳаларнинг кенг ривожланишига хизмат қилади.

«Рақамли иқтисодиёт, бу — алоҳида фаолият тури эмас. Бу, аслида, ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматлар деганидир. «Рақамли» атамаси мазкур соҳаларнинг барчаси ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни аниқлатади».

Ҳамма вазиятда ҳам ечимни қабул қилишда ҳар бир субъектнинг альтернатив технологиялари олдинги респиентларнинг қарорлари билан солиштирилади. Лекин бундай ахборотларни рақамлаштириш анчагина қийин. Чунки туризмда рақобат ҳолатлари билан бу боғлиқдир. Туризм соҳасида янги имкониятларни очмоқдалар, лекин уларнинг амалга ошиши имитаторларнинг танлашига боғлиқ. Умуман, инновация ва модернизация жараёнини қуйидагича ёзиш мумкин.

ФТ + АТ + И.Ч. + Л + Қ + Ўзл + М + Р

бу ерда:

ФТ – фундаментал (назарий) тадқиқотлар;

АТ – амалий тадқиқотлар;

И.Ч. – ишлаб чиқишлар;

Л – лойиҳалаш;

Қ – қурилиш;

Ўзл – ўзлаштириш;

М – маркетинг;

Р – Реализация.



1-расм. Минтақа зиёратгоҳ ва ижтимоий туризмни модернизациялашда институционал ривожланиш омиллари

Дунё тажрибасида илмий (илмий-тадқиқот), илмий-техник фаолият ва, шу билан бирга, тажрибавий (конструкторлик ишлари) кашфиётлар ўртасида фарқ мавжуд ҳамда илмий (илмий-тадқиқот) фаолият янги билимларни эгаллаш,

тақсимлаш ва қўллашга янгиликлар бозори илмий ташкилотлар, вақтинчалик илмий жамоалар, илмий ходимларнинг уюшмалари, тижорат ташкилотлари, мустақил илмий лабораториялар ва бўлимлар, миллий ва аъъанавий янгилик яратувчиларни шакллантиради ҳамда модернизациялашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Бошқарувининг устуворлиги қуйидагилардан иборат:

- Бу каби таркиб ишбилармонлик ва мутахассислик ихтисослашувини рағбатлантиради. Масалан, маркетинг бўйича мутахассис ишини олий раҳбарга қараганда яхши бажаради.

- Вазифавий соҳаларнинг мувофиқлашувини яхшилади. Хизматчилар бу тизимда яхши кўникадилар.

- Ҳаракатларнинг такрорланишини пасайтиради ёки бутунлай бартараф қилади ва материал

ресурслар сарфини камайтиради.

Тадқиқотимизда юқоридагиларни инобатга олган ҳолда иқтисодий ёни барча соҳаларини ривожлантириш учун қулай бўлган ёндашувлар асосида минтақа туризмини модернизациялашда рақамлаштириш жараёнилари дунё тажрибасидан ўтган инновацион усуллар ва технологик рақамлаштиришнинг синалган ва ўз натижаларини берган ҳамда келажакда янада яхши натижаларни берадиган замонавий интеллектуал технологиялардан фойдаланиб бошқарувларни барқарорлигини таъминлаш мақсадида иш жараёниларини тахлилий кузатиб бориш ҳамда юқори бошқарувнинг рақамли технологияларга, эга бўлишини таъминлаш муҳимдир.

Элёр БОЗАРОВ,

ҚарДУ Туризм ва маркетинг кафедраси
тадқиқотчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Mukhitdinov, H. S., and F. A. Norkobilova. "Prospects for Development of Digital Economy in Entrepreneurship." Academic Journal of Digital Economics and Stability (2021): 27-36.
2. Madina Bozorova Xudayar Muxitdinov, Farrux Qodirov "THE ROLE AND IMPORTANCE OF TELEMEDICINE IN THE PROVISION OF MEDICAL SERVICES TO THE POPULATION". International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT 2022.
3. Qodirov, Farrux. "Econometric modeling of medical services in the territories." International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT. 2022.

ИССЛЕДОВАНИЕ

ЭНЕРГЕТИЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ КАК ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ТОПЛИВНО- ЭНЕРГЕТИЧЕСКОГО КОМПЛЕКСА

Аннотация. В данной научной статье проанализированы основные показатели топливно-энергетического комплекса Узбекистана.

Annotatsiya. Ushbu ilmiy maqolada O'zbekiston yoqilg'i-energetika kompleksining asosiy ko'rsatkichlari tahlil qilingan.

Annotation. This scientific article analyzes the main indicators of the fuel and energy complex of Uzbekistan.

Введение. В современных условиях обострения глобальной мировой конкуренции преимущество имеют те страны, которые интенсивно работают над развитием инфраструктурных проектов, внедрением инноваций и освоением новых технологий, что позволит обеспечить выпуск конкурентоспособной продукции с наименьшими издержками. Одной из важнейших мер по повы-

шению конкурентоспособности национальной экономики и обеспечению экономической безопасности является ускоренное инновационное развитие топливно-энергетического комплекса. Это направление было и остается приоритетным в политике Республики Узбекистан.

В Постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по реализации национальных

целей и задачи в области устойчивого развития до 2030 года» одной из приоритетных целей государственной политики Узбекистана определено обеспечение доступа к недорогим, надежным, устойчивым и современным источникам энергии для всех.

Литературный обзор. По мнению В.Д. Андрианова, некоторые показатели экономического роста не совсем точно и в полной мере отражают возможности достижения стабильности [2].

По данным Х. И. Акара, теоретически запасенная тепловая энергия на поверхности на глубине 0-10 км составляет 245 106 ЭДж (экзаджоулей) для высокотемпературных областей и 181 106 ЭДж для низкотемпературных областей. Если бы использовалось 0,1% этой энергии, геотермальная энергия составила бы более 0,4 106 ЭДж. Учитывая текущее потребление энергии в мире, это эквивалентно потребности в энергии на 1000 лет. Подтвержденная геотермальная энергия составляет 50 ЭДж, и, по оценкам, в настоящее время потребляется 0,5 ЭДж этой энергии. Сегодня геотермальная энергия обеспечивает 0,2% от общей потребности в энергии в мире. Но этот показатель сильно различается в разных странах [5].

Методология исследования. В статье обобщены методы, основанные на мнениях и анализе специалистов. Проведен углубленный анализ с использованием методов анализа и синтеза.

Анализ и результаты. Хотя энергоемкость ВВП Узбекистана в последние годы снижается, этот показатель остается намного выше уровня развитых стран. Сегодня среднее значение показателя энергоемкости ВВП по всему миру составляет 240 кг.н.э./1000 долл. США. Энергоемкость ВВП Узбекистана почти в 4 раза выше, чем в ЕС и в 2 раза выше мирового среднего показателя. В результате этого Узбекистан входит в группу стран с довольно высоким уровнем CO₂ на единицу валового внутреннего продукта.

Социально-политические угрозы. Достижение приемлемого уровня жизни и устойчивого экономического развития может осуществляться путем управления социально-политическими угрозами. Этот тип угрозы напрямую связан с уровнем жизни общества и может усугубляться другими угрозами.

Природные угрозы. Часто мероприятия по нивелированию угрожающих природных катаклизмов предусматриваются еще на этапе проектирования и строительстве энергетического объекта. Тем не менее к чрезвычайным ситуациям

могут привести стихийные бедствия, учитывая все природные факторы. Однако проблема в том, что из-за случайности реальный ход природных явлений не всегда соответствует прогнозу. Природные катаклизмы часто бывают разнообразного происхождения, серьезность, негативное влияние, масштабы и частота их имеют большой диапазон: от нескольких дней проливных дождей до девятибалльных землетрясений.

Искусственные угрозы. Неисправности и аварии могут возникать в любой технической системе по разным причинам. В связи с этим вводится понятие техногенной угрозы. Масштабные пожары и порты в топливно-энергетическом комплексе представляют серьезную угрозу для населения и окружающей среды.

Начиная с 2020 г. основные параметры государственного бюджета Республики Узбекистан стали приниматься в формате Закона (до этого принимались Постановлением Президента Республики Узбекистан). Кроме того, до 2019 г. включительно расходы Государственного бюджета планировались на основе рассмотрения и свода бюджетных запросов по функциям государства (экономика, социальная сфера, централизованные инвестиции и др.), с 2020 г. было введено разделение на распорядителей бюджетных средств первого уровня, перечень которых определяется Кабинетом Министров, и распорядителей бюджетных средств второго уровня (прикрепляемые к распорядителям бюджетных средств первого уровня). В соответствии с данной реформой, на текущие расходы Министерством энергетики Республики Узбекистан ежегодно выделяются определенные суммы ассигнований (табл. 2).

В соответствии с данными вышепредставленной таблицы объемы финансирования энергетической отрасли из средств государственного бюджета Узбекистана имеют незначительный удельный вес, но с динамикой роста.

В целях развития электроэнергетического сектора в Узбекистане принят к реализации проект при содействии Всемирного банка «Трансформация электроэнергетического сектора и устойчивая передача электроэнергии», что призвано расширить производство «зеленой» энергии, обеспечить её надежные поставки примерно 32 млн. потребителей и позволит подключить к электросетям новые масштабные проекты по производству возобновляемой энергии.

Выводы. Таким образом, рассмотренные угрозы и риски устойчивого развития отраслей

Таблица 1.

**Проекты по обеспечению энергобезопасности Узбекистана,
принятые в 2021 г.**

№	Содержание проекта	Дополнительная информация
1.	Заключено 10 контрактов на строительство тепловых, солнечных и ветровых электростанций в электроэнергетике общей мощностью 4341 МВт	Данные мощности равнозначны одной трети мощности действующих в стране в настоящее время мощностей
2.	Запланирован запуск 2 крупных солнечных электростанций мощностью по 100 МВт каждая	Месторасположение - Навоийская и Самаркандская области
3.	Запланировано введение в эксплуатацию тепловых и солнечных электростанций суммарной мощностью 1800 МВт	По мощности и срокам введения данная мера не имеет аналогов за всю историю республики
4.	Установление на 17-ти электрических подстанциях дополнительных высоковольтных трансформаторов общей мощностью более 1,5 тыс. мегавольт-ампер	По мощности и срокам введения данная мера не имеет аналогов за всю историю республики
5.	Реконструкция и обновление 15 тысяч км низковольтных линий электропередачи	Это первая подобная масштабная реконструкция в истории электроэнергетики Узбекистана
6.	Модернизация и реконструкция 4 тысяч трансформаторных подстанций	По масштабности это первая реконструкция такого рода
7.	Запуск в Кашкадарьинской области проекта Uzbekistan GTL	Это крупнейший инвестиционный проект в регионе и единственный такого рода на территории СНГ
8.	Установление автоматизированной системы учета и контроля электроэнергии (АСКУЭ) почти 7,5 млн. абонентов	Проект осуществлен в рамках государственной программы
9.	Внедрение автоматизированной системы учета и контроля природного газа (АСКУГ)	В результате были бесплатно установлены современные электронные счетчики на газ более 3,5 млн. потребителей
10.	Завершение процесса установки штрих-кодов на бытовые газовые баллоны по всей стране	За счет данной меры контроль баллонов со сжиженным газом будет проходить в онлайн режиме

Таблица 2.

**Ассигнования из госбюджета Узбекистана на текущие расходы
Министерства энергетики в 2020-2022 гг.¹¹²**

Показатели	2020 г.		2021 г.		2022 г. (план)	
	млн. сум	%	млн. сум	%	млн. сум	%
Ассигнования из республиканского бюджета, всего	100 830 566,4	100	135 800 591,4	100	171 894 044,6	100
Министерство энергетики Республики Узбекистан (текущие расходы)	41 059,5	0,04	43 839,8	0,003	55 034,9	0,03

энергетического комплекса, показали, что финансово стабильный, экономически устойчивый, развивающийся в соответствии с требованиями международных стандартов, экологически эффективный, обеспеченный инновационными научно-техническими разработками и квалифицированным персоналом

национальный топливно-энергетический комплекс является не просто необходимостью, требованием времени, но также поднимет на качественно новый уровень развитие экономики республики.

Азиз АТАМУРАТОВ,
докторант, ТГТУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5598 от 13 декабря 2018 года «О дополнительных мерах по внедрению цифровой экономики, электронного правительства и информационных систем в государственном управлении Республики Узбекистан».
2. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы.
3. Постановление Президента РУз о Концепции развития атомной энергетики в Республике Узбекистан на период 2019-2029 гг. № ПП-4165 от 07.02.2019г.
4. № УП-5544 от 21 сентября 2018 года «О стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы».
5. Аллаева Г.Ж. Перспективы устойчивого развития предприятий топливно-энергетического комплекса Республики Узбекистан. //Монография. - Ташкент, «Fan va texnologiyalar», 2021. 160 стр.
6. Аллаева Г.Ж. Устойчивое развитие предприятий ТЭК РУз в условиях цифровой экономики. Саноат иқтисодиёти ва менежменти. Республика илмий-амалий анжуманни материаллари – Т: 2021 й., 29 апрель. Б. 368-372
7. Аллаева Г.Ж., Махкамова М.А. Перспективные технологии в электроэнергетике – основа энергосбережения и энергетической безопасности Узбекистана. // Спец. выпуск журнала «Проблемы энерго- и ресурсо-сбережения». Тошкент, 2019. - Б. 208-212.
8. Атамуратов А.Р., Корпоративная стратегия методом перехода к МСФО. «Замонавий корпоратив бошқарув: муаммо ва ечимлар» мавзусида республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.:, 2020;
9. Атамуратов А.Р. Эффективный механизм системы корпоративного управления. «Саноат иқтисодиёти ва менежменти: муаммо ва ечимлар» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.:, 2021;
10. Гуриева Л. Стратегия устойчивого развития региона /Л. Гуриева // Проблемы теории и практики управления. - 2012. - № 2.
11. Дударев А.С. Факторы устойчивого экономического развития / А.С. Дударев // Предприниматель. - 2013. - № 8. – С. 56-59.



Пиллачиликка бағишланган дунё

Жумладан, Собир Наврузович республика пиллачилигига раҳбар бўлган йилларда – 1991 йилдан шу давргача қайталанмаган кўрсаткич – 34 минг тонналик энг юқори ҳосил етиштирилганлигини алоҳида қайд этиш керак. Шунингдек, у киши тут ипак куртининг республикамиз иқлим шароитига мос маҳаллий зот ва дурагайларини яратиб, уларни турли босқичларда кўпайтириб, ички эҳтиёжни тўлиқ маҳаллий уруғлар билан таъминлаш ва орикча қисмини экспортга чиқариш ишларида бевосита раҳбарлик қилган.

У 1953 йилнинг 23 июнида Бухоро вилояти Бухоро туманида таваллуд топган; Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг Ипакчилик йўналишини тугатгандан кейин, мутахассислиги бўйича турли лавозимларда фаолият юритди. Жумладан, дастлаб ишни оддий хўжалик агрономлигидан бошлаб, ўзини кўрсата олган ёш мутахассис 1980 йилдан вилоят пилла етиштириш ва тайёрлаш бошқармасида бош агроном, 1986-1991 йилларда вилоят пилла етиштириш ва тайёрлаш бирлашмаси бош директори, 1991-1995 йилларда республика пилла етиштириш ва тайёрлаш бирлашмаси бош директори, 1995-1998 йилларда республика “Пилла” уюшмаси бошқарувининг раиси, 1998-1999 йилларда “Ўзбек ипаги” республика уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, илмий-тадқиқот институтида катта илмий ходим, Тошкент вилояти “Пилла” МЧЖ раҳбари, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, шу вазирликда пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи вазифаларида ишлаган.

Собир Наврузович ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мустақил илмий изланувчи бўлиб, ипак куртининг селекция ва наслчилиги бўйича ҳам иш олиб борган ҳолда, 2000 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий унвонига сазовор бўлган.

Ишлаб чиқаришда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган С.Наврузов 2010 йилдан бошлаб ипакчилик

Мамлакатимиз пилла етиштириш ҳажми бўйича дунёда етакчи давлатлардан бири ҳисобланса, бунда Бухоро пиллачилиги ва унинг мактаби алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки бу вилоятда ўтган асрнинг 90 йилларида 4,5 минг тоннагача пилла етиштирилиб, Хўрматой Тешаева каби ипак куртини жадал боқиш усулини яратган меҳнат қаҳрамонлари ҳамда республика пиллачилик соҳасини турли даврларда муваффақият билан бошқарган тўртта раҳбар етишиб чиққан.

соҳасида иш юритадиган ёш авлодни тайёрлашда фаол иштирок этиб, Тошкент давлат аграр университетининг “Ипакчилик ва тутчилик” кафедрасида катта ўқитувчи, доцент ва 2022 йилдан бошлаб профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу давр мобайнида у киши кундузги ва сиртқи бўлимларни ипакчилик йўналиши бўйича битирган 1000 нафарга яқин ёшларга назарий ва амалий сабоқ берган бўлса, 60 дан зиёд бакалаврлар, 20 га яқин магистрлар ва 1 та қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа докторига, ҳамда 3 та республика миқёсидаги А.Беруний ва И.Каримов номидаги стипендиатларга илмий раҳбарлик қилган.

Шунингдек Собир Наврузов ўзининг педагогик фаолияти даврида учта дарслик, шундан биттаси якка муаллифликда, 10 га яқин ўқув-услубий қўлланмалар, 80 га яқин илмий-амалий мақолалар муаллифи ҳисобланади.

Илмий-педагогик фаолияти давомида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар йўналишидаги 2 та лойиҳа иштирокчиси, тут ипак куртининг истиқболли “Наврўз-3” ва “Наврўз-4” дурагайлари ҳаммуаллифи. Узоқ муддатли самарали меҳнати, касбий маҳорати, истеъдоди, илмий-иждодий салоҳияти соҳа мутахассислари, Тошкент давлат аграр университети жамоаси ва жамоатчилик томонидан эътироф этиб келинмоқда.

У ибратли оила бошлиғи, турмуш ўртоғи билан бир қиз ва бир ўғилни тарбиялаб вояга етказган бўлса, бугунги кунда 4 нева ва бир эваранинг ҳурматли бобоси. Бундан ташқари, Собир ака 48 йил олдин институтни бирга битирган курсдошларнинг ҳар йилги учрашувларида асосий ташкилотчи бўлиб югуриб-еладиган ишончли дўстдир.

Жонкуяр ва фидойи инсон пиллачилик соҳасининг етук мутахассиси, ажойиб педагог, кадрдон дўстимиз Собир Наврузовични қутлуг 70 ёши билан ёшликдаги ва талабалик давридаги ўртоқлари ҳамда республика пиллачилиги соҳасидаги кўпдан-кўп ҳамкасблари ва шогирдлари номидан самимий қутлаймиз, унга мустақкам соғлиқ ва келгуси педагогик ишларида омадлар тилаймиз.

Курсдошлари ва ҳамкасблари номидан
Қаҳҳор ЯВҚОЧДИЕВ.



Истиқлол таратган хуш наводир бу

Уктамхон Акбарова 1959 йил Фарғона вилояти, Учқўприк туманида. 1976 йили тумандаги 1-ўрта мактабни битириб, Тошкент Давлат университети(ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факультетида ўқиган. Иш фаолиятини туман радиосида, туман газетасида, маҳаллий телевидениеларда олиб борган. 2018 йилдан Данғара тумани ҳокимлигининг “Данғара” газетаси бош муҳаррири. 1996 йилда “Йиллар солномаси”, 2021 йилда “Ҳокисор қуш” китоблари чоп этилган.

ИСТИҚЛОЛ

Қалбимнинг қаътида янграр бир наво,
Ёр-ёрдан ўзгача, алладан бўлак.
Вужудим яйратар тонгги соф ҳаво,
Айтилгандек гўё илоҳий тилак.
Истиқлол таратган хуш наводир бу,
Кемтик диллар учун эм-даводир бу!

Борлиғим чулғаган ажиб бир ифор,
Деманг уни ўша сирли мушк-анбар.
Бўйи-муаттарда, ўзга бир ҳид бор,
Ундан анқир гўё субҳи санобар.
Истиқлолнинг масрур ифоридир бу,
Момолар асраган шаън-оридир бу.

Дилимдан тилимга кўчади бир сўз,
Сўзласам, танамни чулғар ҳаяжон.
Биргина шу калом қудрати тенгсиз,
У билан ёруғдир тунлар ҳам ҳар он.
Истиқлол аталган зўр каломдир бу,
Бизга бағрин очган кенг оламдир бу.

Уйқудан кўз очиб кўраман бир нур,
Қуёшдан-да ёрқин жилоси бордир.
Камалак рангида товланар шукур,
Нур ичра эзгулик, яхшилик ёрдир.
Истиқлол машъали - зиёсидир бу,
Хусни, латофати - ҳаёсидир бу.

Наводан кўнгиллар сув ичсин мангу,
Ифордан ҳар бир дил ҳўп сархуш бўлсин.
Нур ичра заволсиз отсин юрт тонги,
Илоҳий бир сўздан кўнгиллар тўлсин.
Истиқлол, сен менинг жону-танамсан,
Ўзбекистон – шаъним, жон Ватанамсан!

ТАЛПИНГАНИМ ГҮЛ ЭДИ

Талпинганим гул эди,
Тиконлари қадалди.
Интилганим нур эди,
Зулмат ундан яралди.

Қўмсаганим қадр эди,
Ҳисларим бўлди яксон.
Тилаганим ишқ эди,
Йўлимда эгиз армон.

Сўраганим меҳр эди,
Қаҳрга бўлдим дучор.
Излаганим висол эди,
Топмоғим энди душвор.

БЕВАЛИК ЮКИНИ КЎТАРМОҚ ОҒИР

Бевалик юкини кўтармоқ оғир,
Юрагинг тубида ингроқ ётади.
Надомат, афсусдан толасан охир,
Ножўя ҳар бир сўз оғир ботади.
Ёнингда тоғинг йўқ, юрагинг кемтик,
Эркалик, ноз-ишва энди бегона.
Кулишинг беўхшов, ҳамроҳинг ҳадик,
Юришларинг эса далли-демона.

Сағирлар кўзига қарамоқ мушкул,
Эгилган қақдингни тикламоқ душвор.
Ёт нигоҳ ўқидан ёнасан буткул,
Қалбингда туясан озор ва озор.

Бевалик юкини кўтармоқ оғир...

Ўктамхон АКБАРОВА.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrar-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIIYEV

Tahrir hay'ati:

Aziz VOITOV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Bahodir MIRZAYEV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2023-yil, iyun №6.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan
olindi, deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Сув хўжалигида коррупцияга барҳам берилади	1
110 ёшли илмий даргоҳ	2
Б.ЭГАМҚУЛОВ. Аграр соҳанинг етакчи илмий марказларидан бири ...	3
Ф.ХАСАНОВА, Б.НИЯЗАЛIEV, Б.КАМИЛОВ. Июнь ойида ғўза парваришида нималарга аҳамият бериш зарур?	5
Р.НИЗОМОВ, Р.ХАКИМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Сабзавот ва картошка экинларини такрорий муддатда етиштириш	8
Б.ХАЛИКОВ, Х.БОЗОРОВ. Такрорий экинлар – тўқинлик гарови ...	11
О.АМАНОВ, А.МЕЙЛИЕВ, Д.ЖУРАЕВ, Н.МИРЗАЕВ. Соя – ерга кувват, деҳқонга даромад	13
Е.ТОРЕНИЯЗОВ, Б.АННАҚУЛОВ. Каналарга қарши кураш тадбирларини кучайтириш талаб этилади	16
Raps – oqsilga boy o'simlik	17
М.ТОШБОЛТАЕВ. Ҳашак йиғиш машиналарини соzлаш ва ишлайтиш	18
М.УЛИМАН. Ўзбекистон Республикасининг сув хўжалигини рақамлаштириш	20
Ш.СОДИҚОВА. Ҳар томчи сувнинг ўлчови бор	22
Х.КАРИМОВ. Таянчи мустаҳкам тизим	23
Адабда хушёр, меҳнатда илғор	24
Ш.ЖАББАРОВА. Интилган орзусига етади	25
Мўъжизалар яратган қўллар	26
Қорақўлчилик — сердаромад соҳа	27
Р.ТОЖАЛИЕВА. Ҳар жабҳада илғорлар	28
Р.ЮСУПОВА. Юрагида ўти бор фермерлар	30
Ш.НОРМУРОДОВ. Ўрмонлар – бебаҳо бойлигимиз	32
Р.ТЕЛЛЯЕВ, М.САТТАРОВ, М.ЭРГАШЕВ, Б.ҚОДИРОВ. Органик шoли етиштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш	34
Ғ.ДИЯРОВ, Ш.РИЗАЕВ. Самарқанд вилояти шарoитида кунжут (<i>Sesamum L.</i>) ни экиш муддати ва минерал ўғит меъёрлари	37
Ж.ЁКУБОВ. Кузги рапс илдиз тизимига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири	39
А.АХМЕТОВ, Д.КАМБАРОВА. Вопросы регулировки колеи универсально-пропашных тракторов	41
Ж.ТУХТАБАЕВ. Рақамли иқтисодиёт шарoитида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самардорлиги индикаторлари	43
К.МАХКАМОВА. Ўзбекистонда инвестицияларни ривожлантириш йўналишлари	46
S.DANIYAROV. Qishloq xo'jaligidagi xavf-xatarlarning oziq-ovqat xavfsizligiga ta'siri	48
G.ALIEVA, Q.ONGARBAYEV. Qishloq xo'jaligini modernizatsiyalashga investitsiya kiritishda xorij tajribalaridan foydalanish	50
X.UKTAMOV. O'zbekistonda sanoat korxonalarining iqtisodiy xavfsizligiga ta'sir etuvchi omillarning ilmiy-nazariy asoslari	53
Э.БОЗАРОВ. Минтақа зиёратгоҳ ва қадамжоларини модернизациялашда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари	56
A.ATAMURATOV. Энергетическая безопасность как фактор устойчивого экономического развития предприятий топливно- энергетического комплекса	58
Қ.ЯВҚОЧДИЕВ. Пиллачиликка бағишланган умр	62
Ў.АКБАРОВА. Истиклол таратган хуш наводир бу	63

Jurnal O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida 2019-yil
10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta
ro'yxatga olingan.

Manzili: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz

E-mail: qxjurnal@mail.ru

Telegram: qxjurnal_uz

Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2023-yil
30-may. Qog'oz bichimi 70x100 1/16.
Ofset usulida ofset qog'oziga chop
etildi. Shartli bosma tabog'i – 5,5. Nashr
bosma tabog'i – 1,31. Buyurtma № 13.
Nusxasi 1100 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ
matbaa bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri,
Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi
ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrirlar –
B.ESANOV, A.TAIROV

Dizayner – U.MAMAJONOV

Кишлоқ хўжалигида йилнинг дастлабки ҳосили соҳадаги энг сердаромад тармоқлардан ҳисобланган пиллачиликдан олинади. Демак, ушбу тармоқда эришилган муваффақият соҳадаги кейинги эришиладиган ютуқларга ҳам замин ҳозирлайди. Бу йилги пилла мавсумида ҳам жойларда соҳани янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ипакчиликда ҳам иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга, жаҳон бозорида харидоргир, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кўпайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

“КУМУШ” ТОЛА - ИЛК БАРАКА НИШОНАСИ

Жорий йилда Бухоро вилоятидаги “Ғиждувон ипаг тола” МЧЖ аъзолари 480 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етиштиришди. Мавсум бошида туман бўйича фермер хўжаликларидаги оилавий пудратчиларга тарқатилган 8 минг 700 қути ипак қурти оби-тобида парваришланиб, мўл ҳосил олинишида омил бўлди. Маълумки, пиллани етиштириб, хомашё ҳолида сотилгани эмас, балки қайта ишланиб, калава қилиб сотилгани кўпроқ фойда келтиради. Адрас, атлас каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш эса моддий манфаатдорликни янада оширади. Шу мақсадда пиллани кластер усулида етиштириш йўлга қўйилган бўлиб, вилоятнинг Ғиждувон ва Шофиркон туманларида бу вазифани ҳамда пилла етиштирувчиларга хизмат кўрсатишни хомашё қабул қилиш ва қайта ишлашга ихтисослашган “Ғиждувон ипаг тола” МЧЖ корхонаси ўз зиммасига олган. Топширилган жами маҳсулот ушбу ташкилотга қарашли йигирув цехида қайта ишланиб, харидорларга тайёр ҳолатда етказиб берилади.



Суратда: Ғиждувонлик пиллакорлар

Жорий йилда Самарқанд вилоятининг Нарпай тумани пиллакорлари ҳам 5 минг 345 қути ипак қуртини 5 минг 450 та оилавий касаначилар хонадонларида парваришлаб, 310 тонналик режани ортиғи билан уддалади. Айниқса, “кумуш” тола етиштиришда тумандаги тажрибали пиллакор фермерлардан “Нарпай Бахмал Рўзиевоя”, “Илғор Уроз Шукур” фермер хўжаликлари аъзолари астойдил меҳнат қилиб, туман хирмонига ўзларининг муносиб улушларини қўшишди.

— Пилла парвариши жуда нозик, шунинг учун унга ўта эътиборли бўлиш лозим, — дейди Нарпай туманига хизмат кўрсатувчи “Самарқанд силк АО” МЧЖ кластер корхонаси иш юритувчиси Абдор Амиркулов. — Бунда пиллакорларга яқиндан ёрдам

кўрсатиш учун мутахассислар белгиланган. Улар хонадонларда боқиладиган қурт парваришини мунтазам равишда назорат қилиб боради. Корхонада айни кунда 35 нафар ходим доимий иш ўрнига эга. Мавсум даврида эса ёлланиб ишловчи ва пилла етиштирувчилар ҳисобига уларнинг сони 100 нафаргача етади. Бу вақтда миришкорлар, қолаверса, жамоанинг барча аъзолари соҳа равнақи йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Албатта, пиллачиликда ҳосилнинг мўл бўлиши бевосита озуқа базасининг мустаҳкамлигига боғлиқ. Шу боис, Самарқанд вилоятининг барча туманларида, жумладан, Булунғур туманида ҳам ипак қурти озукасининг асосий манбаи ҳисобланган тутчиларни



Суратда: Нарпай тумани “Нарпай-Бахмал-Рўзиевоя” фермер хўжалиги раҳбари Сардор Шарипов иш жараёнида

ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Бугун туманимизда пилла етиштириш Хитой технологияси асосида ташкил этилмоқда, — дейди туман “Агропилла” масъулияти чекланган жамияти “Улуғбек” ҳудуди агрономи Ботир Қаршиев. — Бунда озуқа тежалади, пилла қурти тез ривожланади. Йилига икки мартагача ҳосил олиш мумкин. Шунингдек, хўжаликларга тарқатилган уруғларни нобуд қилмай парваришлаш учун зарур шароит яратилади. Бугун ҳудудимизда маҳаллий навлардан 2 минг туп тут кўчати экилди. Шу қатори мавсум бошиданоқ соҳага хизмат кўрсатувчи кластеримиз томонидан “кумуш” тола етиштираётган 68 та хонадонга амалий ёрдам кўрсатилди.

Албатта, бу каби амалий ишлар келажакда “кумуш” толанинг сифатли ва мўл бўлишига замин яратади.

ШУҲРАТ НОРМУРДОВ,
ўз мухбиримиз.



Mercedes-Benz Uzbekistonda

«SARDOR AVTO INVEST» DM
Toshkentdagi rasmiy diler | Тел.: 78 150 13 60



www.mercedes-tashkent.uz



**CHANGAN LABO va KAMA BIZNES
PUL TOPAR MASHINALAR**



“SARDOR AVTO INVEST” TOSHKENTDAGI RASMIY DILER

Tel: (78) 148 09 11, (90) 806-46-67

www.sardor-avto.uz

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN